

“Маснавийи маънавий” таржималарининг қиёсий таҳлили

Мазкур монографияда Мавлоно Жалолиддин Румий қаламига мансуб “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбекча таржимасини амалга оширган Жамол Камолнинг таржимонлик маҳорати ёритилган. Монография адабиётшунослар, илмий изланувчилар, магистратура ва бакалаврият талабаларига, шунингдек, Румий ижодига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



Тўхсанов Қаҳрамон Раҳимбоевич 1967 йил 9 майда Пешку туманида зиёли оиласида туғилган. 1991 йилдан буён Бухоро давлат университетида фаолият кўрсатади. Филология фанлари номзоди, БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти. У 4 монография, 5 илмий рисола ва 8 ўқув қўлланма 160 дан зиёдроқ илмий мақолалар муаллифидир.



Globe
EDIT

“Маснавийи маънавий”

Қаҳрамон Тўхсанов

Globe
EDIT



Қаҳрамон Тўхсанов

“Маснавийи маънавий” таржималарининг қиёсий таҳлили

Монография

Қаҳрамон Тўхсанов

“Маснавийи маънавий” таржималарининг қиёсий таҳлили

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

Қаҳрамон Тўхсанов

**“Маснавийи маънавий”
таржималарининг қиёсий таҳлили**

Монография

FOR AUTHOR USE ONLY

GlobeEdit

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group

17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Mauritius

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-0-61555-8

Copyright © Қаҳрамон Тўҳсанов

Copyright © 2020 International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group

FOR AUTHOR USE ONLY

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қаҳрамон ТЎХСАНОВ

**“МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ”
ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ
ТАҲЛИЛИ**

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Султонмурод Олим – филология фанлари номзоди

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Эргаш Очилов – ЎзРФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Дилшод Ражабов – БухДУ ўзбек адабиёти доценти, филология фанлари доктори

Мазкур монографияда Мавлоно Жалолиддин Румий қаламига мансуб “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбекча таржимасини амалга оширган Жамол Камолнинг таржимонлик маҳорати ёритилган.

Монография адабиётшунослар, илмий изланувчилар, магистратура ва бакалаврият талабаларига, шунингдек, Румий ижодига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*Бухоро давлат университети илмий-техник кенгашининг
2020 йил 27 августдаги 1-сонли кенгаш ыарори билан нашрга
тавсия этилган.*

© Тўхсанов Қ.

**Устозим филология фанлари
доктори, профессор Раҳим Жўраевич
Воҳидовнинг порлоқ хотирасига камоли
эҳтиром ила бағишлайман.**

КИРИШ

Буюк шайх ва шоир, тасаввуф илмининг билимдони, Мавлавия тариқати асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари пайдо бўлиши биланоқ мусулмон минтақа халқлари бадийий сўз санъати оламида буюк мўъжиза сифатида пешвоз олинди. Мазкур бадийий яратмадан завқланиш, унда ифодаланган умумбашарий фазилатлардан ибрат олиш, гўзал маснавий таъсирида ўз она тилида ижодий асар яратиш, Мавлоно Румий сатрлари билан ўз халқини ошно қилиш қутлуғ анъанага айланди. Балхда туғилиб, Румда балоғат пилапояларга кўтарилган бу улуғ шайх уш-шуйухнинг довуғи Ғарбда ҳам кенг ёйилди. Натижада “Маснавийи маънавий” таъсирида яратилган ёки унинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турадиган жуда кўп бадийий дурдоналар майдонга келди. Ана шу йўналишда “Маснавийи маънавий”га шарҳ ёзиш, уни наср ёхуд назмда тўла ёки парчалар ҳолида ўз она тилига ўгириш анъанаси ҳам туради. Муаззам “Маснавий”ни ғарб оламига таништиришда Ж.Ҳаммер, Ж.Родҳоуз, Н.Винфельд, Р.Никелсон ва бошқа қатор олим ва мутаржимларнинг хизмати катта бўлди¹. “Маснавий”нинг Мунши Али томонидан “Боғи Эрам”, Юсуф Алишоҳ Чиштий томонидан “Пироҳани Юсуфий” (Юсуф қўйлаги) номлари билан урду тилига², Юсуф Хароботий томонидан “Маснавийи Хароботий” номи билан уйғур тилига таржима

¹ Бу ҳақда қаранг: Такий Пурномдориён. «Маснавий»ни дунё ўқиб-ўрганмоқда. Китобда: Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: «Фан» нашриёти, 2005. – 355-359-бетлар.

² Қаранг: Ўша манба, – 356-357-бетлар.

этилиши³ ҳам асарнинг Шарқ ва Ғарб халқлари маънавий ҳаётида катта ҳодиса бўлганлигидан далолатдир. Қайд этилган адабий ҳодисалар ўзбек мумтоз адабиёти, унинг улуғ арбоблари ижодий фаолиятида ҳам ёрқин из қолдирди. Ёхуд Мавлавий жанобларига издошлик кенг қўламда қулоч ёйди. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Бобораҳим Мулло Вали ўғли Машрабнинг “Мабдаи нур” асарини кўрсатиш кифоядир⁴. “Маснавийи маънавий”нинг пурҳикмат байтларига шарҳ бериш масаласида ҳам бир қатор қимматли ишлар амалга оширилди. Айни йўналишга XVIII асрда Хоразмда яшаб фаолият кўрсатган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор”⁵ асарини кiritиш мумкин.

Кўринадики, XIII асрдан ибтидо топган “Маснавийи маънавий”га издошлик, ундан таъсирланиш, унга жавоб айтиш, таржима қилиш, шарҳу изоҳлар ёзиш ўзига хос адабий анъана сифатида шаклланиб, XXI асрга қадар давом этаётир. Фикримизнинг далили сифатида форсий адабиётнинг моҳир мутаржими Асқар Маҳкам томонидан амалга оширилган ҳайрли ишни кўрсатиш жоиздир⁶. Қувончлиси шундаки, бундай савобли ҳаракатлар ўрта йўлда қолиб кетмади ва ўзбек китобхони Мавлавий ҳазратларининг бу ноёб асари билан тўла танишиш имкониятига эга бўлди.

³ Бу ҳақда қаранг: Фикрат Ҳ. Румий ва Хороботий. – ЎТА, 2003, 5-сон, – 46-49-бетлар.

⁴ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. Нашрга тайёрловчи: Ҳожи Исмагуллоҳ Абдуллоҳ. – Т.: «Фан» нашриёти, 1994, – 314 бет.

⁵ Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. («Маснавийи маънавий» тафсири). Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: «Мусика» нашриёти, 2006, – 352 бет. ⁶ Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий. Куллийт. Биринчи жилд. Биринчи китоб (таржима шарҳи билан). Форсийдан Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1999. ⁷ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – Т.: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2005, – 368 бет; Иккинчи китоб. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002, – 335 бет; Учинчи китоб. – Тошкент – Техрон: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, Эрон Ислом Республикаси «Ал - Ҳудо» халқаро нашриёти, 2003, – 431 бет; Тўртинчи китоб. – Тошкент – Техрон: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, Эрон Ислом Республикаси «Ал - Ҳудо» халқаро нашриёти, 2003, – 350 бет; Бешинчи китоб. – Техрон: «Ал - Ҳудо» халқаро нашриёти, 2004, – 400 бет; Олтинчи китоб. – Техрон: «Ал - Ҳудо» халқаро нашриёти, 2004, – 454 бет.

“Маснавийи маънавий” Ўзбекистон халқ шоири, салоҳиятли таржимон Жамол Камол томонидан тўла ҳолда ўзбек тилига ўтирилди ва олти китоб ҳолида китобхонларга тақдим этилди⁷. Бинобарин, Ғарбу Шарқда бирдек қадр топган “Маснавийи маънавий”нинг илк ўзбекча тўла таржимаси матнини тадқиқ этишга бағишланган монографиядир.

Кўп асрлик туркий ва форсий адабиёт хазинасида шариат ва тариқат ҳукмига мувофиқ келувчи илоҳий-ирфоний ғоялар ташвиқи бағишланган бадиий ижод намуналари алоҳида ҳиссани ташкил этади. Бундай асарларнинг аксарияти ижодкорнинг илоҳий олам асроридан олинган табиий завқи, унга интилиши маҳсули бўлса, яна бир қисми махсус – мактаб ва мадрасалар таълимини йўлга қўйишда кўмак берадиган амалий қўлланмалар яратиш зарурати ўлароқ дунёга келган. Бироқ бу сирадаги асарлар ичида ҳар икки жиҳатга кўра ҳам муҳимлик касб этадиган дурдоналар мавжуд. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” манзумаси қайд этилган муштарак фазилатларга эгаллиги боис алоҳида қадр-қиммат касб этади. Мазкур нодир асарнинг дунёга келишида муқаддас китоблар ҳамда ҳадислар, қадим Шарқда асрлар давомида яратилган илоҳий-ирфоний асарлар ўзига хос манба бўлиб хизмат қилган. Табиийки, асарда Шарқ пандномачилигининг муҳим фазилатлари ўз тажассумини топган. Демак, “Маснавийи маънавий”нинг илоҳий-ирфоний, адабий манбаларини аниқлаш ҳамда унинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш Мустақил мамлакатимизда кун тартибидаги асосий масалалардан бири сифатида эътироф этилаётган келажак яратувчилари – баркамол ёшлар тарбиясига сайъ этиш ҳаракатига ҳамоҳангдир.

Шеърый матнни идрок этиш ва уни бир тилдан бошқа тилга ўтириш масаласи узоқ йиллардан бери таржимашунослар эътиборини жалб этиб келмоқда. Жаҳон

ва рус адабиётшунослигининг кўплаб билимдонлари ўзларининг шеърий таржима ва бадиий матнни қайта яратиш масаласига оид тадқиқотлари билан бу соҳа ривожига беқиёс ҳисса қўшдилар⁸.

Адабиётимиз шеърий таржима соҳасида бой мумтоз тажрибага эга бўлса-да, унинг ривожига, назарий ва амалий муаммолари ҳақида махсус тадқиқотлар яратиш XX асрга келиб урф бўлди. Бу соҳанинг шаклланиши ва ривожига Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, Н.Комилов, А.Ҳожиаҳмедов, К.Жўраев, Султонмурод Олимов, Эргаш Очилов сингари таниқли олимлар ҳамда кейинги авлод вакиллари изланишлари билан бевосита боғлиқдир⁹.

“Маснавийи маънавий”нинг ўзбек тилидаги илк шеърий таржимаси матнини қиёсий таҳлил жараёнида жиддий назардан ўтказиш миллий адабиётшунослигимиз кун тартибига қўйган муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Биз мазкур монографияда имкониятимиз даражасида аслият билан ўзбекча таржимасини қиёсий ўрганиб тадқиқот давомида вужудга келган кузатувларимизни баён қилдик. Умид қиламизки айрим камчиликлар бўлса барча фойдали истак ва танқидий фикр-мулоҳазаларингизни дариг тутмайсиз азияз китобхон!

⁸ Эткинд Е. Поэзия и перевод. – Л., М.: Сов. писатель, 1963; Фёдоров А. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983; Россельс В. Сколько весит слово. М.: Сов. писатель. 1984; Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Сов. писатель. 1980.

⁹ Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983; Яна: Таржима ташвишлари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983; Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Саломов Ғ., Комилов Н., Салимова З., Жўраев К., Отажонов Н. Таржимон маҳорати. – Т.: Фан, 1979; Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Т.: Фан, 1965; Яна: Шеърий таржиманинг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1969; Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988; Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Т.: Маънавият, 1999; Ҳожиаҳмедов А. Рус классик адабиётидан илк таржималар ва уларнинг ўзбек адабиёти таракқиётидаги аҳамияти. Ном. дисс. – Тошкент, 1962, – 289 бет; Олимов С.Х. Проблемы воссоздания поэтических фигур в переводе Алишера Навои. АКД. – Ташкент, 1985, – 22 стр.; Бакаева М.К. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. ДДА. – Тошкент, 2004, – 50 бет.

МАВЛОНОЛАР МАВЛОНОСИ

Ислом оламида буюк зотларга “Мавлоно” деб мурожаат қилиш шакллаган. Масалан, Навоий замонасида икки шоир таҳаллуси олдидан қўлланиб, улар деярли ҳар маҳал “Мавлоно Лутфий”, “Мавлоно Жомий” деб улуғланган. XIX асрда яна бир шоиримиз таҳаллусига шу сўз қўшилиб, у “Мавлоно Муқимий” деб улуғланган.

Бироқ XIII асрдан буёғига форсий-туркий манбаларда “Мавлоно” сўзи алоҳида ҳолда учраса, билингки, у, аввало, Жалолиддин Румий ҳазратларини англатади.

Жалолиддин Румий 1207 йили ҳозирги Афғонистоннинг қадимий Балх шаҳрида замонасининг машҳур шайхларидан бири бўлган Баҳоуддин Валад хонадонида таваллуд топган.

Кўниё шахрининг Салжукли элчаси(тумани)да жойлашган Шаҳидлар жоме масжидида намоз ўқисангиз, назаримда, юзингизни ҳам қиблага, ҳам Мавлоно Жалолиддин Румий мақбарасига қаратган бўласиз. Бу худди Тошкентда туриб намоз ўқиганда юзингизни бира тўла ҳам қиблага, ҳам Самарқанддаги Имом Бухорий ҳамда Бухородаги етти пир мақбараларига қаратганингизга ўхшайди.

2019 йил 13 июндан 14 июнга ўтар кечаси “Диёнат” телеканалида “Маснавий...” суҳбатлари” деган кўрсатув намойиш этилди. Туркия Республикаси Диёнат ишлари вазирлиги воизи Аҳмет Ўзкан маъруза қилди.

Биринчидан, шеърини парчаларни форсийда келтирди. Яхши биласизки, ҳозирги пайтда мумтоз форсий адабиёт намуналари уч хил талаффузда ўқилади: Марказий Осиёда улар тожик тили талаффузи билан, Афғонистон ва унинг атрофларида дарий тили талаффузи билан, Эронда эса ҳозирги форс тили талаффузи билан. Воиз айнан Мавлоно

Жалолиддин Румий шеърларини тожикча талаффуз билан ўқиди. Бу шундан далолат берадики, Туркияда асрлар мобайнида форсий матнлар шундай ўқилиб келган. Ҳолбуки, Эрон – Туркиянинг ён қўшниси.

Иккинчидан, Аҳмет Ўзкан Мавлоно байтларини Қуръони карим оятлари ва пайғамбар (с. а. в.) ҳадиси шарифлари асосида шарҳлади.

Учинчидан, “Маснавийи маънавий” сатрларини тасаввуфий талқин қилди. Кўпинча шариат олимлари фикрларини тасаввуфга боғлайвермайди.

Тўртинчидан, олим Мавлоно Жалолиддин Румийнинг байтларини тушунтириш учун Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳазратларининг кўнгил каъбаси ҳақидаги машҳур сатрларини ҳам келтирди. Орада Мулло Жомийнинг араб тили грамматикасига бағишланган “Кофия” китоблари усмонлилар даврида ҳам, ҳозир ҳам Туркия мадрасаларида дарслик вазифасини ўтаб келганини қистириб ўтди. Бу зоти шарифнинг улўғ ислом олими, йирик тасаввуф назариётчиси, шайхлар ҳақидаги “Нафаҳот ул-унс...” таъкираси муаллифи, буюк шоир эканликларини қайд этишни ҳам унутмади.

Бешинчидан, “Маснавий...”даги бир подшоҳ ва вазирнинг Исо қавмларига қарши фитна уюштиргани, 12 амирни ёт ғоя билан исавийларга қарши қайрагани ҳақидаги ҳикоятни бугунги ислом аҳли ўртасида бўлиниш, фитна уюштиришга бўлган уринишларга боғлаб тушунтирди. Шу тариқа Мавлоно Жалолиддин Румий бугун учун хизмат қилдирилди.

Ислом оламида Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”сидан бошқа ҳеч бир асар Шайх Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”и даражасига чиқа олмади, деган қараш бор. Албатта, бу Алишер Навоий замониға қадар айтилган таъриф.

Мавлоно Жалолиддин Румий Балхий ким эди?

Бу саволга тўлиқ жавоб бериш учун икки масалани ўртага қўйиш керак. Биринчиси “Бу буюк зот жаҳон сўз санъатида қандай ўрин тутади?” деган, иккинчиси “Унинг ўзбек маънавияти учун аҳамияти айнан нималарда кўринади?” деган масала.

Бу икки жиҳатни ойдинлаштириш учун эса ҳаммадан бурун шоирнинг энг буюк асари бўлмиш “Маснавийи маънавий”нинг мусулмон шарқи, қолаверса, жаҳон шеъриятидаги ўрнини белгилаб олишимизга тўғри келади.

Ҳеч бир халқни миллий шеъриятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳамма қавмда ҳам эл орасида ёд олиниб, мақол янглиғ машхур бўлиб кетган байт ё мисралар учрайди. Лекин бирор сатр ё қўшмисранинг асли бошқа лисонда яратилган-у, таржима орқали ўзга тилда катта шуҳрат тутиб кетишига жуда кам дуч келамиз. Бунинг учун у, биринчидан, ниҳоятда кучли ғоявий-бадий қувватга эга бўлиши, иккинчидан, камида ўша ўзи битилган тилдаги ғоявий-бадий савия ва даражада ўтирилиши керак.

Михаил Лермонтовнинг “Оқариб кўринар бир елкан” (Ёнғин Мирзо таржимаси) ва Константин Симоновнинг “Мени кутгил ва мен қайтарман” (Ҳамид Олимжон таржимаси) каби мисралари худди шундай элимиз, хусусан, шеърсеварлар орасида жуда машхур бўлиб кетган.

Ўтган аср 80-йиллари иккинчи ярмида яна бир мисра жуда шуҳрат қозонди, ҳатто, шеър аҳли орасида ёд бўлиб ҳам кетди. Бу Жалолиддин Румийнинг:

Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгул! –
деган сатри эди¹.

¹“Маснавийи маънавий”даги бу мисрани Жамол Камол кейинчалик байт таркибида қуйидагича таржима қилган:

Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгул!
Кўз бўлурми Ҳақни кўрмас бўлса ул?

Бу сатрни рус адиби Радий Фиш “Ажойиб кишилар ҳаёти” рукни остида чоп этилган, қизиқарли қилиб, оммабоп услубда ёзилган “Жалолиддин Румий” тарихий-биографик романининг “Қўрғон” деган бобига эпитаф тарзида келтирган эди. Бу романни Жамол Камол ўзбек тилига таржима қилиб, 1986 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп эттирди. Китоб ўша йиллари қўлма-қўла ўқилди, шу тариқа мазкур мисра ҳам аҳли адаб орасида кенг ёйилди.

Тасаввуф реакцион оқим сифатида тамоман қораланиб, унга нисбатан одамларда салбий муносабат уйғотиб қўйилган бир даврда ўзбек тилида Жалолиддин Румийдек буюк шайх ҳақидаги бу романнинг босилиши миллий фикрий дунёмизда катта маънавий воқеа бўлган эди.

Бугун адолат билан эсласак, мазкур таржима нашри миллий онг-тафаккуримиздаги катта бурилишларга туртки берган асарлар сирасига киради. Чунки, очиғини айтганда, роман оддий китобхонлар у ёқда турсин, ҳатто, мумтоз адабиётимиз тарихи мутахассисларидаги тасаввуф ҳақида махсус шакллантирилган хато қарашларнинг ҳам кескин ўзгаришига сабаб бўлган эди².

“Мавлоно” сўзи – аслан арабча. Унинг ўзагида “соҳиб”, “хўжайин”, “ҳукмдор”, “молик”, “йўлбошчи”, “сарвар”, “сардор”, “раҳнамо”, “бошлиқ” маъноларидаги “маvlo” калимаси мавжуд. Шу сабабдан ҳам қадимда бу сўзни ҳар кимга нисбатан ишлатаверишнинг ҳам имкони бўлмаган. Буни ҳис этиш учун машҳур бир ривоятни эслаш ўринли кўринади.

Кимсан – буюк шайх, фақиҳ ва мутакаллим Имом Абу Мансур Мотуридий(870 – 944)нинг Самарқанддаги ҳовлиси.

²Бу таржима тўрт марта нашр этилди. Ўрни келгани учун қайд этиб ўтиш керакки, агар бирон-бир нашриёт ҳозир шу таржимани яна қайта чоп этишга тутинса, кўп савоб иш бўлур эди. Чунки ҳозирги китобхоннинг бундай мавзуларга қизиқиши 30 йилча бурунгидан чандон ортгани – аниқ. Шундай экан, роман таржимаси тезда тарқаб кетишига ҳам шубҳа йўқ.

Дарвозани ислом оламидаги етти шариф шаҳар(Маккайи мукаррама, Мадинайи мунаввара, Қуддуси шариф, Шоми шариф, Бағдоди шариф, Мазори шариф, Бухоройи шариф)нинг бири бўлмиш Бағдоддай муқаддас жойдан самарқандлик улуғ шайх ва алломанинг шуҳратини эшитиб келган, ўша замон руҳида башанг кийиниб олган, олифтанамо бир йигит тақиллатади.

Ичкаридан ниҳоятда камтар, одмигина кийимдаги аллома чиқади. Салом-алиқдан сўнг йигит билан ул зоти шариф ўртасида қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтади:

– Мавлоно қаердалар?

– Мавлоно – Тангри-ку!

– Хожа қанилар?

– Хожа – Муҳаммад Мустафо-ку!

– Абу Мансур қанилар?

– Абу Мансур – фақирингиз каминаман...

Бу ривоят замирида, “мавлоно” сўзининг қадри қанчалар баландлигини англатишдан ташқари ҳам, жуда нозик ва теран маънолар – яширин.

“Мавлоно” сўзи аксаран йирик олиму уламоларга ҳурмат рамзи янглиғ “улуғ устод” маъносида ишлатилган. Ҳозир ҳам бу сўз тилимизда, асосан, ана шу маънода истифода этилади. Мумтоз меросимизда кўплаб илму ижод вакиллари исми ё тахаллуси олдидан шу сифат қўшиб ишлатилганига гувоҳ бўламиз.

Жалолиддин Румийни замондошлари “Мавлоно” деб ҳурматлади. Бора-бора бу сўз унинг тахаллуси янглиғ машҳур бўлиб кетди. XIII асрдан бошлаб форсий-туркий адабиёт оламида “Мавлоно” ёки унинг бошқача шаклий кўриниши бўлмиш “Мавлавий” сўзи учраса, билинки, бунда Жалолиддин Румий Балхий кўзда тутилган бўлади.

Саккиз асрдан буён мавлонолар Мавлоноси бўлиб юрган бу зот – асли, ким?

Мавлоно Жалолиддин Румий Балхий 1207 йили Балхда туғилиб, 1273 йили 66 ёшида ҳозирги Туркиянинг Кўниё шаҳрида вафот этган.

У балхлик шайх Баҳоуддин Валаднинг ўғли. Балх – ҳозирги Афғонистоннинг Мазори шарифи яқинидаги қадим шаҳар. Термиздан олтмиш-етмиш чақиримча нарироқда. Чегарадан ўтилса, енгил машинада бир соатда етиб олса бўлади.

Баҳоуддин Валад даврининг машҳур мутасаввифларидан, мударрис, воиз ва фақиҳларидан бири эди. У пайғамбардан кейинги биринчи халифа – Абу Бакр Сиддиққа бевосита авлод бўлар эди.

Жалолиддиннинг онаси эса хоразмлик саидалардан, яъни шажарада у Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)га (демакки, тўртинчи халифа Ҳазрат Алига ҳам) боғланар, яна кимсан – Хоразмшоҳнинг қизи эди. Отасидан кейин унга пирлик қилган зот Термизий эди. Самарқандлик қизга уйланди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (у 1199 – 1220 йиллар ҳукмронлик қилган) Баҳоуддин Валадни сарой хизматига таклиф этган. Аммо у бу таклифни рад этиб, мактабдорлик ва илмий-иждодий ишлар билан машғул бўлишни афзал билган. Шу келишмовчилик сабаб бўлса керак, у ҳаж баҳонасида оиласи билан Балхни тарк этган. Отаси оиласи билан Рум султони Алоуддин Кайқубод I нинг даъвати асосида Кўниё шаҳрига келиб, шу ерда муқим яшаб қолган. Жалолиддин Ҳалаб, Дамашқ ва Бағдод мадрасаларида таҳсил олган, мударрислик қилган. Асосан, форсий, қисман, арабий ва туркий тилларда асарлар ёзган.

Шоирдан шеърлар девони, “Макотиб”(“Мактублар”), “Фиҳи мо фиҳи” (“Ичингдаги ичингдадир”) асари ва оламга машҳур “Маснавийи маънавий” мерос бўлиб қолган³.

Балхлик бўлгани, Хоразмга боғланиши жиҳатларини инобатга олсак, Мавлоно Жалолиддин Румий бизга чин юртдош эди. Бундай дейишимизга қараб биров бизни маҳаллийпарастликда айблашга шошилмасин. Чунки дунё пайдо бўлибдики, элу элатлар умумбашарий зоти азизларни ўзларига яқин олиш билан оворадек...

Одамнинг буюклик даражасини унинг қанчалар асл хонадонда таваллуд топганига, яъни чақалоқлик даврига қараб аниқлаб бўлмайди. Аммо инсонни охирги манзилга кузатиш даражасига кўра унинг кимлигини ҳар тарафлама тасаввур қилиш мумкин.

Бу ўринда яна бевосита Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” тарихий-биографик романини эсга олишга тўғри келади. Унинг сўнгги – “Мангулик” бобини ҳеч ким бетаъсир ўқий олмаса керак. *“Турклар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманлар, православлар ва яҳудийлар – ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алvido айтарди”.*

Уйидан мазоргача бўлган масофа бир чойнак чойни ичганчалик вақтда босиб ўтса бўладиган йўл эди. Лекин жанозага шу қадар кўп одам йиғилдики, амалда қўлма-қўл талаш бўлиб ётган тобут ҳеч олдинга силжимасди. Ҳатто, у йўлда тўрт марта оломон қўлидан тушиб кетиб, синди ҳам. Аҳвол шу даражага бориб етдики: *“Соқчилар одамларни тўрт марта калтаклашди. Шоирнинг қўлқаноти бўлган усталар тўрт карра унинг сўнгги маскани – тобутини тузатишди. Эрта тонгда йўлга чиққан издиҳом фақат кечга яқин масжидга етиб борди”.*

³Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: *Ҳомидов Х., Очилов Э.* Румий Жалолиддин // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 7. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 385 – 386.

Орада фақиҳлардан бири – амир ул-умаро Муиниддин Парвонага: *“Ўз шайхини дафн этаётган мўминлар ичра насроний ва яҳудийлар не қилур?”* – деб, уларни ҳайдашни сўради. Бироқ бу бефойда эди. *“Қуёш Ер юзини ёритганидек, Мавлоно ҳақиқат нури ила бутун башариятни мунаввар этмиш. Қуёш – ҳамманинг мулки!”* – деди насронийлар руҳонийси. *“Мавлоно – нон кабидирлар. Нон ҳаммага зарур. Амирим, очларнинг нондан юз ўгириб кетганини қайда кўргансиз?..”* – деди яҳудийлар раввини...

Мавлоно ана шундай умумбашарий зот эди.

Румий таваллудига бу йил 812 йил тўлди. Мана, 746 йилдирки, унинг қабридан одам аримайди. Ҳозирда ҳар куни ўртача 15 – 20 минг киши зиёрат қилади. Улар Ер юзининг турли бурчакларидан келган, ҳар хил ирку миллат, турли рангу рўй, ранг-баранг эътиқоддаги кишилар.

25 минг 730 байтдан иборат “Маснавийи маънавий” (Бу ҳажман Алишер Навоийнинг машҳур “Хамса”сига тенг!), 2703 ғазалдан иборат “Девони Кабир” (Бу Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”сидаги ғазаллар сонидан 103 та ортик!), “Фиҳи мо фиҳи” (Бу асарни Улуғбек Абдуваҳоб ўзбекчага “Ичингдаги ичингдадир” деган ном билан таржима қилган, аслида, “Ўзим ўзимдаман” дейилса, яна ҳам тўғрироқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз) каби фалсафий, аниқроғи, ирфоний-тасаввуфий асарлар муаллифи шунча асрдан буён ижодий сир-синоату сеҳри билан дунёдаги фалсафа, тасаввуф, адабиёт, санъат, илм, умуман, маънавият аҳлини оҳанрабодек ўзига тортиб келади. Саккиз асрки, у яратган буюк ижод намуналари шарҳланади, турли тилларга ўгирилади, улар таъсирида янги-янги асарлар дунёга келади.

Ўзбек адабиёти ҳам бундан асло мустасно эмас.

Жалолиддиннинг отаси оила аъзоларию мулозимлари билан ҳажга кетаётганда Эроннинг Нишопур шаҳрида кимсан – Фаридиддин Аттор суҳбатига мушарраф бўлди.

Шунда улуғ авлиё ва шоир башорат кўзи билан ёш Жалолиддинда буюк бир келажак – юксак бир руҳий камолот аломатини кўрди. Унга ўзининг “Асрорнома” достонини тақдим этди.

Алишер Навоий устози ва пири Абдураҳмон Жомийга асосланиб маълумот беришича, Мавлоно бу китобни бир умр азиз билиб, ҳамиша ёнида олиб юрар эди.

Пирнинг муридга хирқаси, ҳассаси, бўрки ё шунга ўхшаш бирон нарсасини тақдим этиши тасаввуфда руҳий мадад бериш ва таъсир ўтказишнинг ашъвий, шаклий, яъни моддий кўриниши эди. Бу анъана, *Муҳаммад пайгамбар (с. а. в.) васиятлари*га кўра, вафотларидан кейин ул зоти шарифнинг хирқалари Увайс Қаранийга бериб юборилганидан бошланган эди, дейиш мумкин. Масалан, *Муҳаммад Бобо Самосий Хожа Баҳоуддин*га бир бўрк берган, шунинг шарофати билан Баҳоуддин балогардон, яъни балоларни қайтарувчи бўлган, деб қаралади.

Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” тазкирасидаги Шайх Ҳусомиддин Ҳасан бинни Муҳаммад бинни Ҳусан бинни Ахий Турк деган шайх тўғрисидаги маълумотлардан мавзумизга дахлдор яна бир жуда муҳим жиҳатни аниқлаштириб оламиз. Аввал шуни айтиш керакки, Навоий сарлавҳада бу шайхнинг тўлиқ номини келтиради, кейин уни тўғридан-тўғри Чалабий Низомиддин деб кетаверади. Сал олдинроқ Жалолиддин Румий ҳақида келган мақоладаги мана бу жумлалардан Чалабий айнан шу шайх эканини билиб олиш мумкин: “Савол қилдиларки: “Мавлавийнинг хилофатига (ўринбосарлигига – С. О.) ким муносибдур?” Деди: “Чалабий Ҳусомиддин!” Уч қатлагача савол қилдилар, жавоб бу эрди”.

Шайх Салоҳиддин вафотидан кейин Мавлоно Румий асос солган мавлавия сулукида халифалик Чалабийга ўтди. Мавлоно Румий “Маснавийи маънавий”сининг ёзилишини ҳам Навоий шу шайхга боғлайди: “Ва “Маснавий” назмининг

сабаби шул эрдиким, чун Чалабий Низомиддин асҳоб майлини Ҳаким Санойи “Илоҳийнома”сига ва Шайх Фаридиддин Аттор қуддуса сирруҳу “Мантиқ ут-тайр” ва “Мусибатнома”сига маълум қилди, Мавлоно хидматларига арз қилдиким, газалиёт асру кўп бўлубдур, мазкур бўлгон китоблар тарзи била агар китобе мавзун бўлсаки, дўстларга ёдгоре бўлғай, иноятдур. Мавлоно филҳол дасторлари бошидин бир қоғаз Чалабий Низомиддин илгига бердилар, ўн саккиз байт анда битиклик”. Мавлоно Чалабийга шундай дейди: “Андин бурунки, сизинг замирингизга бу доия тушкай, гайб оламинин кўнглумга муни илқо қилиб эрдиким, бу навъ китобе назм қилилғай”.

Кейин “Маснавий”ни оққа кўчириш, ҳатто, қоғозга туширишда Чалабий ҳамиша Румийга ёрдамчилик қилган. Бу ерда биз учун керак гап шуки, “Маснавий” бевосита Санойининг “Илоҳийнома”сию Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ию “Мусибатнома”си йўлида, яъники таъсирида битилди. Зотан, “Маснавий” ҳам “Мантиқ ут-тайр” оҳангида – рамали мусаддаси мақсур (ёки маҳзуф) вазнида, яъни фоилотун фоилотун фоилун(ёки фоилон)да ёзилган. Умрининг охирларида Навойи шу вазнда айни дostonга ўзига хос таржима-жавоб тарзида “Лисон ут-тайр”ни битди.

Биз “Лисон ут-тайр”ни ўқир эдик, лекин қўлимизда ҳали Ҳаким Санойининг “Илоҳийнома”си, Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ию “Мусибатнома”си таржимаси йўқ эди. Чунки шўро даврида бу тахлит ирфоний-гасаввуфий асарлар ҳукмрон мафкурага зид, деб қаралгани учун деярли ўрганилмади ҳам, ўтирилмади ҳам. “Лисон ут-тайр”ни эса айрим олимларимиз адолатсиз равишда ғоявий жиҳатдан “Мантиқ ут-тайр”га тескари нуқтаи назардаги асар сифатида ҳам талқин этди. Бу илмий жиҳатдан мутлақо хато эди.

Жамол Камол Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ини ҳам, “Илоҳийнома”сини ҳам, ҳатто, “Булбулнома”,

“Панднома” ва “Уштурнома” сини ҳам ўзбек тилига ўз вазнига солиб ўгирди. Булардан “Мантиқ ут-тайр”у “Панднома”ю “Уштурнома” – рамали мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур), яъни *фоилотун фоилотун фоилун* (ёки *фоилон*) вазнида. Навоийнинг “Лисон ут-тайр”и айнан шу вазнда битилган. “Илоҳийнома” билан “Булбулнома” эса – ҳазажи мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур), яъни *мафойилун мафойилун фаулун* (ёки *мафойил*) вазнида. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и ҳам айнан шу вазнда яратилган.

“Маснавийи маънавий” ҳам рамали мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур), яъни *фоилотун фоилотун фоилун* (ёки *фоилон*) вазнида ёзилган. Олти дафтар(китоб)дан иборат бу улкан маснавий ёнига “Мантиқ ут-тайр”у “Панднома”ю “Уштурнома”ни қўшсак, бу заҳматкаш таржимонимиз адабиётимиз хазинасини рамали мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур) вазнидаги қандай қатга мерос билан бойитганини кўз олдимизга келтира оламиз.

Шубҳасиз, бу дostonлар таржимасида Жамол Камолга Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”ию “Фарҳод ва Ширин”и қатга мактаб вазифасини ўтаган. Чунки тилимиз, адабиётимиз – бу вазнларда дoston битишнинг буюк мутафаккир шоир яратиб кетган буюк анъанасига эга. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, Жамол Камолнинг бу таржималари бутунги шеърятимизда яна шу вазнлардаги маснавийлар яратиш учун йўлни янада кенгайтириб берди.

Мустақиллик йилларида Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодига қизиқиш бирдан кучайди. Улуғбек Абдуваҳоб “Фиҳи мо фиҳи”ни ўгирди (1996), Асқар Маҳкам “Маснавийи маънавий”нинг дастлабки жилдидан бир қисмини шарҳлари билан таржима қилди (1999).

Ниҳоят ўзбек таржимачилиги ва румийшунослигида улкан бир ҳодиса рўй берди – Ўзбекистон халқ шоири Жамол

Камол олти дафтардан иборат “Маснавийи маънавий”нинг тўлиқ таржимасини амалга оширди! 2001 йили Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти “Элсано” илмий-маданий ахборот фирмаси билан ҳамкорликда биринчи китобни, 2002 йили шу нашриёт билан иккинчи китобни, 2003 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти Эрон Ислом Республикаси “Ал-Худо” халқаро нашриёти билан ҳамкорликда учинчи ва тўртинчи китобни чоп этди. 2004 йили Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Маданият ваколатхонаси бешинчи ва олтинчи китобларни ҳам чоп эттирди.

Шоир ва таржимон Жаъфар Муҳаммад барча жилдларни аслиятга қиёсан кўриб чиқиб, таҳрир қилганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

2010 йили “MERIYUS” хусусий матбаа нашриёт корхонаси “Маснавийи маънавий”ни иккинчи бор чоп этди – бир жилд қилиб босмадан чиқарди. Амалда бу таржиманинг учинчи наشري эди. Чунки иккинчи наشر 2009 йили Туркияда амалга оширилган. Бироқ бу нашрдан Ўзбекистон аҳли, ҳатто, таржимоннинг ўзи ҳам орадан 10 йил ўтганидан кейингина хабардор бўлди.

“Сюрприз” сўзининг айнан ўзбекчаси йўқ. Кутилмаган, бирданига маълум бўлган янгилик, нарса, хусусан, совға ўзимизда ҳам “сюрприз” дейилади. Буни, айниқса, “Маҳаллада дув-дув гап” бадиий фильмидан бу ёғига ҳамма билади. Москвада ўқиётган ўғил онасига сюрприз қилиб, бўлажак келинни – архитектор қизни жўнатади.

2019 йилнинг 22 май – 21 июнь кунлари Туркияда бўлганимизда каминага Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг машҳурдан-машҳур “Маснавийи маънавий” дostonлари Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржима қилган ўзбекча нусхаси олти китоб тарзида чоп этилгани ажойиб сюрприз бўлди. Ўғлимиз Шохрухбек Кўниёдаги бир

халқаро тадбирда иштирок этганида ташкилотчилар унинг ўзбекистонлик эканини инобатга олиб, “Маснавийи маънавий”нинг туркча насрий баёнига қўшиб, ўзбекча таржимасини ҳам совға қилиб берган экан.

Бу нашрнинг биринчи китобида Кўниё шаҳри ҳокими Тоҳир Оқюракнинг “Тақдим” сарлавҳали сўзбошиси берилган. Нашрни Кўниё шаҳри ҳокимияти “Маданий нашрлар” туркумида 2009 йили амалга оширган.

Сюрпризнинг энг каттаси Туркиядан қайтилганидан кейин юз берди: ўн йил бурун Туркияда олти китобдан иборат таржималари босилганини Жамол Камолнинг ўзлари билмас, ҳатто, бу ҳақда эшитмаган ҳам эканлар. Яхши ҳамки, бир нусха олиб келган эканман.

Жамол ака жуда хурсанд бўлдилар. Бундай сюрприз ҳар қандай одамни беҳад хушнуд этса керак.

2014 йили “Маснавийи маънавий” таржимасининг тўлдирилган учинчи нашри юзага келди. “Адабиёт учқунлари” нашриёти дастлабки уч дафтарни – алоҳида, кейинги уч дафтарни алоҳида жилд тарзида чоп этди. Иккала жилдга Асрор Самад масъул муҳаррирлик қилган. Биринчи жилд масъул муҳаррирнинг “Мавлоно сиймоси ва унинг маънавий дунёси” сарлавҳали каттагина сўзбошиси билан бошланади. Шунингдек, бу китобга таржимоннинг “Маснавий...”ни қандай таржима қилдим...” сарлавҳали мақоласи, 1989 йили Мавлоно қабри зиёрати таъсирида ёзган ғазали, шунингдек, Ўткир Ҳошимов, Алийбег (Алибек Рустамов), Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Акмал Саидов, Ҳамиджон Ҳомидий, Иброҳим Ҳаққул, Ҳамидулла Болтабоев, Тўра Мирзаев, Суйима Ғаниева, Бахтиёр Назаров, Ҳафиз Абдусаматов, Наримон Ҳотамов, Толиб Каримов, Сирожиддин Ойхўжаев, Қодирхон Улуғхўжаев каби зиёлиларимизнинг эътирофлари, интернет сайтларида бу таржима ҳақида билдирилган фикрлар илова қилинган.

Иккинчи жилдга эса “Эътироф” рукни остида Эргаш Очиловнинг “Маснавийи маънавий – ўзбек тилида”, Нарзулла Жўраевнинг “Эҳтиром”, Омонулла Мадаевнинг “Маснавийи маънавий” баҳри”, Гулчехра Наврўзованинг “Маснавий...” кенг тарқалсин”, ушбу сатрлар муаллифининг “Мавлонолар Мавлоноси”, Азалшоҳ Ҳамроевнинг “Маснавийи шариф” ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин!”, Анвармирзо Ҳусайновнинг “Таржимонга мададкор бўлганлар ҳақида сўз” сарлавҳали мақолалари, шунингдек, Мавлуда Раҳмонованинг “Маснавийи маънавий”ни ўқиб...” шеъри илова қилинган.

Хўш, таржиманинг асосий хусусиятлари, ютуқлари нималардан иборат?

Аввало, шуни айтиш лозимки, китобхонларга Жалолиддин Румийни у ҳақда ёзилган романни таржима қилиш орқали таништиришга мушарраф бўлган ижодкорнинг қалбида энди бу улуг зот қаламига мансуб энг буюк асарнинг ўзини етказиш илинжи туғилмаслиги қийин эди.

Қолаверса, шу романни ўқимай, яъни Жалолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида етарли маълумот ё тасаввурга эга бўлмай туриб, “Маснавийи маънавий”ни тушуниш ва туб моҳиятига етиш жуда мушкул эди ҳам.

Яна бир жиҳат бор. XX – XXI асрлар ўзбек таржимачилигида форсийдан бир дostonни тўлиқ ўз арузий вазнига солиб таржима қилиш тажрибаси йўқ даражада эди. Чунки аруз амалда шеъриятимизнинг асосий вазни ҳисобланмай қолганига анча бўлган. Ҳазаллар, бошқа кичик ғиноий (лирик) шеърлар битилаётибди-ю, лекин бу вазнда катта-катта асарлар ёзиш – йўқ ҳисоби. Шундай шароитда 25 минг 730 байтни айнан арузга – рамали мусаддаси маҳзуф (ё мақсур) вазнига, яъни “*фоилотун фоилотун фоилун*(ёки *фоилон*)”га солиб таржима қилиш жуда катта ижодий

жасорат ва жиддий бадиий уриниш саналади. Таржимон бу вазифани шараф билан уддалаган.

Бунга Жамол Камолнинг муайян ва кўп йиллик ижодий тажрибаси қўл келди. У, Эркин Воҳидов каби, шўро даврида арузни замонавий талаблар асосида қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган шоирларимиздан.

Арузда қалам тебратиш дегани – истанг-истаманг, мумтоз адабиётга яқинлашиш, ўтмиш сўз санъати хусусиятлари, тимсоллари, истилоҳлари, жамики нозикликларидан хабардор бўлиш, дегани. Демак, шеър таржимонига унинг шоирлик салоҳияти ҳамиша қўшқувват бўлиши яна бир карра исбот топди. Шунинг учун ҳам, шеърни шоир таржима қилиши керак, деган тамойил асло эскирмайди.

“Маснавийи маънавий”га қўл уришгача Жамол Камол йирик шеърӣ асарлар, хусусан, кимсан – Вильям Шекспир фожиаларининг таржимони сифатида ҳам халққа яхши танилган эди.

Шундай катта ижодий тайёргарлик ва улкан меҳнат-машаққат маҳсули сифатида бугун “Маснавийи маънавий”нинг олти дафтари́ни варақлаб, Қуръони карим оятларини бир сидра қайта ўқиб, мағзини чакқандек, ҳадисларнинг кўпини бир карра такрорлаб, моҳиятига теранроқ етгандек бўласиз. Чунки асар саҳифаларида дам ўтмай ояту ҳадисларнинг шеърӣ-тасаввуфӣ талқинлари ё, камида, уларга нозик ишораларга дуч келаверамиз.

Асар бизни беихтиёр ислом маънавиятининг XIII асрга хос талай ва унгача бўлган даврлар бой дунёсига олиб киради. Секин-аста миллий адабиётимизнинг энг юксак бадиият олами ҳисобланмиш Алишер Навоӣ ижодиёти моҳиятини тушунишимиз ҳам бир қадар осонлаша боргандек ҳис қиламиз ўзимизни. Чунки “Маснавийи маънавий”ни ўқиган сари Румӣ ва Навоӣ ўртасидаги

мустаҳкам ва чамбарчас боғлиқликни нозикроқ англай борамиз. Бу руху оҳангда ҳам, тарху талқинда ҳам, ҳаётга муносабату яшаш ақидасида ҳам, анъанавий қаҳрамонлару сайёр сюжетларда ҳам намоён бўлаверади.

Мавлоно – чини билан, инсон руҳиятини ҳадди аълосида сўзга жо этган шоир. Унинг “Маснавийи маънавий” асари:

*Тингла найдин, чун ҳикоят айлағай,
Айрилиқлардин шикоят айлағай.*

*Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нола чексам, эл ҳама ўртандилар.*

*Сийна истармен тўло дарду фироқ,
Токи сўйлай шарҳи дарду иштиёқ,*

деган сатрлар билан бошланади. Ана шу илк байтлардаги “найдин”, “айлағай”, “айрилиқлардин”, “эрдим”, “ҳама”, “истармен”, “тўло”, “сўйлай” каби сўз ва шакллар асарнинг тарихий иқдимида далолат қилиб туради. Шуларданоқ сезасанки, бир мумтоз шеърӣ асар бошланди.

Бу ерда қамишдан ясалган най тилидан айтиладиган “шарҳи дарду иштиёқ” деганда айнан шу инсон руҳияти масаласи кўзда тутилгани аниқ. Асарда ғоялар талқинига ҳаётӣ исбот, яъни иллюстрация сифатида турли-туман воқеа-ҳодисалар асосидаги кўплаб ҳикоятлар келтирилади. Шу тариқа ҳар хил феъл-атвордаги кишилар тимсолларини кўраимиз. Аксариятида инсон руҳияти қирралари очилади. Шу тариқа яшашнинг мақсади, инсонийликнинг мезони ойдинлаша боради.

Инсоннинг бахти, шоир наздида, аввало, ўз кўнглига эга бўлишда:

*Соҳиби мулк гарчи мулк подшоҳидир,
Соҳиби кўнгил – кўнгиллар шоҳидир.*

Асарнинг шундай сатрлари борки, ўқисангиз, маъно-мазмунни кун бўйи хаёлингизни банд қилиб юраверади. Масалан:

Олим эрсанг, этма жоҳил бирла баҳс –

мисрасининг моҳиятини ўйлаб кўрайлик. Александр Пушкин машҳур “Ҳайкал” шеърини ҳам худди шундай маънодаги:

Нодон билан ўчакишма ҳеч –

деган сатр билан тугатади. Буни кўриб, *барча буюклар бир хил хулосага келади*, деган фикр қанчалар ҳақиқат эканига яна бир қарра амин бўласиз.

Ёки мана бу байтнинг туб мазмунини обдон чақиб кўрайлик:

*Душманинг йўқ эрса, найларди ҳасад,
Жумла олам сенга айларди ҳасад.*

Нима дейилмоқчи? “Душманинг бўлмаса эди, нима бўларди?” – дея савол ташлайди шоир биринчи мисрада. Жавоб эса тамоман қутилмаган хулоса бўлиб жаранглайди: “Унда айнан душманинг йўқлиги учун бутун дунё одамлари сенга ҳасад қилар эди...” Бундан, инсон, унақасига ҳам, бунақасига ҳам, ҳасаддан қутула олмас экан-да, деган аччиқ, лекин чин маъно-мазмун келиб чиқади.

Келтирилган бир-икки мисолдан ҳам кўриниб турибдики, “Маснавийи маънавий”да инсон руҳиятининг шундай нозик-нозик қирралари очиладики, эҳтимол, жаҳон шеъриятида бу жиҳатдан унинг олдига тушадиган бошқа бирон асар топилмас.

Буларнинг бари сизни, “Маснавийи маънавий”дек жаҳон сўз санъати дурдонасига қўл урган таржимон, лоақал, Жамол Камол даражасида румийшуносга айланишга мажбур, деган адолатли ва ҳақ хулосага ҳам келтиради.

Шунга амин бўлингки, агар бу буюк асар мабодо Алишер Навоий ижодидан беҳабар бир таржимон қўлига тушиб қолса эди, у ҳеч ҳам “Маснавийи маънавий”ни бу руҳу жарангида қайта ярата олмас эди. Чунки ҳар қандай назмий таржима шу тилдаги шеърят тажрибалари ва имкониятлари доирасида, яъни миллий шеърӣ салоҳият майдонидагина яратилади. Дадил айтиш керакки, назарӣ жиҳатдан Навоӣдек шоири бор халқ тилига форс-тожик шеърятининг манаман деган асарини ҳадди аълосига етқариб ўгириш мумкин. Гап фақат энди таржимоннинг шу мавжуд, яъни объектив имкониятлардан қай даражада фойдалана олишида қолган.

Бироқ бу мумтоз асарни арузӣ анъаналардан йироқ туркий халқлар тилига бор тарҳу таровати билан таржима қилиш жуда мушкул, ҳатто, бунинг иложи ҳам йўқ даражада. Сабаби – “Маснавийи маънавий”ни бармоқ вазнида таржима қилиш амалда асар бадиӣ қуввати ва жозибасининг тенг ярмидан воз кечиш билан баробар-да.

Жамол Камолнинг “Маснавийи маънавий” таржимаси борасидаги тажрибаси бизга ана шундай назарӣ хулосани дадил илгари суриш ҳуқуқини беради. Таржимон тилимиз ва адабиётимиз берган ана шу нақд, яъни реал имкониятни теран англаган. Буни унинг тарихӣ ва маънавий иқлим, яъни колоритни сақлаб қолиш илнжида атайлабдан тилда навоӣёна оҳанглар қўллаганида ҳам кўрамиз. Масалан:

*Офтоби маърифат ўчгайму ҳеч,
Ақлу жон осмонидин кўчгайму ҳеч?*

ёки:

*Қайга борсанг, манзилинг машиқ бўлур,
Мағрибингга шарқлар ошиқ бўлур, –*

байтларидаги “ўчгайму”, “осмонидин”, “кўчгайму”, “бўлур” сўзларини бугунги тилимиз талаблари асосида “ўчадимӣ”

(ёки “ўчарми”), “осмонидан”, “кўчадимми” (ёки “кўчарми”), “бўлади” (ёки “бўлар”) тарзида ишлатиш ҳам мумкин эди. Ҳатто, форсий “офтоби маърифат” изофасини соф ўзбекча қаратқич-қаралмиш билан “маърифат офтоби” деб ишлатса ҳам, биров бир нима демас эди. Бироқ асарнинг маънавий ва тарихий руҳи айнан Жамол Камол тутган йўлни талаб қилади.

Яна бир мисол. “Маснавий” форсийда битилган. Унинг қофиялари ҳам ўша лисонда мавжуд сўзларни жуфтлаш орқали ясалади. Бироқ таржимон олдида 25 минг 730 жуфт сўз топиш, яъни амалда 51 минг 460 сўзни ўзаро қофиялаш вазифаси турибди. Албатта, бир қисм байтлар таржимасида аслиятдаги ўзбек тилида ҳам ўша маънода тушуниладиган қофиялар ишлатилган ва таржимон ўша оҳангдош сўзларнинг ўзини олиб қолиш йўлидан бориши мумкин. Бироқ бу қанча фоиз бўларди, дейсиз?

Шунда таржимон, шубҳасиз, ўзбек тилидаги қофия имкониятлари хазинасини “кавлаштиради”. Кўплар, қофияни тилдан излаш керак, деб ҳисоблайди. Мутлақ тўғри гап. Лекин сўз – тил ҳодисаси, қофия эса – адабиёт ҳодисаси-да. Шунинг учун амалда шоир ёки таржимон қофияни ҳам адабиётдан, яъни миллий сўз санъатидаги анъанадан ҳам излайди. Шу маънода Жамол Камол қулоқлари остида табиий равишда Алишер Навоий қофиялари жаранглаб турган бўлса, не ажаб.

Бу гаплар бекорга келтириляётгани йўқ. Навоийда энг кўп учрайдиган туркий қофиялардан бири “иши” билан “киши” сўзларини ўзаро жуфтлаштириш орқали ҳосил қилинади. Компьютер дастурлари ёрдамида санаб чиқилса, эҳтимол, чиндан ҳам, шу қофия буюк бобокалонимиз шеъриятида энг кўп учраши аён бўлар.

Хўш, форс-тожик шеъриятидан таржимага бел боғлаган таржимон нега шундай “мўмай” имкониятни қўлдан бой бериши керак:

Ўйлаким, бозорга тушганда иши,

Мисни зар ўрнида кўргайму киши?

Бу ерда мисолларни қалаштириб ташлашга ҳожат бўлмаса керак...

Бир нарсаса амин бўлиш лозимки, таржимада шунга ўхшаш қулайликлар маҳорат билан ишга солинган.

“Маснавийи маънавий” – моҳият эътибори билан тасаввуфий, яъни ирфоний асар. Унинг таржимаси орқали миллий меросимиз бир буюк бадиий асаргагина бойиди, дебгина қарасак, хато қилган, яъни айни улкан воқеанинг аҳамиятини анча камайтириб ифодалаган бўламиз. Чунки сўз санъатининг бу дурдонасини зўрлаб миллий бадиият майдонига жойлаб қўйишнинг асло иложи йўқ. У, ўз-ўзидан, маънавиятимиз, фалсафамиз, умумдунёқарашимизни, яъники ғоямиз, мафкурамизни янада мазмундорроқ қилади, қўламини чексиз кенгайтириб юборади.

Биз таржиманинг, таъбир жоиз бўлса, ташқи хусусиятлари ва умумий аҳамияти ҳақидагина тўхталдик, холос.

Энди ойдинлаштирилиши лозим бўлган бир муҳим масала бор. Бу – Жамол Камолнинг “Маснавийи маънавий” таржимасидаги ижодий қатъиятлари (принциплари), тутган муайян йўли, бир асарни иккинчи тилда қайта яратишнинг аниқ ва анъанавий муаммолари ечимида амал қилган тамойиллари, ўзига хос маҳорати, боринги, ўгириш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларини илмий адолат билан аниқлаб, кўрсатиш. Эҳтимол, ўшанда аслиятдаги арабий-форсий калималарни қўллашда бир оз суиистиеъмолга йўл қўйилгани, вазний сакталиклар йўқ эмаслиги ҳам ойдинлашар.

Бу – бой ва катта тажрибага эга ўзбек таржимашунослигининг навбатдаги долзарб вазифалари сирасига киради.

Бу – жиддий мавзу. У тадқиқотчисини кутиб ётибди.

Филология фанлари номзоди, доцент Қаҳрамон Тўхсановнинг қўлингиздаги монографияси – шу йўлда ташланган савобли қадамлардан бири. Унда тадқиқотчи “Маснавийи маънавий”нинг ўзбекчага таржималарини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган. Бунинг учун бир неча таржимавий масалани ўртага қўйиб иш кўрган. Олимнинг икки тил ва икки адабиётни яхши билиши жуда қўл келган.

Аниқ мисоллар асосида амалга оширилган бу таҳлиллار форс-тожик мумтоз адабиёти намуналарини лисонимизга ўгиришга бел боғлаган таржимонлар учун асқотади, албатта.

Султонмурод ОЛИМ,

**филология фанлари номзоди,
“Нақшбандия” журнали бош
муҳаррири.**

Жамол Камол – моҳир таржимон

Истеъдодли шоир, моҳир таржимон ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири, Туркия Республикаси Жалолиддин Румий олтин медали лауреати, Эрон Ислом Республикаси Олий мукофоти соҳиби Жамол Камол XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг бошларида ўзбек адабиётининг бетакрор намояндаси соҳиби сифатида бўй кўрсатди.

Истеъдодли шоир, моҳир таржимон ва публицист, жамоат арбоби, адабиётшунос, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол 1938 йил 9 ноябрда Бухоро вилояти Шофиркон туманига қарашли Читгарон қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирази ва 1955 йили уни имтиёзли диплом билан битирди. Дастлаб шу институт кўп тиражли газетаси муҳаррири лавозимида ишлади. 1961-1964 йилларда эса талабаларга чет эл адабиёти фанидан сабоқ берди. Ниҳоят, 1964-1970 йилларда вилоятнинг “Бухоро ҳақиқати” (ҳозирги “Бухоронома”) газетасида адабий ходим, 1970-1972 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимининг маъсул котиби, 1972- 1986 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори) Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, 1986 – 1988 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бош муҳаррири, 1988-1991 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Таржима кенгашининг маъсул ходими, 1991-1996 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимларида ишлади.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ...“Жамол Камол чиндан сермахсул шоир, моҳир таржимон, билими кенг, диди юксак шеършунос ва адабиётшунос ҳамдир. У шоирларнинг олими, олимларнинг шоири. Унинг илмий тадқиқот ва мақолалари

ижодиётининг муҳим қисмини ташкил этади. Жамол Камол 1971 йили “Лирик шеъриятда композиция” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, академик Иззат Султоннинг таклифи билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга келган. Иззат Султон раҳбар бўлган Адабиёт назарияси бўлимида ўн тўрт йил ишлаган. У икки жилдли “Адабиёт назарияси”, икки жилдлик “Ўзбек адабий танқиди тарихи” китобларининг муаллифларидан бири. Унинг “Лирик шеърият” номли китоби шеършунос ва шеърият муҳиблари орасида қўлма-қўл бўлиб кетган бўлса, “Тарихий драма” деган рисоласи драма жанри сирасорларини ўрганувчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб эта олган эди”⁴. Юқорида баён этилган фикрлар Жамол Камол ижоди ва ҳаётини ўрганувчилар учун дастлабки аниқ ва тиниқ маълумот вазифасини бажаради.

Жамол Камол шоир сифатида қуйидаги “Олам кирар юрагимга” (1968), “Чўққиларга ёғилди ёғду” (1970), “Тош туғён” (1972), “Ҳасан ва Ой” (1974), “Қуёш чашмаси” (1975), “Қадах” (1978), “Достонлар” (1980), “Сувайдо” (1982), “Умидли дунё” (1988), “Площадь спасения” (Москва, 1988), “Қуёш чашмаси” (Боку, 1988), “Ражаб Ашуров достони” каби ўнлаб шеър ушбу ғазаллар, достону қасидалар тўпламларининг, шунингдек, тўрт томлик “Сайланма”сининг “Аср билан видолашув”(2007) деб аталган биринчи жилдининг, шунингдек, “Яна кўнглимда ул Ой” арузий битиклари (2010), “Сафар дафтари”(2012) каби шеърый китобларининг муаллифидир.

Жамол Камол 1971 йили “Лирик шеъриятда композиция” мавзусида диссертация ёқлаб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Сўнгра ўн тўрт йил давомида ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида илмий

⁴ Жамол Камол. Аср билан видолашув. Шеърият – дард ва умид демек. Сайланма. Биринчи жилд. Т.: “Фан” нашриёти, 2007, - Б.16

ходим бўлиб ишлаб, адабиётшуносликнинг лирик шеърият композицияси муаммоларини ўрганди, "Лирик шеърият" (1986) илмий монографиясини ва "Тарихий драма" рисоласини эълон қилди. Икки жилдлик "Адабиёт назарияси" (1978-79), икки жилдлик "Ўзбек адабий танқиди тарихи" (1987) каби фундаментал тадқиқотларни бунёдга келтиришда иштирок этди.

Жамол Камол ижодий изланишларининг муҳим қаноти унинг ўзбек таржимачилик санъатини ривожлантириш йўлидаги кўп қиррали фаолияти билан боғлиқ. Бугунги ўзбек таржима санъатининг ривожига ҳақида гап кетганда, бу соҳада ғайрат кўрсатаётган фидоийлар сафининг аввалида Жамол Камол номининг эътироф этилиши табиий. Зотан, ижодкор иқтисодчи, кўп йиллик заҳматли изланишлари маҳсули сифатида дунёга келган, жаҳоннинг турли тилларида яратилган асарлар таржимаси фақат шоир ижодий йўлига кўрк бўлиб қўшилдигина эмас, балки ўзбек китобхонлари маънавий хазинасини қатор нодир ва муқаддас дурдоналар билан тўлдиришга ҳам хизмат қилаётир.

Сирасини айтганда, мўътадил назм ўзанига тушиб олган ижодкорни, етук адабиётшунос олимни таржима майдонига етаклайдиган куч, маънавий омил нимада?! Кўп асрлик мумтоз сўз санъати, шунингдек, XX аср ўзбек реалистик адабиёти тарихига назар солиш орқали бу саволга етарлича жавоб олиш мумкин. Бинобарин, бирор халққа мансуб ижодкор ўзга тилдаги адабиёт намунаси таржимасига, аввало, маънавий эҳтиёж – ўз халқи китобхонларини ўша нодир асар мўъжизаларидан баҳраманд этиш мақсадида қўл уради. Бунга замин яратадиган иккинчи омил эса ижод жараёнига дахлдор. Инчунин, таржимага, айниқса, шеърий эпик асар таржимасига бўлган майл шоир ижодий лабораториясида кенг миқёсли тафаккур имкониятларининг

шаклланиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Бунинг учун шоир ижодида турли мавзудаги ихчам ҳажмли шеърлардан воқеабанд шеърлар яратишга, кейинроқ баллада ва достонлар машқига тадрижий тарзда ўтиш жараёни кечмоғи лозим. Айни шу машқ майдонида орттирилган тажриба ижодкорга йирик ҳажмли эпик ва лиро-эпик полотнолар яратиш ғайратини бахш этадики, бадиий ижод табиатига хос бу безавол имконият ва қудратни Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов адабий изланишлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Эркин Воҳидовнинг “Фауст”, Абдулла Ориповнинг “Илоҳий комедия” таржимасигача бўлган масофани кўплаб баллада ва достонлар машқи ила босиб ўтганликлари илм аҳлига яхши маълум. Бу фикрлар Жамол Камол ижодий интилишларига ҳам дахлдор бўлиб, адибнинг энг йирик ва сара таржималарини қатор воқеабанд шеърлар, балладалар, “Жамила”, “Тош тугён”, “Эшикда ой тўлкини”, “Армон”, “Қуёш чашмаси”, “Ражаб Ашуров достони”, “Варахша” сингари достонлар машқида орттирилган шеърый эпик тафаккур маҳсули сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Шоирнинг таржимонлик фаолияти грузин шоири Фридон Холваши шеърларини ва латиш шоири Ян Райниснинг болаларга аталган “Оқ тулпор” шеърый драматик эртагини рус тилидан ўзбекчага ўгириш асосида бошланиб, бора-бора улкан ва ранг-баранг миқёсларни забт этди. Шоир рус тилидан Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” тарихий-биографик романи, француз мумтоз шоири Буалонинг “Шеърый санъат”, Бартольд Брехтнинг “Сичуандан чиққан меҳрибон” драмаси ва Александр Пушкиннинг “Моцарт ва Сальери” трагедиясини, Шандор Петефи, Леся Украинка, Николай Грибачов ва Максим Танк шеърларини, озарбайжон тилидан Бахтиёр Ваҳобзоданинг “Фарёд” тўплами ва “Шаби ҳижрон” достонини, инглиз тилидан Вильям Шекспирнинг 12 та энг етук асарини ва 154 та

сонетини бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириб, китобхонларни қувонтирди “Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом”, “Мусо алайҳиссалом”, “Исо алайҳиссалом”, “Будда қиссаси”, “Акбар ва Бирбал”, “Шекспирдан ҳикоятлар” китоблари таржимон томонидан нашр этилди. Бу серқирра фаолият унинг форс-тожик тилидан Умар Хайём, Абу Али ибн Сино, Абдуллоҳ Ансорий, Ҳаким Санойи, Адиб Собир Термизий, Шайх Жалолиддин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил рубоийларини ва Абдураҳмон Жомий ғазалларини, Алишер Навоий “Девони Фоний”сидан икки юз ғазал, ўн қасидани (“Фоний гулшани” номи остида чоп этилган), Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарини, Сотим Улуғзоданинг “Фирдавсий” тарихий романини таржима қилиши билан тўлишиб, юксак маънавий қиймат касб этиб борди.

Жамол Камол шеърлари рус, инглиз, француз, поляк, украин, турк, озарбойжон, тожик ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинган.

Суҳбатларимиздан бирида Жамол Камол, “Маснавийи маънавий”ни ўзбекчалаштиришга туртки бўлган омилар ҳақида шундай ҳикоя қилди: “Ўтган асрнинг 80 йилларида Афғонистондан адабиётшунос олим Воҳид Жузжоний меҳмон бўлиб келиб, “Маснавий”нинг дастлабки ўн байтини айтиб берди. Китоб дўконига кириб, московлик ёзувчи Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” романига кўзим тушиб, сотиб олдим. Ўқиб чиқиб таржима қилдим. Аллоҳнинг марҳамати билан Туркияга бориб қолдим. У ердан “Маснавийи маънавий”нинг турк адабиётшунос олими Абулбоқий Гулпинарли амалга оширган насрий баёнини қўлга киритдим. Илгари “Маснавий”нинг Техронда чоп этилган асл мукаммал нусхасини афғонистонлик бир талабадан сотиб олган эдим. Ана шу саёҳату зиёратлар

нашъаси ва мазкур насрий баён далдасида “Маснавий”ни таржима қилишга аҳд қилдим.

Маънавиятли ва маърифатли инсонлар билан бир даврда яшаиш бахти менга насиб қилди. Атоқли таржимашунос Ғайбулла Саломов, таниқли шарқшунос Ориф Усмон, азиз акамиз, академик Тўра Мирзаев ва машҳур адабиётшунос, қадрдон укам Иброҳим Ҳаққулларнинг маънавий кўмаги билан таржима қилиш истаги қалбимда янада ошди.

Мен бахтлиман. Аллоҳ фариштадек аёлни жуфт қилиб берди (Илоҳо, руҳи шод охирати обод бўлган бўлсин!), дўстларим таклифидан кейин Воҳида: “Мен барча шароитни муҳайё қиламан”, -деб қатъий гапни айтгандан сўнг таржима қилишни бошладим. Раҳматли Воҳида эса қўлёзмаларни пешма-пеш машинкалаб борди”. Таржима ҳам - ижод маҳсули. Хусусан, XIII асрда ёзилган асарни XXI аср китобхонига таржима орқали етказиш осон иш эмас.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ АСАРЛАРИ – ЎЗБЕК ТИЛИДА

Жамол Камол миллий қадриятларимиз, динимиз ва тилимизни қайта тиклаш, халқимизнинг кўп асрлик нодир мероси, урф-одатларини ёш авлодга, қолаверса, кўп йиллик мустабид тузум асоратида яшаган замондошларга ибрат қилиб кўрсатиш масаласи кун тартибига қўйиладиган онлар келишини сабрсизлик билан кутди. Йиллар давомида орттирган ижодий тажрибасини шу йўлга сафарбар этиш орзусида яшади: Муқаддас Қуръони карим, ҳадиси шариф, мўътабар қўлёзмалар, муаззам пандномалар асрорини кашф этишга уринди. Ниҳоят, мазкур дурдоналар кўнглига солган ёлқин жунбушга келиб, таржима қаламини қўлга олди. Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”сидан ташқари, Ҳазрати Али “Девон”ини, Шайх Фаридулдин Атторнинг

“Мантикут тайр”, “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Булбулнома”, “Панднома” ва “Уштурнома” асарларини ўзбек тилига ўғирди. Унинг бу жасоратлари, аввало, Жамол Камол, қолаверса, бутун ўзбек таржимачилиги забот этган улугвор чўққилар бўлди.

Маълумки, Жалолиддин Румий, асосан, форс-тожик тилида ижод қилган. XX асрнинг 80-йилларида ўзбек китобхонининг шоир ижоди билан танишуви Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” деб номланган тарихий-биографик асарининг таржимаси билан бошланди. Жамол Камол бу асарни айрича бир меҳр билан ўғирган. Бу хайрли ишни кейинчалик адабиётшунос ва таржимон Шоислом Шомуҳамедов давом эттириб, шоирнинг ғазаллари, рубоийлари ва маснавийларидан парчалар таржима қилди.

Радий Фиш асари таржимасидан илҳомланган Жамол Камол Жалолиддин Румий рубоийлари ва маснавийларидан намуналар таржима қилиб, “Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман” (мазкур мисра Жалолиддин Румийнинг рубойсидан олинган – Қ.Т.) номи билан нашр қилди. Мутаржим бу билан чекланиб қолмай, мустақиллик шарофатидан илҳомланиб, “Маснавийи маънавий”нинг олти дафтарини ҳам тўлиқ ўзбекчага ўғириб, ўзбек китобхонига тухфа этди. Шу даврда шоир ва таржимон марҳум Асқар Маҳкам ҳам “Маснавий” таржимасига киришди. У асарнинг биринчи китобини икки қисмда шарҳлари билан ўзбекчалаштириб, нашр эттирди. Кейинчалик шоир Одил Икромов “Маснавийи маънавий”нинг биринчи дафтаридан айрим ҳикояларни таржима қилиб “Шарқ юлдузи” журналининг 2014 йилги, 2-сониди (63-69-бетлар) нашр қилдирди.

Жамол Камол шу пайтга қадар ўзбек халқининг маънавий мулкига айлантирган асарлар сони қирқтадан ошди ва уларнинг кўпчилигини жаҳон адабиёти

дурдоналари ташкил этади. Шу тариқа у рус, турк, озарбайжон, форс-тожик ва инглиз тилларини пухта ўзлаштирган, маъно товланишларини чуқур ҳис қила оладиган серқирра таржимон сифатида нафақат ўз она Ватанимизда, балки Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Россия, Озарбайжон ва Тожикистон мамлакатларида ҳам танилди.

Бир неча асрлик туркий ва форсий адабиёт оламида шариат ва тариқат ҳукмига мувофиқ келувчи илоҳий-ирфоний ғоялар ташвиқи бағишланган бадиий ижод намуналари алоҳида ўрин тутди. Бундай асарларнинг аксарияти ижодкорнинг илоҳий олам асроридан олинган табиий завқи, унга интилиши маҳсули бўлса, яна бир қисми махсус тарзда, яъни мактаб ва мадрасалар таълимини йўлга қўйишда кўмак берадиган амалий қўлланмалар яратиш зарурати ўлароқ дунёга келган. Бироқ бу сирадаги асарлар ичида ҳар икки жиҳатга кўра ҳам муҳимлик касб этадиган дурдоналар мавжуд. Буюк шайх ва шоир, тасаввуф илмининг алломаси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” манзумаси, шубҳасиз, бундай асарлар сафининг аввалида турадиган ноёб дурдонадир. Шарқ оламида бу асарнинг Қуръони карим ва ҳадислардан кейинги муқаддас манба саналиши бежиз эмас. Чунки асарда Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмун-моҳиятини тасаввуфий қарашлар билан уйғунлаштирган ҳолда баён этиш етакчи тамойил бўлиб, бундан қўзланган мурод, шубҳасиз, комил инсон тарбиясига ҳисса қўшишдан иборат бўлган. Олам ва одам, яралиш ва тириклик, ҳаёт ва ўлим каби ўлмас ва абадий муаммолар ҳақидаги чуқур фалсафий хулосалар баёни асарнинг ҳамма замонлар учун аҳамиятли бўлиб қолишини таъминламоқда.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари пайдо бўлиши биланоқ мусулмон халқлари бадиий сўз санъати оламида буюк мўъжиза сифатида кутиб олинди. Мазкур бадиий яратмадан завқланиш, унда

ифодаланган умумбашарий фазилатлардан ибрат олиш, гўзал маснавий таъсирида ўз она тилида ижодий асар яратиш, Мавлоно Румий сатрлари билан ўз халқини ошно этиш қутлуғ анъанага айланди. Балхда туғилиб, Румда балоғат пиллапояларига кўтарилган бу улуғ шайхнинг доғруғи Ғарбда ҳам кенг ёйилди. Натижада “Маснавийи маънавий” таъсирида яратилган ёки унинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турадиган жуда кўп бадиий дурдоналар майдонга келди.

Ана шу йўналишда “Маснавийи маънавий”га шарҳ ёзиш, уни наср ёхуд назмда тўла ёки парчалар ҳолида ўз она тилига ўтириш анъанаси ҳам туради. Муаззам “Маснавий”ни ғарб оламига таништиришда Ж. Ҳаммер, Ж. Родҳоуз, Н. Винфельд, Р. Никелсон ва бошқа қатор олим ва мутаржимларнинг хизмати катта бўлди.

“Маснавий”нинг Мунши Али томонидан “Боғи Эрам”, Юсуф Алишоҳ Чиштий томонидан “Пироҳани Юсуфий” (“Юсуф кўйлаги”) номлари билан урду тилига, Юсуф Хароботий томонидан “Маснавийи Хароботий” номи билан уйғур тилига таржима этилиши ҳам асарнинг Шарқ ва Ғарб халқлари маънавий ҳаётида катта ҳодиса бўлганлигидан далолат беради. Қайд этилган адабий ҳодисалар ўзбек мумтоз адабиёти, унинг улуғ арбоблари ижодий фаолиятида ҳам ёрқин из қолдирди. Ёхуд буюк шоирга издошлик кенг кўламда қулоч ёйди. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Бобораҳим Мулло Вали ўғли Машрабнинг “Мабдаий нур” асарини кўрсатиш кифоядир. “Маснавийи маънавий”нинг пурҳикмат байтларига шарҳ бериш масаласида ҳам бир қатор қимматли ишлар амалга оширилди. Айни йўналишга XVIII асрда Хоразмда яшаб фаолият кўрсатган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор” асарини қиритиш мумкин.

Кўринадик, XIII асрда ибтидо топган “Маснавийи маънавий”га издошлиқ, ундан таъсирланиш, унга жавоб айтиш, шарҳу изоҳлар ёзиш, уни таржима қилиш ўзига хос адабий анъана сифатида шаклланиб, XXI асрга қадар давом этаётир. Фикримизнинг далили сифатида форсий адабиётнинг моҳир мутаржими Асқар Маҳкам томонидан амалга оширилган хайрли ишни кўрсатиш жоиздир. Қувонарли томони шундаки, бундай савобли ҳаракатлар ўрта йўлда қолиб кетмади ва ўзбек китобхони бу ноёб асар билан тўла танишиш имкониятига эга бўлди. “Маснавийи маънавий” салоҳиятли таржимон, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан тўла ҳолда ўзбек тилига ўтирилди ва биринчи бор олти китоб ҳолида⁵, иккинчи бор бир китоб шаклида⁶ ва учинчи бор икки китоб шаклида⁷ нашр этилди. Бу таржима 6 китоб ҳолида Туркия Республикасининг Кўнё шаҳрида ҳам босилди⁸.

Форсий адабиёт намуналарини туркийга ёки аксинча, туркий сўз санъати намуналарини форсийга ўтириш қадим анъана сифатида яшаб келаётир. Устоз Ғайбулла Саломов ёзганидек: “Икки қардош-жондош халқ мустаҳкам дўстлиги, ҳамдасту ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси бўлган ўзбек-тожик адабий алоқалари бу қардошлик каби узоқ тарихга эга. Бу алоқалар Абулқосим Фирдавсий ва Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий, Ҳайдар Хоразмий, Саъдий Шерозий ва Сайфи Саройилардан бошланиб тараққий этиб келмоқда”⁹. Бу анъана Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийдек икки буюк сўз санъаткори яшаб ижод этган даврда беқиёс юксакликка кўтарилди. Ана шу қутлуғ

⁵ Мавлоно Жалолiddин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – Т.: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2005, – 368 бет; Иккинчи китоб. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002, – 335 бет; Учинчи китоб. – Тошкент – Тэхрон: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, Эрон Ислмо Республикаси «Ал - Ҳудо» халқаро нашриёти, 2003, – 431 бет; Туртинчи китоб. – Тошкент – Тэхрон: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, Эрон Ислмо Республикаси «Ал - Ҳудо» халқаро нашриёти, 2003, – 350 бет; Бешинчи китоб. – Тэхрон: «Ал - Ҳудо» халқаро нашриёти, 2004, – 400 бет; Олтинчи китоб. – Тэхрон: «Ал - Ҳудо» халқаро нашриёти, 2004, – 454 бет.

⁶ Мавлоно Жалолiddин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол камол таржимаси. Т.: MERIYUS, 2010. 864-бет.

⁷ Мавлоно Жалолiddин Румий. Биринчи дафтар, иккинчи дафтар, учинчи дафтар. /Тахрир хайъати. Т.: “Adabiyot uchqunlari”, 2014, 448 б.

⁸ Мавлоно Жалолiddин Румий. Маснавийи маънавий. 1-6 китоблар. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Кўнё: Кўнё шаҳри ҳокимияти, 2009.

⁹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўпирликлари. Т., 1979. 144-бет

анъанани бизнинг асримизда ҳам мувафаккият билан давом эттираётган фидоий таржимон Жамол Камолнинг хизматлари – таҳсинга лойиқдир.

“Маснавий”нинг исломий сарчашмалари

Истиқдол халқимизга бошқа кўплаб маънавий осори атиқалар сирасида туркий ва форсий элатларнинг муштарак ёдгорлиги бўлган муаззам дурдона – Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асаридан ҳам баҳраманд бўлиш имкониятини ҳада этди. Ўзбекистон халқ шоири, моҳир таржимон Жамол Камол изланиш ва ғайрати туфайли она тилимизда жаранг берган асар ўзбек китобхони хонадонига кириб борди.

“Маснавий” яратилганидан бери қарийб саккиз аср ўтган бўлса-да, мазкур нодир дурдонага бўлган қизиқиш ва муҳаббат ошгандан ошиб бормоқда. Асарнинг умрбоқий қудратини таъмин этган илмий-ирфоний, ижтимоий-фалсафий, адабий-маърифий омиллар талайгина. Ўтмиш алломалари, шунингдек, замондош олимлар бу омиллар сирасида, энг аввало, Мавлононинг илоҳий илмларни пухта эгаллаганини, беқиёс қуввайи ҳофиза соҳиби бўлганини алоҳида эътироф этишади. Ўз фикрларини асослаш мақсадида Абдураҳмон Жомийнинг халқона ҳикматга айланиб кетган мана бу байтини эса олишади:

“Маснавийи маънавий”и Мавлавӣ
Ҳаст Қуръон дар забони паҳлавӣ”

(Мазмуни: Мавлононинг “Маснавийи маънавий”си форсий тилдаги Қуръондир”)

Жомий эътирофномасидаги мана бу сатрлар эса ўта самимий, бинобарин, Мавлоно Румий манзумасига берилган энг адолатли ва холисона баҳодир:

Ман чӣ гӯям васфи он олиҷаноб
Нест Пайғамбар, вале дорад китоб.

Мазмуни: “Мен ул олиҷаноб зот васфида нима ҳам дейишим мумкин? Ул зот Пайғамбар эмас, аммо китоби бор”¹⁰.

Яратганнинг марҳаматига эришмоқ умидида ўзини поклаш, ўзлигини англаш риёзатларини чин мўминлик ила қарши олган шайх ва шоир ҳаргиз пайғамбарлик ёки валийлик даъво қилган эмас. Аммо у ўзи бино этган улкан обида – “Маснавий”нинг қадри нечоғлиқ улуғ эканини, ўзининг бу ғайрати ҳаммага ҳам ёқавермаслигини яхши билар эди. Бундай инсонлар учун ўз саволларига “Маснавий”дан жавоб олишлари зарурлигини яхши англаган шоир асарнинг учинчи китобини “Қосир ақли туфайли “Маснавий”га тош отувчиларга жавоб” деб номлади.

Мазкур сарлавҳа остида Аллоҳнинг буюк китобига самимий эҳтиром ифода топган. Шу билан бирга, улуғ шайх ўз асарини Қуръони каримнинг шарҳи ўлароқ таништирар экан, “Маснавий”га таъна қилиш Қуръони каримга таъна қилиш билан баробар эканини таъкидлайди:

Эй саги тоъин! Ту ав-ав меқунӣ,
Таъни Қуръонро буруншав меқунӣ.
Ин на он шер аст, к-аз вай чон барӣ,
Ё зи панча(й) қаҳри ӯ имон барӣ¹¹

Таржимаси:

Бас, етар, кўппак, ҳадеб вовуллама,
Отма тош Қуръонга, бундоқ увлама.
Бўйла шердин топмагай жонинг омон,
Панжасидин – дину иймонинг омон¹² (3, 369).

¹⁰ Қаранг: Усмон О. Маънавият денгизи. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсӣдан Жамол Камол таржимаси. Биринчи китоб. Тошкент: Фан, 2005. -Б 10.

¹¹ Мавлоно Жалолиддин Мухаммади Балхӣ. Маснавий маънавий. Техрон: Замон, 2001. Дафтари сеум. Саҳ – 325 Бундан кейин шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифасини қавсда бериб борамиз.

Бироқ буюк шайх ва шоир ўзига (ёки асарига) маломат қилган ғофиллар каби танбеҳ йўлидан бормайди. Қуръони карим нутқида ифода топган мулоим оҳанг орқали “рақиб”ларини ҳам ҳидоятга чорлаш пайида бўлади. Инчунин, Қуръонни таниганлар Ҳақни танийди. Ҳақни таниганлар эса мангу тириклик неъматидан баҳраманддир:

Нури Хуршедам фитода бар шумо,
Лек аз Хуршед ногашта чудо.

Нак манам янбӯи он оби ҳаёт,
То раҳонам ошиқонро аз мамот.

Гар чунон ганд озатон нангехтӣ,
Чуръае бар гӯратон Ҳақ рехтӣ (3, 325).

Таржимаси:

Мен – Қуёшнинг нуридирман, тоза, нек,
Ул Қуёшдин айру тушмасман валеқ.

Баски, мен битмас, буюк оби ҳаёт,
Мендин ичганларга не эрмиш мамот?

Ёнмасангиз ҳирс ила нетгай эди,
Қатрайи Ҳақ сизга ҳам етгай эди... (3, 369)

Мавлоно “Маснавий”нинг биринчи китобида Қуръони каримдаги ўттиз икки суранинг эллик оятига мурожаат қилган. Шу ўринда муаллифнинг мазкур иқтибосларни нафақат ўз асаридаги Қуръон билан мос келадиган ўринларни кўпайтириш, балки асарда баён этилган фикрларнинг диний-ирфоний асосларини мустаҳкамлаш мақсадида келтирганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Баъзи саҳифаларда эса таржимон оятларнинг аслиятини сақлаб, китоб ҳошиясида уларни шарҳлайди. Таржимон

¹² Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Учинчи китоб. Тошкент: “MERIYUS”ХНМК, 2010. –Б 369. Бундан кейин шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифасини кавсда бериб борамиз.

айни шу йўл орқали ўзбек китобхонини Қуръон маърифатидан икки карра баҳраманд этиш ниятини кўзлаган. Жумладан, Қуръони каримнинг Аъроф сураси 143-оят, яъни: *“Тур тоғи маст бўлди. Мусо беҳуш бўлиб йиқилди”*, – сўзлари “Маснавий” аслиятида шундай талқин топади:

Ишқ жони Тур омад, ошиқо!
Тур масту “харра Мусо соиқо”. (1,16)

Таржимон-шоир ҳам оятни айнан келтиради ва ҳошияда оят шарҳига ўрин ажратади:

Ишқ – Тур тоғига жондир, ошиқо,
Тур масту “харра Мусо соиқо...” (1,8)

-Тур тоғи маст бўлди. Мусо беҳуш бўлиб йиқилди.
Қуръони карим, Аъроф сураси, 143-оят.

Бундай усул қуйидаги байтларнинг ҳам равон ўқилишини таъмин этган:

Аслиятда:

Ту зи Қуръон бозхон тафсири байт,
Гуфт Эзид: *“Мо рамайта из рамайт”* (1, 31)

Таржимада:

Сен ўқи, Қуръонда бор тафсир байт,
Ҳақ демишким: *“Ма ромайта из ромайт”* (1, 26)

Ҳақ демишки: *Ма ромайта из ромайт*-Қуръони каримнинг Анъом сураси, 17 оятдан олинган бу жумланинг тўлиқ матни қуйидагича: *Ма ромайта из рамайта*-Отганингда, сен отмадинг. Қуръони карим, Анфол сураси, 17-оят.

Аслиятда:

Гар хабар хоҳӣ аз ин дигар хуруҷ,
Сура бархон: *“Ва-с-само зоти-л-буруҷ”* (1, 34)

Таржимада:

Сен ўқи, билмоқчисен гар, не хуруж,

Сура бордир – “Вас-сама затил-буруж”. (1, 30)

Ва-с-самои-зоти-л-буруж- Буржлар эгаси бўлмиш осмонга қасам. Қуръони карим, Бурж сураси, 1-оят.

“Маснавий” муаллифининг Аллоҳ исмлари ва сифатлари, шунингдек, пайғамбарлар зикрини тез-тез ихтиёр қилгани ҳам асарнинг илоҳий манбалар билан чамбарчас боғлиқ эканидан шаҳодат беради.

Жумладан, фақат биринчи китоб мисолида фикр юритиладиган бўлса, унда Ҳақ (399 марта), Худо (126 марта), Раб (116 марта), Аллоҳ ёки Илоҳ (91 марта), Аҳад (5 марта), Муҳаммад, Мустафо, Аҳмад, Расул, Набий (182 марта), Мусо (48 марта), Исо (92 марта) сингари исм ва сифатлар алоҳида эҳтиром ила зикр этилганини кўрамиз. Бундай фикрни Нух (а.), Хизр (а.), Исмоил (а.) ва бошқа пайғамбарлар таърифи мисолида ҳам айтиш мумкин.

Умуман, “Маснавий”дек улкан дурдонанинг дунёга келиши учун асос бўлган манбалар ўрганилар экан, энг аввало, асар учун бирламчи манба вазифасини ўтаган Қуръони карим ва ҳадисларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўз навбатида, “Маснавий”га умрбоқийлик бахш айлаган илоҳий асрорларни кашф этиш, асарнинг комил инсон тарбиясига йўналтирилган ўзак ғояси билан теранроқ танишиш имконини беради.

Асар матни назардан ўтказилганда, Мавлононинг Қуръони карим сура ва оятлари, шунингдек, ҳадиси шариф намуналарини, асосан, араб тилида келтиргани кўзга ташланади. Жамол Камол таржима жараёнида баъзан арабча сўз, ибора ва жумлаларни асл матндагидек айнан келтирса, баъзан уларнинг ўзбекча муқобилларини усталик билан топиб, мисралар бағрига сингдиради. Аммо қўлланган ҳар икки усул таржима мазмунига зиён етказмаган:

Баҳри талху баҳри ширин дар ҷаҳон,

Дар миёнашон *“барзахун ло ябғиён”* (1, 23).

Таржимаси:

Баҳри талх, баҳри ширин ҳам мавжланур,
Лек қўшилмас, бир-биридин ажралур. (1,16)

Таржима байтда аслиятдаги *“барзахун ло ябғиён”* ояти ғоят усталик билан ўзбекчалаштирилган. Оятда: Аммо у иккисининг ўртасида бир тўсиқ бўлиб, улар ўша тўсиқдан ошиб ўтмаслар”¹³ акс этган.

Диний-маърифий адабиётларда мазкур оятнинг турлича шарҳланганини кузатиш мумкин. Жумладан, Қуръони карим маънолари таржимони Абдулазиз Мансур унга: “Адан кўрфази билан Қизил денгиз туташган Боб ал-Мандаб бўғозида ва Атлантика океани билан Оқ денгиз (Ўрта ер денгизи) туташган Жабали Торик (Гибралтар) бўғозида икки денгиз суви бир-бирига аралашмаган ҳолда оқар экан”¹⁴ тарзида изоҳ беради.

“Мақолот” муаллифи Хожа Бектоши Валийнинг бу борадаги фикри эса ўзгачароқ. Жумладан, у оят мазмунини одам танаси билан боғлаб, шундай ёзади: “Одамнинг кўз ёши – шўр, кўз қорачиғининг суви шириндир, буларнинг иккиси ҳам бир жойдадир, аммо бир-бирларига сира қўшилмас. Чунки кўзнинг асли ёғдир, тузга муҳтождир. Кўз қорачиғининг суви ширин. Агар кўз ёши шўр бўлмаса эди, кўз хидланар; кўз қорачиғининг суви тотли бўлмас, кўз кўрмас бўлурди”.¹⁵

Мазкур икки шарҳ мисолида кўринганидек, байтда Аллоҳнинг яратувчилик мўъжизаси ҳақидаги эътироф акс этган. Таржимон гарчи оят матнини айнан келтирмаган

¹³ Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абулазиз Мансур. – Т.: 2009. 532-бет.

¹⁴ Қуръони карим. 531-бет.

¹⁵ Хожа Бектоши Валий. Мақолот. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Иброҳим Ҳаққул. Т: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. 36-бет.

бўлса-да, мисралар бағрига “Маснавий” муаллифи ҳайрат ва ҳаяжонини сингдиришга эришган.

Мавлоно Румий сура ва оятларга ишора қилиш билан чекланиб қолмайди. Баъзан бутун бир оят тафсирини бадий тарзда умумлаштиришга муваффақ бўлади. Жумладан, “Маснавий”нинг аввалги дафтаридан ўрин олган: “Дар маънии он, ки “Маража-л-баҳрайни ялтақиёни байнаҳумо барзахун ло ябғиёни” бобида шундай йўл тутилган. Кўриниб турибдики, мазкур боб юқорида эслатилган “Раҳмон” сурасининг 19-оятининг тафсирига бағишланган.

“Маснавий” бобларида ўзига хос композицион услуб устувор: муаллиф бирор ҳикоят, масал ёки оят ва ҳадис тафсирини келтирар экан, баённи асл мақсад ва хулоса ёхуд кириш, икки ёки уч қисмга бўлади. Баъзи бобларда эса баён қилинаётган воқеа тафсилотига қўшимча тарзда уни далилловчи бошқа бир воқеа тафсилотига ҳам ўрин ажратилганини кўриш мумкин. Назардан ўтказилаётган бобда ҳам “Маснавий” композициясининг ўзига хослиги намоён бўлади: муаллиф бобнинг 13 байтида оят тафсирига ўрин ажратади. Шундан сўнг китобхонни муҳокама ва мулоҳазага чорлайди ва хулоса қисмига ўтади.

Мавлоно оятнинг умумий шарҳини 33 байт бағрига жо этган: “Аҳли дўзах ва жаннат – қўшнилари, лекин уларнинг ўрталарида бир чизик бор. Аҳли олов ва нур ҳам қўшилган, аммо ораларида Қоф тоғидек тўсиқ мавжуд. Ер тагида тупроқ билан тилло аралашган, бироқ ўрталарида қанча дала мавжуд. Мунчоқ бирлан дур ипда ёнма-ён бўлсалар ҳам, улар бир умр бирга эмаслар, балки меҳмондек бир нафасдирлар. Денгиз сувининг ярми шакардек ширин, мазали, ҳусни Ойдек гўзал. Ярим сувининг таъми эса илон заҳридек аччиқ, мумга ўхшаб қоп-қора. Дўзах аҳли тор танларидан қочиб қутулишни хоҳлайдилар, улардаги зиддиятлар жон аччиғидандир. Осойишталик тилаб, қалблардан киналарни

суғуриб ташлашни хоҳлайдилар, аммо улардаги зиддият қалбадаги меҳрни йўқ қилиб ташлайди. Меҳр аччиқни тотли томон тортади, чунки меҳрдан тўғри йўлни излайдилар. Қаҳр ширинликни аччиқ томон тортади. Аччиқ ва тотли қачон бирга бўла олади? Ҳеч қачон. Аччиқ ва ширин бирга бўла олмайди, буларнинг оқибатини ҳисоб-китоб куни кўрасан...”

Шу тариқа муаллиф икки денгиз бадиий қиёсини охирига етказиб, ўз мақсади ифодасига ўтади:

Чашми охирбин тавонад дид рост,
Чашми охурбин ғурур асту хатост (1, 81)

Таржимаси:

Кўзким охурни кўргай, ул хато.
Кўзким охирни кўргай, ул расо (1, 85)

Ҳа, Мавлоно жуда қатъий ҳукм чиқаради, оят шарҳи талаб қилган мулоҳазани ҳеч иккиланмай ўртага қўяди: охиратни кўра оладиган, андишали, иймони бутун, қалби тоза, бировни ранжитмайдиган, мўмин киши ҳар бир ишининг охирини ўйлаб яшайди. Лекин шундай кишилар борки, “охурбин” дирлар, улар ўз манфаатини, нафсини ўйлайдилар, яъни охирнинг ўрнига охурни кўрадилар. Демак, доимо бутуннинг нафсу нафаси, ҳою ҳаваси билан яшайдилар, манфаат дарёсига ғарқ бўлиб, молу жоҳ тамаъсида тиришадилар. Ақл соҳиби тўғри йўлдан юради, албатта, ширин баҳрдан сув ичади, яъни жаннатга дохил бўлади. Хато йўлдан юрган (гуноҳ ва маъсиятдан ўзини йироқ тутмаган) кимса, албатта, аччиқ сувдан ичишга маҳкум, яъни дўзахга муносибдир.

Румий мазкур оят бадиий шарҳини яратар экан, жуда кўп шеърӣ санъатлардан фойдаланган. Бу ҳолат тафсир аввалидаёқ, ширин ва аччиқ ифодаларини қарама-қарши қўйиш, шунингдек, бир денгиз сувини шакар ва Ойга,

иккинчи денгиз сувини илон заҳри ва қора мумга ўхшатиш мисолида яққол кўзга ташланади:

Баҳрро нимеш ширин чун шакар,
Таъм ширин, ранг равшан чун қамар.

Ними дигар талх ҳамчун заҳри мор,
Таъм талху ранг музлим ҳамчу қор (1, 81)

Таржимаси:

Бул ярим денгиз суви мисли шакар,
Таъми ширин, ранги рухсори қамар.

Ул ярим денгиз суви чун заҳри мор,
Таъми талх, ранги қародир, қирвор. (1, 85)

Таржимон-шоир “заҳри мор” бирикмасини таржимада аслиятдагидек берган, лекин “заҳар” сўзи маъноси ўқувчига тушунарли бўлгани ҳолда, “мор” (илон)ни ўзбек китобхони бирдек тушунади, дейиш мушкул. Бу фикр “таъми талх” бирикмасига ҳам тааллуқди. “Қирвор” сўзига саҳифа пастидида “қора мум (смола)” дея изоҳ берилиши ғоят маъқул.

Албатта, таржима жараёнининг мураккабликлари кўп. Булардан бири, шубҳасиз, бир тилдан иккинчи тилга ўгирилаётган сўз ёки ифоданинг муқобилини топиш машаққатидир. Шунингдек, такрорлардан қочиш мақсадида маънодош ёхуд маъноси бир-бирига яқин сўзлар захирасига эга бўлиш лозим. Акс ҳолда, таржима асари рангсизлашиб, бадийий жозибасини йўқотади, ундан аслиятдан олинadиган бадийий завқни олиш муаммога айланади.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, Мавлоно оят шарҳига бағишланган қисмнинг 17 байтида тазод санъатига мурожаат қилган. Таржимон ҳам “Маснавий” муаллифи услубига содиқ қолиб, ўша 17 зидликни сақлаб қолишга эришган. Мазкур байтларга диққат қаратган ўқувчи таржимоннинг баъзи жуфтликларни айнан келтириш, баъзиларини ўзбекча

таржимада бериш орқали “Маснавий” муаллифи қиёсларига ва улар орқали баён этаётган фикрлари мантиқига зарар етказмаслик йўлидан борганини яққол сезади.

Мисраларни бир-бири билан боғлаш ва умумий интонацияни таъминлашда такрорнинг алоҳида ўрни бор. Аслиятга хос бундай фазилатларни таржимада сақлаб қолиш катта маҳорат талаб қилади. Албатта, бу жараёнда таржимоннинг йиллар давомида орттирган улкан тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Қуйидаги байтлар аслияти ва таржимасини қиёслаш Жамол Камолнинг бу жабҳадаги юксак салоҳиятидан далолат беради:

В-он дигарро дар гулӯ пайдо кунад,

В-он дигарро дар бадан расво кунад.

В-он дигарро баъди айёму шухур,

В-он дигарро баъди марг аз қаъри гӯр (1, 82)

Таржимаси:

Ул бирини бўғзида пайдо қилур,

Бул бири тан мулкини расво қилур.

Ул бири бир неча айём наридин,

Бул бири бўлгай аён гӯр қаъридин (1, 86)

Хуллас, истеъдодли шоир Жамол Камол “Маснавий”ни она-тилимизга ўтирар экан, нафақат байт ва мисралар мазмуни, балки асар аслиятига хос бадий-композицион усулларни ҳам сақлаб қолишга интилан. Шу тариқа ўзбек китобхони тасаввурида Мавлоно Румий сиймосини бутун салобати ва донишмандлиги билан қайта жонлантиришга эришган. Юқорида назардан ўтказилган биргина оят шарҳи ва таржимасига оид кузатишлар бунинг ёрқин далили бўла олади.

ҲАДИСЛАР МАЗМУНИ ВА ТАРЖИМА ЖОЗИБАСИ

Инсоният тарихида бирон адиб йўқки, инсоният жамиятини ҳамжиҳатликка даъват этмаган бўлсин, бирор асар йўқки, унда аҳиллик, меҳр-муҳаббат, садоқат, вафо каби инсонийлик фазилатлари ифодаланмаган бўлсин. Чунки жамиятни комиллик сари етаклайдиган бош ғоя инсонларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабатидир. Миллат ривож, Ватан равнақи, юрт ободлиги, ҳаёт фаровонлиги, одамларнинг тинч тотувликда яшаши ҳам шунга боғлиқ. Бир донишманддан: “Жамиятни қандай бошқариш мумкин?” – деб сўраган эканлар. Шунда у ўйлаб-нетиб ўтирмасдан: “Жамиятдаги барча инсонлар ўз вазифасини бажариб. “Ундай экан, бундай бўлибди, биласизми, фалон киши нима қилибди?”дан қутилса, иншооллоҳ, ҳаёт гўзалашади”, – деган экан. Бу масала Аллоҳнинг каломида ўз ифодасини топган. Жумладан, Қуръони каримда шундай сўзларни ўқиймиз: “Эй мўъминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган мусулмон ҳокимларга бўйсунингиз! Бордую, бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз агар, ҳақиқатан, Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир¹⁶”. Аллоҳга итоат, Пайғамбар(с.а.в)га итоат, ота-онага итоат ва раҳбарга итоат - эртанинг омили. Пайғамбарлар шунга риоя қилиб, жамиятни бошқарганлар. Буюк адиблар шу масалани ўз асарларига қайта-қайта тарғиб ва ташвиқ қилганлар. Биродарлик одамга руҳий озиқа бағишлайди, бундан қалбимиз ҳаловатланиб, вужудимиз роҳатланади ва бу гўзал умр ўтказишга сабаб бўлади. Шу боис Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ўз ҳадисларида бу мавзуга кўп мурожаат қилганлар. Жалолиддин Румий

¹⁶ Қуръони карим. Нисо сураси, 59-оят. 60-Б.

Аллоҳнинг фарзини бажариш билан Расулуллоҳнинг суннатларини давом эттириб, бу масалани асарларида тарғиб қилишни ўз бурчи деб билган. Шу боис асарда ҳадислардан қай даражада фойдаланилгани ва бунинг таржимада акс этиши муҳим мавзу ҳисобланади.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал Муғира ал-Бухорий ал-Жуъфий (Имом Бухорий) ислом оламида энг машҳур ва буюк муҳаддислардан бири. У тузган “Саҳиҳи Бухорий” китоби Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар ва ишончли манба ҳисобланади. Унинг “Ал-Адаб ал-муфрад” асари ахлоқ ва одоб борасида энг нодир, энг саҳиҳ ҳадислар тўпламидир. Ўтмиш ва ҳозирги адиблар ўз асарларида ана шу манбадан кенг фойдаланганлар ва фойдаланмоқдалар. Жалолиддин Румий асарларидаги ҳадислар ҳам шундан далолат беради. Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” асарида қуйидаги ҳадис “*Ҳар бир мўъмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бир айбни кўрса, ўзида бўлган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилиши керак*¹⁷”, – деган ҳадисга Мавлоно қуйидагича изоҳ берган: “...модомики, сен ўзингда бир дард ёки пушаймонлик ҳис этаркансан, билгилки, бу сенга Аллоҳнинг инояти ва севгисидан бир далилдир. Агар сен оғанингда бир қусур кўрсанг, бу сендаги нуқсоннинг аксидан иборатдир. Одам ҳам худди шундай ойнадир. “Мўъмин мўъминнинг ойнасидир” (ҳадис). Сен ўша қусурни ўзингдан узоқлаштир. Чунки ундан ҳосил бўлган сендаги изтироб - ўзингдан чиққан ғамдир. Ундан хафа бўлганинг замон ўзингдан ҳам инжийсан.

Дедики: “Бир филни сугормоқ учун сув бўйига келтирдилар. У ўз аксини сувда кўриб, ҳуркиди. Лекин у, бошқасидан қўрқдим, деб ўйлар, ўзидан чўчиганини эса билмасди”.

Инсон ўз каллигидан ва чипқонидан ирганмас. У ярали қўлини бемалол овқатга узатади, ялайди. Бундан унинг кўнгли

¹⁷ Имом Бухорий. Ал-Адаб Ал-Муфрад. –Т.: Фан, 2006.-121-бет.

айнимайди. Аммо бировнинг қўлида кичик бир чипқон ёхуд яра кўрса, бас, овқат ейишдан тўхтайди, жирканади.

Инсондаги ёмон феъллар ҳам каллар ва чипқонларга ўхшайди. Ўздан бўлганида ҳеч ирганмайди, ўзгада бўлсачи, жирканади, нафратланади. Сен ундан ҳуркканингдек, у ҳам сендан чўчиса, инжиса, уни ҳуш кўр. Сенинг хафа бўлишинг унинг айбидир. Чунки уни кўришинг сабабли таъбинг хира бўляпти-да. Шу билан бирга у ҳам (сени) худди шундай кўради. Пайғамбар алайҳиссалом “Мўмин мўминнинг ойнасидир” (ҳадис) дея буюради. Бу кофир кофирнинг ойнаси бўлолмайди, дегани эмас. Унинг ойнаси бор эди, фақат у бундан гофилдир”¹⁸.

Айбсиз Парвардигор, дейди доно халқимиз. Бирон инсон йўқки, камчилиги бўлмасин. Лекин кўп вақт одам ўз айбини сезмайди. Аммо бировдан айб излашни яхши кўради. Бу ҳадис моҳиятини юқорида назардан ўтказганимиздек, Мавлоно Румий чиройли тарзда мисоллар асосида тушунтирган. Бу ҳадис мазмуни “Маснавий”да ҳам тарғиб қилинган.

Кўзгуга қараб, кийимларимизни тартибга соламиз. Юзимизда бирон доғ ё донача бўлса, уни даволашга тушамиз. Аммо дилдаги ҳасад, адоват, ғаразни қандай тозалаш керак? Табиатимиздаги нуқсонлардан қандай қутулиш лозим? Нима учун бировда айб кўрамыз-у, ўзимиздан айб изламаймиз? Не сабабдан бировда нуқсон кўриб, уни ислоҳ қилиш учун, маслаҳат бермаймиз ё маслаҳат берсак у нега қабул қилмайди? Умр қисқа берилган бўлса ҳам, уни ғийбат билан ўтказадиган кишилар кам эмас. Самимий бўлиш, бир-биримизни ҳурмат қилиш, ўзаро меҳр кўрсатиш, яхши-ёмон кунимизда бирга бўлиш, биримизнинг камчилигимизни иккинчимиз ислоҳ қилишга одатлансак, Аллоҳ буюрганидек, пайғамбар(а)лар, авлиёлар ва

¹⁸ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Тошкент: Мехнат, 2001. – Б.24-25.

буюкларимиз таълимоти асосида умр кечирсак ўзимиз ҳам, бошқалар ҳам гуноҳ ботқоғига ботиб қолмайди.

Доноларнинг яна бир гапи бор: “Ўзингдан каттага - ҳурмат, кичикка - иззат кўрсат!”. Лекин шу ўғитга ҳам тўлиқ риоя қилмаймиз-да. “Маснавий”да бу мавзуга кўп мурожаат қилинган, бу муаммони ҳал қилиш йўллари ривоят ва ҳикоятлар асосида кўрсатиб берилган. Жумладан, шоир “Арслоннинг қудуққа кўз солиб, сувда ўзи ва товушқон аксини кўргани” масалида ўзидан кичикларга зуғум ва зўрлик қилган, уларга моддий ва маънавий зарар келтирганларни шерга қиёслаб, танқид остига олади. “Кимда ким бир заиф кишини хору зор айласа, шерга ўхшаб аҳволи қийинлашиб қолади, сен бировнинг юзини кўриб, бадбашара, деяпсан, йўқ у бадбашара эмас, балки сенинг ўзинг хунуксан, бадбашарасан”, - дея таълим берган, сўнг пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадисларига ишора қилган:

Мўъминон ойинаи ҳамдигаранд,

Ин хабар ме аз паямбар оваранд (1, 49)

Таржимаси:

Аҳли мўмин бир-бирига кўзгидир,

Бу калом бизга Муҳаммад сўзидир (1,47)

Шоир фикрини давом эттирар экан: “Сен кўзингга кўк шишани қўйганлигинг боис еру кўк сенинг кўзингга кўк кўринар. Сен ўзингга боқ, ўша кўк ойина ўзингсен, бировдан гина қилиб, камчилик излама, балки гинани ҳам, камчиликни ҳам ўзингдан изла”. Қани эди, Мавлоно буюрганига риоя қилиб, унинг таълимотидан ибрат олиб, иллатни бировдан эмас ўзимиздан изласак, иншоллоҳ мақсадимизга етар эдик. Келтирилган байтнинг Жамол Камол қаламидан чиққан таржимаси ҳам таъсирчан.

“Маснавий” талқинига кўра икки дунёни яратган Парвардигор ҳамма ишга қодир. Унинг олдида бутун

борлиқдаги мулку сарватлар ҳеч нима. Шу боис сиз қалбингизни унинг олдида пок тутинг, бадгумонликка бориб, охирида хижолатда қолиб, пушаймон бўлманг. Бутун сирларингиз унга аён, худдики оппоқ сутга бир тола қора соч тушгандек. Кимнинг қалби, дили тоза ва мусаффо бўлса, билинги у, Аллоҳ олдида ойинадир...”. Шундан сўнг шоир фикрини тасдиқлаш учун Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадисини қўллаиди:

Сирри моро бегумон муқин шавад,
З-он ки мўъмин ойина мўъмин бувад (1, 96)

Таржимаси:

Сирримизни ул кўриб, билмоғи чин,
Чунки мўъмин кўзгудир мўмин учун (1, 102)

Румий бу мисралар орқали инсонларни комилликка даъват этади, комил жамият қуришни, одамларнинг аҳилликда умр ўтказишларини хоҳлайди. Жамол Камол хизматлари билан биз ана шундай ўлмас асарнинг бебаҳо ҳикоятларини ўқиб, баҳра олишга муваффақ бўляпмиз.

Мавлоно Жалолиддин Румий 2-китобнинг “Дебоча”сида “Маснавий” ҳақида сўз юритиб: *“Тил билан ҳар хил гапларни айтиб, чангни қўзгатиб ҳамма ёқни расво қилма, кўзларга зарар келтирадиган чанг-ғуборни қўзгатма”,* - деб таълим берар экан, яна пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларига мурожаат қилади:

Чунки мўъмин ойина мўъмин бувад,
Рўйи ў з-олудагӣ эмин бувад. (2,120)

Таржимаси:

Чунки мўмин –кўзгуйи мўмин эрур,
Чанг-ғубордин ойина эмин эрур (2, 131)

Сўнг яна: *“Ёрни сен жонингга чин ойинадек бил, ўша жонингни вужудингни пок тут ва гапирма, - дейди шоир”.* Чунки инсон беҳуда гапираверса ҳам, гуноҳга ботиши аниқ. Билиб

билмасдан биров ҳақида гумон қилиш, ёлғон гапириш, ногўғри маълумот бериш мумкин. Шу боис кўзгуни, ойинани тоза тутиш, кераксиз гапларни айтмаслик иймондан дарак беради. Иймони бутун, ақл соҳиби, дили тоза бўлган инсонлар қанча кўп бўлса, яшаш тарзи шунча енгиллашади. Жалолиддин Румий ўзи шундай буюк, қалби тоза, нияти пок, тилию дили бир инсон эди. Бу ажойиб инсоний фазилатлар унинг асарида ўз аксини топган. Қуйидаги мисоллар фикримизни тасдиқлайди.

Тақдир кимгадир беҳисоб илм ато қилган бўлса, кимгадир беҳисоб молу давлат бериб, бошини силаган. Лекин ўша тақдир ато қилган илмни кимлардир эзгулик ва яхшиликка эмас, балки жаҳолат ва ёвузлик йўлига сарфлайди, натижада ўзига ва бошқаларга зиён етказди. Ваҳолонки, беҳисоб молу давлат эгалари ақл-заковат билан иш тутиб, бойликларига маҳлиё бўлмасдан, ҳақиқатдан юз ўгирмасдан, фаровонлик йўлига хизмат қилишлари лозим. Кимлардир мол-давлатига ишониб, Ҳақни ҳам, инсонларни ҳам унутиб қўяди. Муқаддас китобда бу ҳақда шундай дейилган: “Эй мўъминлар, на мол-дунёларингиз ва на болачақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!”¹ Иккинчидан, кимки молу давлатни маърифатга, Ватан равнақи, юрт ободлиги, фарзандлар камоли, келажак авлодни тарбиялашга сарфласа, энг яхши ва баракали давлат ўшадир.

Ҳадиси шарифда эса: *“Неъма молун солеҳун”*, яъни “Яхши ишларга сарфланган молу дунё энг яхши ва баракали давлатдир”, - дея таълим берилган. Жалолиддин Румий иқтибос санъатини қўллаган ҳолда мазкур ҳадисни ўз аслича шеърга солади:

¹ Қуръони карим. Мунофиқун сураси. 9-оят. 414-бет.

Молро к-аз баҳри дин бошӣ ҳамул,
“Неъма молун солеҳун” хондаш расул. (1, 41)

Таржимаси:

Мол эрур, дин йўлида сарфланса ул,
Бўйла молни яхши деб айтмиш расул. (1, 37)

Мазкур ҳадис аҳли маърифат учун ҳаётий дастурдир. Агар бугун ҳам, юқорида келтирилган ҳадиснинг моҳиятини тушуниб, Аллоҳ берган молу дунёни, илм ва маърифат ривожига, эзгулик ва яхшиликка, ободонлаштириш ва халқ фаровонлигига сарфласак, икки дунё саодатини топамиз.

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий айни шу ҳақиқатга урғу бермоқ ниятида мазкур ҳадисдан фойдаланган. Таржимада асл нусхадаги мазмунни сақлаган ҳолда, арабча ҳадиснинг ўзбекча шаклини беришга муваффақ бўлинган.

Манбаларнинг маълумот беришича, дунёда биринчи яратилган неъмат ақл экан. Ақлли кишилар инсоният тарихида яхши ном қолдиришга бутун умрларини сафарбар этганлар. Бутун умр аҳли муслим меҳрибони ва маслаҳатгўи бўлган улуғ аллома Жалолиддин Румий ҳам шундай инсонлар сирасидан эди.

Одамлар маънавияти юксак кишилардан маслаҳат олиб, ҳаётий муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қилишган. Шундагина ўз мақсад, орзу-умидларига етишган. Зеро инсон доим ўзидан ақлли кишилардан маслаҳат сўрайди. Маслаҳат билан қилинган иш эса инсонга фақат омад олиб келади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу боис ҳар бир ишни маслаҳат билан амалга оширишни тарғиб қилганлар. Жумладан: “*Машварат, калмушташору мўътаман*”, яъни: “*Маслаҳат билан иш кўрган омонликдадир*”, - деганлар. Ҳузур-ҳаловатда яшашни орзу қилмайдиган инсоннинг ўзи йўқ. Ўзига ва бировга зарар келтирмасликни истаган одам, албатта, ақл билан иш тутади.

Бирор ишни бошлашдан олдин ҳаёт тажрибасига эга кишилар билан суҳбатлашиб, доно халқимиз айтганидек, “етти ўлчаб, бир кесади”. “Маснавий”дан олинган қуйидаги байтлар ҳам шунга ишорат этади:

Машварат идроку ҳушёрӣ дихад,
Ақлҳо мар ақдро ёрӣ дихад.

Гуфт пайғамбар: Бикун, эй ройзан!
“Машварат, калмусташори мўътаман”. (1, 42)

Таржимаси:

Айлагай ақлингни бурро машварат,
Ҳам ақл олгай ақллардан мадад.

Эсла пайғамбар сўзини, эй аржуманд:
“Машварат, калмусташори мўътаман”. (1, 39)

“Машварат, калмусташори мўътаман”-Машварат билан иш кўрган киши омонлиқдадир.

Муқаддас китобда бу ҳақда шундай дейилган: “Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўқис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро – маслаҳат (билан) бўлур ва Биз уларни ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар”². Ҳадиси шарифда эса бу ҳақда шундай дейилади: “Қайси бир жамоат (бирор ишда) бошқа кишилардан маслаҳат сўраса, албатта, уларнинг кўнгли энг яхши фикрга йўл олган бўлади”³.

Румий бу ҳадисни “Ҳайвонларнинг товушқондан: “Сирру андишангни ошкор эт”, - деб сўрашгани” ҳикоятида келтириш орқали ўз мақсадини ифодалаган. Шу билан ўқувчини кенгаш қилиб иш тутишга даъват этган. Жамол Камол асл нусхадаги сўзларнинг ўзбекча муқобилларини

² Куръони карим. Шўро сураси.38-оят.. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абулазиз Мансур. – Т.: 2009. – Б 345.

³ Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. –Тошкент: Фан, 2006. - Б 127

топиб, аслиятдек ўтиришга муваффақ бўлган. Аммо мутаржим ҳадисни арабча шаклда сақлаган ҳолда, саҳифа остида уни изоҳлашни лозим кўрган.

Инсон меҳнат ва машаққат учун яратилган. Киши йўқки: *“Мен дунёнинг ишини тамом қилдим, ҳамма орзу-умидларимга етдим, ҳаётимда бирорта ҳам муаммо қолмади”,* деса. Ҳаёт машаққатлардан иборат. Шу боис Аллоҳ бандасига сабрли бўлишни буюрган. Манбалар маълумот беришича, Қуръони каримнинг сал кам тўқсон жойида “сабр” сўзи зикр этилган⁴.

Мавлоно ҳам “Маснавий”да такрор-такрор инсонни сабрли бўлишга чақиради. У қуйидаги байтда сабр барча яхшиликлар ва саодатнинг калити эканлиги ҳақидаги таъкидни араб тилида иқтибос қилади:

Гар ту ишколе ба куливу ҳарач,
Сабр кун, *“Ассабру мифтоҳу-л-фараҷ”* (1, 90)

Ўз навбатида, таржимон ҳам мазкур арабий иқтибосни такрорлашни маъкул кўрган:

Гар машаққат тушса бошингта, ҳараж,
Сабр қил, *Ас-сабру мифтоҳ-ул-фараж.* (1, 95)

Бир саҳоба пайғамбаримиз (с. а. в.)га иймон борасида савол берган экан. Ул зот айтибдиларки: *“Иймон сабр ва жўмардликдир. Сабр жаннат хазиналаридан бир хазинадир”.* Сабр саодат калитидир.

Келтирилган парчадан маълум бўладики, сабрли одам энг иймонли, Аллоҳнинг сеvimли бандасидир. Шу боис инсон ҳаётга моддий ва руҳий қийинчилик билан юзма-юз бўлганда сабр қилиб, иймонини бутун сақлаши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, “Маснавий”даги ҳар бир ҳикоят китобхон диққатини ўзига жалб қилиб, уни ҳаётни

⁴ Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. – Тошкент: “Адолат”, 2002. – Б.360.

севишга, атрофдагиларга гўзал муносабатда бўлишга ундайди. Жалолиддин Румий ҳадиси шарифдан кенг фойдаланиб, унинг моҳиятидаги гўзал ҳақиқатларни тарғиб этишга саъй этган. Заҳматкаш таржимон Жамол Камол эса ана шундай ўлмас асарни катта маҳорат ила ўзбек тилига ўгириб, ватандошларимизни Румий маънавий оламидан бохабар этишга муваффақ бўлди.

Халқ ижоди – илҳом манбаи

Халқ тилида бадиий мўъжиза яратиш воситалари жуда кўп. Атоқли таржимашунос Ғайбулла Саломов бу борадаги айрим воситалар ҳақида фикр юритиб, шундай деб ёзади: *“Агар мендан: тилда ҳам мўъжизалар бўладими? – деб сўрасалар, мен: агар бўлса, тилнинг “мўъжизаси” ундаги мақол, матал ва идиомалардир, деб жавоб қилган бўлар эдим. Чиндан ҳам, гапнинг қаймоғи, ширини, олам-олам маъно берадигани ва шу билан бирга, лўндаси мақол, маталлардир”*.¹ Дарҳақиқат, ҳар бир миллат тилига хос мўъжизалар ўша тилдаги йиллар давомида ҳаёт синовидан ўтган халқона мақоллар, маталлар, идиомалар мисолида яққол намоён бўлади.

Халқнинг тили бой, уни ўрганиш, тил захираларидан жой-жойида фойдаланиш ҳар бир ижодкорга, шубҳасиз, катта муваффақият келтиради. Сўзсиз, “Маснавийи маънавий”дек улкан адабий-ирфоний ёдгорлик, бетакрор пандноманинг дунёга келишига замин бўлиб хизмат қилган яна бир қимматли манба халқ оғзаки ижоди, унинг нодир лисоний бойлигидир.

“Маснавий” аслияти ва асарнинг моҳир таржимон Жамол Камол томонидан ўзбекчаштирилган нусхасидаги айрим халқ мақолларининг таржимада берилишини назардан ўтказиш орқали таржимон бадиий маҳоратининг

¹ Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. - Тошкент: Фаң, 1961. - Б 3.

муҳим қирраларини яна бир карра ойдинлаштириш мумкин.

“Маснавий” муаллифи ўз асарида Пайғамбаримиз (с. а. в.) ва чаҳор ёри босафо ҳаётлари билан боғлиқ кўплаб воқеа-ҳодисалар тасвирига ўрин ажратган. Шундай бадий лавҳалардан бири “Рум элчисининг Амир ал-мўъминин Умар разияллоху анху ҳузурига келиб, унинг кароматини кўргани” ҳикоятидир. Ривоят қилишларича, Умар (р. а.)ни излаб Қайсар элчиси келади. Одамлардан Умар (р. а.)нинг қасрини сўрайди. Шунда одамлар унда қаср йўқлигини айтадилар. Шунда элчи ҳайрон қолиб, халифани излашда давом этади. Ниҳоят, одамлардан Умар (р. а.)нинг таърифларини эшитиб, қалбида ул зотга нисбатан улкан муҳаббат уйғонади. “Дунё дунё бўлиб, бундай инсонни кўрганмикин?” – дея уни излашда давом этади. Ҳатто элчи қалбида: “Қани энди унга қул бўлсам”,- деган орзу илдиз отади. Ўзига “излаган топади”, дея тасалли беради. Бу ҳақиқатга имон келтиргани заҳоти бир аёл йўл устида элчини учратиб қолиб, халифа хурмо дарахти соясида ўтиргани ҳақида хабар беради. Бу ажиб саргузаштни шоирона таъбир ила талқин этган “Маснавий” муаллифи шундай деб ёзади: *“Ким дунёда нимани изласа, албатта, уни топади ва мақсадига етади”, шоир бу хулосаси тасдиғи учун форсийда машҳур: “Чўянда ёбанда аст”, мақолидан фойдаланган ва ўз фикрининг таъсирчан чиқишига эришган.*

Ўзбек тилида бу мақолнинг “Қидирган топади”, “Излаган топар”, “Излаганга толе ёр” каби вариантлари мавжуд. Жамол Камол уни “Излаган топгай” шаклида қўллайдики, мазкур талқин аслиятга айнан мосдир. Қиёсланг:

Чўст ўро, т-ош чун банда бувад,
Лочарам чўянда ёбанда бувад (1,52)

Таржимада:

Кошки қул бўлсам Умарга, дерди ул,
Излаган топгай, деган гап тўғридур (1, 50)

“Маснавий”да ижтимоий ҳаётнинг турли қатламлари, турли касб эгалари ҳаёти ҳақида баҳс юритувчи ҳикоятлар талайгина. Улардан бири учинчи китобдан ўрин олган “Бир илон овловчи совуқда музлаган аждаҳони ўлган деб ўйлаб, Бағдодга келтиргани” ҳикоятидир. Мазкур ҳикоят орқали ҳам одам боласининг тадбир йўли билан амалга ошиши мушкул бўлган ишни уддалашига ишора қилинади. Бироқ бундай тадбиркорлик ва мақсад йўлидан чекинмаслик бирда омад келтирса, бирда омадсизлик ёхуд ҳалокат сари етаклаши ҳам мумкин. Зеро ақл ва тадбир эгаси эзгу самарага эришиши муқаррар бўлганидек, хатар туғдириши мумкин бўлган ишга қайсарлик ила саъй этган одамнинг аҳволи войдир. Устига устак, бундай нодон кимсанинг ҳаракати нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам офат келтириши мумкин. Илон овловчининг ўзбошимчалиги ҳам шундай оқибатга олиб боради: совуқда музлаб, ўлик ҳолга келиб қолган аждаҳо кунлар исиши билан жонланиб, томошага келган одамларни ҳам, илон овловчини ҳам ўз комига тортади. *“Ҳа, – дея хулоса қилади шоир, – яхши киши яхшиликка интилиб, эзгу самарага эришгани каби ёмон кимсанинг аҳмоқона мақсад кетидан қувиши ҳам ёмон оқибатга олиб бориши муқаррардир”.*

Мазкур ҳикоят аввалида биз юқорида таҳлилга тортган Рум элчиси саргузаштига бағишланган ҳикоятдаги каби “Чўянда ёбанда аст” мақоли келтирилган. Бироқ илон овловчининг биз мухтасар қайдларда кузатган хатти-ҳаракатларидан маълум бўладики, бу ҳикоятда мазкур мақол аввалги мақсад-муддао учун, яъни эзгулик йўлида интил,

излаганингга етасан, деган мазмунда эмас, балки: “Ҳар ким экканини ўради” - мазмунида қўлланган.

Байт таржимаси жуда раво, аслиятдаги мазмун ва шакл сақланган ҳолда амалга оширилган. Бу таржимоннинг асар муаллифи мақсадини яхши англаганидан далолатдир.

Қиёсланг:

Гар гарону гар шитобанда бувад,
Он ки чўяндаст, ёбанда бувад (3,240)

Таржимада:

Гарчи суст юргувчи, гар чопувчидир,
Излаган кимса магар топувчидир (3, 274)

“Маснавий” муаллифи илоҳий мўъжиза бўлмиш муҳаббат мавзусига ҳам қайта-қайта мурожаат қилган. Асарда, ҳатто, ишқ муаммоси бевосита ёки билвосита эсланмаган ҳикоят йўқ ҳисоби. “Маснавий”нинг учинчи китобидан ўрин олган “Ошиқнинг маъшуқ васлига етгани, зеро излаган топади, киши бир зарра яхшилик этгай, муқаррарким унга ҳам яхшилик етгай” деб номланган ҳикоятда шоир ўз маъшуқасига чин сидқу садоқат ила интиланган ва унга етган ошиқ ҳақида сўз юритар экан, кимнинг бошига Аллоҳнинг сояси тушса, яъни ким Унинг марҳаматидан кўнгли узмаса, албатта, мақсадига етади, дейди. “Зеро, – деб уқтиради шоир, – Пайғамбаримиз (с. а. в.) айтганлар: эшикни (дуо эшигини) тинимсиз қоқ, у сенга, албатта, очилади”. Шу тариқа яна: “Чўянда ёбанда аст”, деган халқ мақолига мурожаат қилади. Жамол Камол бу сафар ҳам муаллифнинг мақолни нима сабабдан қўллаганини тўғри англаб, уни мақсадга мувофиқ тарзда ўзбекчалаштиришга эришган. Қиёсланг:

Сояи Ҳақ бар сари банда бувад,
Оқибат чўянда ёбанда бувад (3,337)

Таржимада:

Сояйи Ҳақ бизга етгай оқибат,
Излаган ҳар кимса топгай оқибат (3, 384)

Тириклик ва тирикчилик ташвишларидан руҳий ва жисмоний озор кўрган киши ўз ҳаётидан мазмун топа олмаслиги, тушкунликка тушиши табиий. Бундай ҳолатда қолган одам назарида дунё қоронғу, эртанги кун эса саробдан иборатдир. Мавлононинг ҳаёти ҳам изтиробли, мураккаб ҳолатлардан айро эмас эди. Жумладан, унинг ёшлиги мўғул босқини даврига тўғри келган, бу зулм туфайли унинг оиласи мусофир юртлардан бошпана топишга мажбур бўлган ва адибнинг бутун умри Ватандан йироқда кечган. Шоир руҳий дунёсига таъсир кўрсатган ҳаётий ҳодисалардан яна бири тақдир унинг бошига солган оғир синов – дўсти ва устози Шамс Табризийдан айрилишидир.

Ана шу ирода курашларида ўзини тоблаган Мавлоно Румий “Маснавий”да қийинчилик орқасидан енгиллик, ғам орқасидан хурсандчилик келишини қайта-қайта уқтиради. “Қалб кўзи кўр бўлган кимсаларнинг Аллоҳнинг дўстлари бўлмиш авлиёлар насиҳатини тан олмаганликлари” ва “Анбиё алайҳиссаломларнинг яна жавоб беришгани” ҳикоятида ўзбек халқи нутқида кенг тарқалган: “Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдир” мақоли мазмунига тўғри келадиган “Аз паси зулмат баса хуришедҳост” (“Зулмат орқасидан ёруғлик келади”), -ҳикматини қўллайди. Мазкур мақол таржимон томонидан ижодий тарзда ўзбекчалаштирилган бўлса ҳам, байт мазмун ва шаклига путур етмаган. Бу жараёнда “уммид” – “хуршид” қофияларининг сақланиши эса таржимоннинг “Маснавий” муаллифига пайравлик қилиши натижасидир.

Қиёсланг:

Баъди навмедӣ бaсе уммедҳост,
Аз паси зулмат бaсе хуршедҳост (3,290)

Таржимада:

Келса маъюслик, кейин уммид келур,
Кеча кечгай, ортидин хуршид келур (3,330)

Мазкур мақол ҳалқ орасида бошқача тарзда ҳам ишлатилади. Инсоннинг бошига кетма-кет ташвиш тушаверса, офат кетидан офат, ғам кетидан ғам келаверса, форсийда уни юпатиш мақсадида *“Аз паи (дар паси) ҳар гирия охир хандаест”* (*“Ҳар йигининг охири хурсандчиликдир”*) мақоли қўлланади. Мавлоно қуйидаги байтда шу мақолдан фойдаланган:

Охири ҳар гирия охир хандаест,
Марди охирбин муборак бандаест (1, 36)

Таржимаси:

Ҳар йиғининг охири бир хандадир,
Охират марди муборак бандадир (1.32)

“Маснавий”да жамиятнинг барча табақалари аҳволини бадиий ифодалашга муваффақ бўлинган. Бу зоти бо баракот: *“Ижтимоий ҳаётни қандай кимса бошқариши лозим? Уларнинг ўтмиш авлоди инсонийлик фазилатларидан хабардор эдиларми? Маънавий жиҳатдан қай даражада эдилар? Жамиятнинг фаровонлиги учун яшайдиларми ё ўзларининг шахсий манфаатларини қўзлайдиларми?”* - деган қатор саволларни ўртага ташлаб, тубан кимсалар қўлига илму ирфон ва молу давлат тушса, жамиятга зарар келтиришини таъкидлайди. Бунинг учун: *“Наслу насаби наст, тубан кишиларнинг илму ирфон, молу давлат эгаси бўлиши хатарлидир, бу қароқчининг қўлига қилич тутқазishi билан баробар”,*- деган ғояни олға суриб, ўз мақсадини баён этади.

Умуман айтганда, шоир шу каби фикрларини тасдиқлаш ниятида бевосита халқона ҳикояларга, Қуръони карим ва ҳадиси шарифга таянч манба сифатида мурожаат этган. Жумладан, зикри қайд этилган сарлавҳадан сўнг “Ё айюҳ ал-муззаммил” оятининг тафсири” берилган. Маълумки, “Муззаммил” сураси оятларида кечқурунлар туриб Парвардигори оламга тоат-ибодат этиш, унинг каломини диққат билан тиловат қилиш буюрилган. Шундан келиб чиқиб, шоир олам Эгасининг буюргани “зикру қунут” хоксорлик билан бажарилмаса, агар намоздан кейин дуо ўқилмаса, ундай кимсаларнинг дуоси қабул бўлмаслигини ва уларнинг сўровлари жавоби фақат “сукут” бўлишини уқтириб ўтади. Фикрини тасдиқлаш учун эса: “Жавоби ахмақ сукут” деган халқ мақолини келтиради. Жамол Камол ҳам уни аслиятдагидек қолдирган:

В-ар набошад аҳди ин зикру қунут,
Пас ҷавобу-л-ахмақ, эй султон сукут (4, 379)

Таржимаси:

Бўлмаса ул кимса гар аҳли қунут,
Жумла ахмоққа жавобингдир сукут (4,431)

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ижодкор ўз мақсад-муддаосини ифодалаш учун бир мавзудан иккинчисига ўтар экан, ҳаётий мисоллар асосида фикрини бойитишга ҳаракат қилади. Румий ҳам “Сўфининг жону дилига келувчи Аллоҳ таомининг камайгани” хусусида сўз юритар экан, “деҳқон оч қолганда бошлиғига арзи ҳол ёзиб, аҳволини баён этиши, Мир эса ҳар гал деҳқоннинг хатини олганда уни ўқимасданоқ дарди нон эканлигини билиши ва шу боисдан деҳқон хатига жавоб ёзмаслиги” ҳақида ҳикоя қилади. Шундан сўнг шоир қуйидаги байтни келтиради:

Гуфт: “Ўро нест илло дарди лут”,
Пас ҷавоби ахмақ авлотар сукут (4, 389)

Таржимаси:

Дерки, дарди менга маълум – нону лут,
Унга энг аъло ҷавобимдир – сукут (4, 443)

“Маснавий” да яна “Узайр алайҳиссалом фарзандлари қиссаси. Улар ўз оталаридан: “Отамни кўрмадингми?”, - деб сўрашгани. Узайр: “Кўрдим, ортимдан келяпти”, - деб ҷавоб бергани. Биттаси хушхабардан хурсанд бўлиб, қичқиргани. Бошқаси уни таниб, ҳушидан ажралиб: “Хушхабаринг нимаси, ўзи хушхабар айтиб турибди-ку”, - дегани” келтирилган. Адиб бу ривоятда Узайрнинг ўғиллари орасида бўлган баҳсу мунозарани бадиий тасвирлар экан, авомга мослаб сўзлаётганини таъкидлайди. Сунг сўздан кўра жим туриш яхши эканини уқтиради. Мақсадини ифодалаш учун “*Ҷавоби ахмақ – сукут*”, - халқ мақолини мисол қилади:

Пас хамўшӣ беҳ диҳад ўро субут,
Пас ҷавоби аҳмақон омад сукут (4, 426)

Таржимаси:

Сўзни қўйгил, энди хомушликка ўт,
Яхшидир аҳмоққа этмоғинг сукут (4, 486)

Китобда “Кофирлар сизни кўзлари билан кулатиб, ҳалок этишларига оз қолди” оятининг тафсирини бериш учун Пайғамбаримиз замонларида араб миллатига мансуб айрим кимсаларнинг қорни оч қолганда бирор-бир туяни кўз қараши билан йиқитиб, бошини кесиб, ёғидан ош қилиб ейишгани воқеаси мисол қилиб келтирилган. Шу орқали одамзоднинг нафси ҳирси тубанликка етаклаши, ҳирси шаҳват илон каби, мансаб ҳирси эса ундан ҳам бадтар аждарҳо каби бўлиши уқтирилади. *Нафси шаҳват қанчалик тубан бўлса, мансаб ҳирси бир неча марта ундан ҳам*

тубанроқдир, дейилади. Адиб мансаб ҳирсини васфласам, яна бир нечта дафтар керак бўлади, деган хулоса чиқаради.

Румий маҳоратининг яна бир қирраси шунда кўринадики, у баъзи сўзларнинг луғавий маъносини байт таркибида келтириб, ўқувчига уни содда қилиб етказди. Масалан:

Шайтанат гарданкашӣ буд дар луғат,
Мустаҳаққи лаънат омад ин сифат. (5, 456)

Таржимаси:

“Шайтанат – саркашлик асли”, дер луғат,
Неча минг лаънатга лойиқ бу сифат”. (5, 520)

Кўринияптики, бу мисраларда шоир, аввало, “шайтанат” сўзининг луғавий маъносига алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг фикрича, ҳирсларнинг энг тубани ва ёмони мансаб ҳирсидир. Шу боис халқ ўз мақолида: *“Икки бошлиқ бир жойга сигмайди”*, - деб айтиб ўтган. Аммо асарни ўзбекчага ўгириш жараёнида таржимон “сардор”, “бошлиқ” маъноларини англатувчи “риёсат” сўзи ўрнида “подшоҳ” сўзини қўлагани кузатилади. Негаки, юқоридаги мақолнинг форсча варианты мавжуд бўлиб, унда айнан подшоҳ ҳақида сўз юритилади: *“Ду подшоҳ дар иқлиме нагунчад”*. Ёки шу мазмунда яна: *“Ду тег дар як наём нагунчад”* мақоли ҳам борлиги маълум. Асарнинг аслиятида эса у қуйидаги шакл ва мазмунда берилган:

Сад хуранда гунчад андар гирди хон,
Ду риёсатчӯ нагунчад дар чаҳон (5,456)

Таржимаси:

Юз киши бир суфрадин нон ейди, ҳай,
Икки подшо бир жаҳонга сигмагай (5, 520)

Баъзан нафс ҳақида сўз борганда, *“мен нафсимни ўлдираман”*, *“мен нафсимни ўлдирганман”* иборалари қулоққа чалинади. Аслида эса жон – бу нафсдир, аммо уни ўлдириб

бўлмайди, балки тарбиялаш ёки тўғри йўлга солиш мумкин. Бунинг учун ўзликни англаш лозим. Байтнинг дастлабки мисрасидаги биринчи нафс Илоҳий неъмат бўлса, иккинчи нафс – бу инсоннинг вужудидир. Яъни инсон Аллоҳнинг измидан бир дақиқа ҳам ташқарида эмас. Ҳаётдаги барча яхшилик ва ёмонлик Аллоҳдандир. Мутаржим ушбу мазмундаги байтни ўзбекчалаштирар экан: *“Нафси аввал”, яъни биринчи нафси деганда, инсоннинг табиий истеъдод ва қобилияти, иккинчи нафси деганда, унинг ҳаётдаги майли ва истаги назарда тутилади*”, - деб ёзади.

Румий нафс ҳақида сўз юритар экан, қуйидаги байтнинг иккинчи мисрасида худди халқ мақолида айтилганидек: *“Моҳӣ аз сар ганда бошад, не зи дум”*, яъни: *“Балиқ думидан эмас, бошидан айнийди”*, - деган фикрни келтиради. Маълумки, унинг ўзбекча муқобили *“Балиқ бошидан сасийди”* ёки *“Балиқ бошидан чирийди”* тарзида қўлланади. Бу мақол, одатда, жамиятда ҳукмрон табақа вакиллари, оилада эса катталар хатоликларга йўл қўйганда айтилади. Таржимада мақолнинг ҳам, у қўлланган байтнинг ҳам мазмуни ва шакли моҳирлик билан сақланган:

Нафси аввал ронд бар нафси дувум,
Моҳӣ аз сар ганда бошад, не зи дум. (3, 294)

Таржимаси:

Нафси аввал урди соний нафсга дўқ,
Думдин эрмас, бошдин айнир балиқ. (3, 335)

“Нафси аввал урди соний нафсга дўқ”- Нафси аввал, яъни биринчи нафс дейилганда инсоннинг табиий истеъдод ва қобилияти, иккинчи нафс дейилганда эса унинг ҳаётдаги майли ва истаги назарда тутилади.

Халқ атрофда пайдо бўлган нохушликларни кўрса, албатта, уни бартараф этиш учун келиб чиқиш асосларини

излайди. Чунки мақолда таъкидланганидек: “Лойқадир сув бошидин”. Асарда бу мақол қатнашган шундай байт мавжуд:

Об аз сар тира аст, эй хирахашм,
Пештар бингар, яке бигшой чашм (4, 386)

Таржимада:

Лойқадир сув бошидин, эй тира кўз,
Оч кўзингни, боқ-да, сўнгра сўйла сўз (4, 438)

Халқ мақолларида: “Одам одам билан тирик”, “Одам захрини одам олади”, “Хурмат қилсанг, ҳурмат топасан”, “Яхшилик қилган яхшилик кўради”, “Ёмонлик қилиб, яхшилик кутма”, - дея ўғит берилади. Бунинг учун эса: “Садо аз ду даст мехезад”, яъни: “Қарс икки қўлдан чиқади”, - дейилади. Демак, ҳар бир ишни муваффақиятли охирига етказиш учун бирдамлик керак.

Жалолиддин Румий “Ошиқнинг Садри Жаҳон ила мулоқоти” ҳикоясига шу каби мақоллар мазмунини гўзал ва чиройли тарзда сингдирар экан, аввало: “Меҳри Ҳақ кўнглингда эрса, бил ҳамон, Сенга Ҳақнинг меҳри бордир бегумон”, - байтини келтиради. Байтнинг мазмуни - равшан, яъни бировга меҳр кўрсатсанг, албатта, меҳр кўрасан, фарзларни қабул қилиб, жону дилдан Оллоҳнинг буюрганларини бажарсанг, унинг ризолигини топиш учун ҳаракат қилсанг, албатта, Яратган эгам сени қуруқ қолдирмайди. Чунки “Сендан ҳаракат – Аллоҳдан баракат”, - дейдилар. Таржимон Жамол Камол шу ўғитлар мазмунини моҳирлик билан ўзбекча муқобилда бера олгани - эътиборга лойиқ:

Ҳеч бонги каф задан н-ояд бадар,
Аз яке дасти ту бе дасти дигар (3,328)

Таржимаси:

Икки қўл лозим чапакка, борми шак,
Битта қўл бирлан магар чиқмас чапак (3, 373)

Халқ - жуда доно. У ҳар бир сўзни йиллар давомида ҳаёт тажрибасидан ўтказиб, тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилганидан кейингина уни ишлатади. Чунки ҳаётнинг ўзи катта дарсхонадир. Одамлар эса шу дарсхонада таълим-тарбия олиб яшайдилар. Дарвоқе, фарзанд тарбиясига эътибор бермаган, уни ўз ихтиёрига ташлаб қўйган ота-онанинг аҳволи вой бўлади. Хулқи бузилган фарзандлар эса нафақат ота-онасининг, балки атрофдагиларнинг панд-насихатига қулоқ солмайди. Улардан барчага озор етади. Хусусан, жамият бундайлардан катта зарар кўради. Шундай ҳолатда айрим ота-оналар ўз гуноҳини тан олмай, барча айбни жамиятга, дунёга тўнкашга уринади. Ҳаётда кузатган шу каби ҳолатлар сабаб доно халқ томонидан: *“Нима эксанг, ўшани ўрасан”* мақоли тўқилган.

Аммо дунёда умрини яхшилик ва эзгулик ила ўтказган ҳамда ўтказётган кишилар ҳам кам эмас. Улар, албатта, халқ ардоғига эришиши, Аллоҳ томонидан сийланиши ҳаётда ўз исботини топган. Жалолиддин Румий *“Ичиндаги ичиндадур”* асарида шунга ишора қилиб, бундай деб ёзади: *“Биттаси: “Азалий ҳукмлар ва Тангрининг тақдир айлаганлари ҳеч ўзгарадими?” - дея сўради. Мавлоно буюрдики, Тангрининг азалдан “Ёмонликка қарши ёмонлик, яхшиликка жавоб – яхшилик бўлиши керак”, деган ҳукми асло ўзгармайди. Чунки улуг Аллоҳ ҳокимдир, У: “Сен ёмонлик қил, яхшилик топасан” - демайди. Ахир буғдой экиб арпа, арпа экиб буғдой ўриб бўладими? Асло! Барча авлиёю анбиёлар ҳам: “Яхшиликнинг жавоби яхшилик, ёмонликники ёмонликдир”, - деганлар. “Бас, ким (ҳаёти – дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса, (қиймат кунда) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!”¹*

¹ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир.- Тошкент, “Меҳнат”, 2001. – Б. 55

“Маснавий” да “Ошиқнинг маъшуқ васлига етгани, зеро излаган топади, киши бир зарра яхшилик этгай, муқаррарким, унга ҳам яхшилик етгай” сарлавҳаси остида келтирилган ривоятда шу мақол моҳирлик билан бадиий тасвирланган. Жамол Камол уни: “Берсанг – оласан, эксанг – ўрасан”, - тарзида келтирган. Умуман айтганда, асарда ушбу мақолнинг бир неча вариантда ифода этилгани кузатилади. Жумладан:

1. Ҷумла донанд ин, агар ту награвӣ,
Ҳар чӣ мекориш, рӯзе бидравӣ (3, 338)

Таржимаси:

Барча билгайларки, сен ҳам бил шуни,
Не экарсен ерга, олгайсен уни (3, 384)

2. Чун бикорӣ ҷав, наруяд ғайри ҷав,
Қарз ту кардӣ, зи кӣ хоҳад гарав? (6, 570)

Таржимаси:

Арпа эксанг, арпа ўргайсен, жўра,
Қарз олибдирсен, гаровни ҳам тўла (6, 652)

3. Каҳ бикорӣ, барнаёяд гандуме,
Мардумӣ чӯ, мардумӣ чӯ, мардумӣ (2, 173)

Таржимада:

Лек сомон экканда битмас гандуме,
Мардум изла, мардум изла, мардуме (2, 194)

4. Ҳеч возир визри ғайре барнадошт,
Ҳеч кас надруд, то чизе накошт (2, 137)

Таржимада:

Ҳеч киши ғайри гуноҳин чекмагай,
Йиғмагай ҳосилни, токи экмагай (2, 151).

5. Ҳеч гандум кориву ҷав бар диҳад?
Дидай асбе, ки курра хар диҳад? (1, 58)

Таржимада:

Арпа олмайсен ахир буғдой экиб,
От деган тойчоқ туғар, туғмас хўтик (1,57)

На туро бар зулм тавбай пурхурўш,
Эй дағо, гандумнамои чавфурўш! (5,491)

Таржимада:

Зулм этиб, бир бор пушаймон бўлмадинг,
Тавба ичра зору гирён бўлмадинг (5, 561)

Буюклар айтадики, *ёмонликдан парҳез қил, бўлмаса, бир кун жазосини оласан. Шу боис ёмонлик қилиб, яхшилик кутма, янтоқ экиб, гул оламан, деб ўйлама. Амалинг мукофотидан ғофил бўлма, буғдой эксанг, буғдой ўрасан, арпа эксанг, арпа ўрасан.*

Румий ҳаёт синовларидан ўтиб, мақолга айланган бу ҳикматни ўз ҳикояларида кўп қўллаган:

Менамояд ў вафоу ишқу чўш,
В-он гаҳ ў гандумнамои чавфурўш (5, 492)

Таржимада:

Ишқ, вафода ўзни чун Ой кўрсатиб,
Арпа сотгай бизга, буғдой кўрсатиб (5, 562)

“Маснавий”даги “Арслоннинг қудуққа кўз солиб, сувда ўзи ва товушқон аксини кўргани” сарлавҳаси остида берилган ҳикояда ҳайвонларнинг сардори саналган арслоннинг зулми ҳақида сўз боради ва унинг бошқа ҳайвонларга қилган ёмонлиги ўзига ҳам ёмонлик келтиргани тасвирланади. Шу орқали Румий адолат ва ҳақ ҳамиша ғалаба қилишини уқтириб ўтади. Асарда арслоннинг аҳволи, худди ўзбек мақолида айтилганидек: *“Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушиасан”,*- қабилида очиб берилади. Лекин Жамол Камол “Адолат буюрмиш ёмонга ёмонлик” мазмунидаги байтни таржима қилишда ижодий йўл тутиб, унга: *“Нимани эксанг,*

шуни ўрасан”, мақолини сингдирган. Натижада аслият мазмуни билан таржима мазмуни бир-биридан бироз узоқлашган. Қиёсланг:

“Ҳар кй золимтар, чаҳаш боҳавлтар,
Адл фармудаest бадтарро батар” (1, 49)

Таржимаси:

Кимки золимоқ, унинг чоҳи чуқур,
Экканин ўргай киши, Ҳақ амри шул (1, 47)

Биров бировга ёмонлик қилса, ўзига ҳам ёмонлик қайтади. Шунинг учун халқ орасида: “Бировга чуқур қазисанг, ўзинг тушасан” мақоли машҳур. Мавлоно Румий бу мақолни “Маснавий”даги “Қозининг жаҳли чиққани, сўфийнинг унга аччиқ-аччиқ сўзлар айтгани” ҳикоясида қўллаган:

Ин надонӣ, ки пайи ман чаҳ канӣ,
Ҳам дар он чаҳ оқибат худ афганӣ? (6, 599)

Таржимаси:

Менга чоҳ қазсанг, магар кўрдир кўзинг,
Оқибат ул чоҳга тушгайсен ўзинг (6, 686)

Навбатдаги байтда ҳам “ёмонликка ёмонлик” келиши “Бировга чуқур қазиган кимса ўзи тушади” мақоли орқали уқтириб ўтилган:

Эй ки ту аз чоҳ зулме мекунӣ,
Дон, ки баҳри хеш чоҳе меканӣ. (1, 49)

Таржимаси:

Эйки, юксалтдинг аламни, оҳни,
Билки, қазгайсен ўзингга чоҳни. (1, 47)

Ўзбек халқи орасида кенг қўлланадиган: “*На сих куйсин, на кабоб*” мақоли форс-тожик халқларида: “*На сих сўзад, на кабоб*” тарзида учрайдики, улар мазмуни ва синтактик қурилиши жиҳатидан жуда ўхшашлиги кишини

хайратлантиради. Бу мақолнинг ўзбекча ва тожикча вариантида биргина феъл туркумига оид сўз: “*куйсин*” билан “*сўзад*” фарқланмоқда, холос. У кўпинча бировга зиён келтирмаслик, қалбига озор бермаслик, ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга раво кўриш зарурлиги, ваъда бергандан сўнг уддасидан чиқа билиш лозимлиги ҳақидаги ҳақиқатларни тасдиқлаш учун айтилади.

Мавлоно Румий “Савдогарнинг ўз тўтисига Ҳиндистон тўтилари билан қандай кўришганини сўйлагани” ҳикоясида кишиларни аҳилликка, бир-бирини тушунишга, инсон инсонга нисбатан ҳеч қачон бефарқ бўлмасликка даъват этар экан, бевосита юқоридаги мақолга ўз ўрнида мурожаат қилганлиги кўзга ташланади. Чунки ҳаётнинг гултожи бу инсондир. Инсонлар эса ҳадисда: “*Ўзингга раво кўрган нарсангни бошқаларга раво кўрмагунча ҳақиқий мўмин бўла олмайсан*”, - дейилганидек, ҳар қандай вазиятда бировнинг зиёнидан фойда кутмаслиги лозим.

Гуфта ногуфта кунад аз фатҳи боб,
То аз он на сих сўзад, на кабоб (1, 58)

Таржимаси:

Гар эшикни очса, очгай ул шитоб,
Куймагай ундан баса сиху кабоб (1, 58)

Яратиклар ичида гултожи ва энг буюги Ҳазрати инсон бўлиб, Парвардигори олам бутун мавжудотни одамзод гўзал умр кечириши учун яратган. Инсон қалбига энг олий туйғулар (севги, муҳаббат, ишқ, эзгулик, меҳр, хурсандчилик ва поклик)ни тухфа сифатида ато этган. Шу туйғулар қаторида ДЎСТЛИК ҳам туради. Киши топилмайдик, икки дунёнинг саодатига етиш учун ўзига қадрдон, доно, оқибатли, садоқатли, яқин сирдош, ҳар қандай яхши-ёмон кунда у билан бирга бўла оладиган елкадош, таъмасиз дўстни изламасин. Аммо бундай кимсани топиш амримаҳол. Чунки:

“Ҳамроҳ излама, бу дунёда ҳамроҳнинг ўзи йўқ”, – дейди буюк шоир Фариiddин Аттор. Лекин: “Беайб Парвардигор”,- дейди доно халқ. Шу боис киши нисбатан оқил, доно, инсон қадрини биладиган дўст топиш мумкин. Шундай бўлсагина у билан дўстона ҳаёт кечириш мумкин. Лекин у ақлсиз, маънавиятдан йироқ, ҳар қандай ҳолатда дўстликни сотиб, мунофиқлик қиладиган бўлса, ундайлардан ҳушёр бўлиш лозим. Чунки улар душмандан зиёдроқ зарар келтиради. Бундайлар дўстлик жараёнида дўстининг нозик томонларини яхшигина ўрганиб, унга зарба беришни яхши билади. Доно ва ақлли душман эса ҳар бир ишини ўйлаб, фикрлаб амалга оширади. Шу боис Жалолиддин Румий аблаҳ дўстларни, иложи борида, узоқроқ ҳайдаш лозимлиги, шундагина хавотирсиз, гўзал умр кечириш мумкинлиги ҳақида сўзлайди:

Дўстӣ аблаҳ батар аз душманист,
Ў ба ҳар ҳила, ки донӣ, ронданист (2, 168)

Таржимаси:

Дўсти нодон ғарра душмандин ёмон,
Чорасин топ, ҳайда ёнингдин ҳамон (2, 188)

Ёки:

Вақти сикҳат чумла ёранду ҳариф,
Вақти дарду ғам ба чуз Ҳақ қу алиф? (5, 529)

Таржимаси:

Соғ эканда барча дўсту ошно,
Хасталик етганда дўстинг бир Худо (5, 605)

Ўзбеклар – жуда болажон ва болапарвар халқ. Аммо бола ширин, одоби ундан-да ширин ҳисобланади. Шунинг учун ўзбек хонадонларида: “Бола – бошидан” - дея, унинг одобли, ақлли, ҳушли, маърифатли бўлишига катта аҳамият қаратилади. Кичикларнинг кўча-кўйда ўзидан катталарга

салом бериши, ҳурмат-иззат кўрсатиши ҳар бир хонадонда ёшлиқдан ўргатиб борилади.

Ривоятда айтилишича, кунларнинг бирида бир йигит отда ёши катта киши олдидан салом бермасдан ўтиб кетибди. Бу ҳолат ҳалиги ҳурматли кишининг нафсониятига тегиб, бу йигит кимлигини аниқлабди. Унинг отаси ва устозини чақириб, йигитчага нотўғри таълим-тарбия берганликларини айтибди.

Кўриниб турибдики, битта ҳаракати билан йигит нафақат ўзига, балки отаси ва устозига нисбатан маломат олиб келди.

Инсон абадий яшамайди. Лекин у ҳаётда улғайиб, фарзандлар кўриши, ота ва бува бўлиши мумкин. Демак, у инсонларга хос одамийлик фазилатларининг келажак авлодга етказилишида масъулдир.

Халқ орасида: *“Ота ё она бўлсанг, шундагина ота-она қадрини билиб оласан”*, - деган гап бор. Дарҳақиқат, инсон улғайган сайин ҳаёт мазмунини тушуна боради. Кўп нарсани англайди. Шу боис Румий кишиларнинг бир-бирига нисбатан ҳурматли-иззатли бўлишини жуда хоҳлаб, халқнинг: *“Ҳар кӣ ҳурмат кунад, ҳурмат мебинад”* мақолини ўз фикрининг тасдиғи ва таъкиди учун мисол қилиб келтиради. Жамол Камол эса таржима жараёнида ушбу мақолнинг ўзбек тилидаги: *“Қадр қилсанг, қадр топасан”*, *“Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан”*, - сингари муқобилларидан тайёр қолип сифатида фойдаланган:

Гуфт: “Ман ҳам поси онат доштам”,

Ҳар кӣ орад ҳурмат, ў ҳурмат барад (1, 54)

Таржимаси:

Ҳурмат этган эр бўлур ҳурматли эр,

Кимки қанд бергай, ўшал лавзини ер (1, 52)

Биров арзимаган гап-сўз учун бир яхши инсон ё бирон фойдали ишнинг баҳридан ўтмоқчи бўлса, уни огоҳлантириш маъносида: *“Бургага аччиқ қилиб кўрпангни куйдирма”* ёки *“Бургага ачиқланиб гиламни куйдирма”*, - деб айтилади. Румий асарида бу мақол куйидаги мисраларда қўлланган:

Баҳри кайке навгилеме сўхтан!

Нест лоиқ аз ту дида дўхтан (2, 141)

Таржимаси:

Бургаси бор деб гилам ёқмас киши,

Бўйла эрса кул, нечун боқмас киши (2, 155)

Ёки:

Қон кй бошад, к-иш гузинам бар карим?

Кайк чй бувад, ки бисўзам з-ў гилем? (5, 487)

Таржимаси:

Жон надир, қаршимда турса ул карим,

Бургани деб кўрпани ёққаймидим? (5, 556)

Умри давомида инсон билиб-билмай кўп турли хатоликларга йўл қўяди. Арзимайдиган сабаб туфайли қанча-қанча нохуш ишларни қилади. Айтайлик, дўстининг озгина хатосини кўриб қолса, у билан дўстлик риштасини узишга шошилади. Ёки қўлидаги буюмнинг иллатини чуқур текширмасдан, уни отиб юбориб, чил-парчин қилади. Ишхонасида бирор кўнгилсизлик бўлса, аламини уйдаги бегуноҳ хотин-боласидан олмоқчи бўлади. Доно халқимиз ана шундай кайфиятни хира қиладиган воқеалар учун: *“Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирма”*, - дейди. Жалолиддин Румий мазкур мазмундаги мақолни *“Халифанинг ҳадяни қабул этгани, ул ҳадя ва ул кўзага эҳтиёжи бўлмаса-да, арабга инъом-эҳсон берилсин, деб буюргани”* ҳақидаги ҳикоя таркибида келтирган байтда қўллаган. Унда ҳикоя қилинишича, бир аъробий, анча йўлни босиб, шоҳга бир кўза

сув ҳадя қилиб олиб келади. Лекин у шоҳнинг саройи орқасида Дажла дарёси борлигидан беҳабар бўлади. Шоҳ буни сезиб, ҳадяни қабул қилади ва эвазига беҳисоб зару зевар бериб юборади.

Ҳазрат Румий шу ривоят орқали шоҳ оқил ва зийрак бўлиши лозимлигини таъкидлашни кўзлаган.

Баҳри кайке ту гилемеро масӯз,
В-аз судоъи ҳар магас магзор рӯз. (1, 89)

Таржимаси:

Кўрпа ёқма бургага аччиқ қилиб,
Кунни зое этма пашша ўлдириб. (1, 95)

Ўтмишда бирор ишни бошлашдан олдин одатда доно ва кекса кишилар бир жойга йиғилишиб, ўзаро кенгашган, маслаҳат қилишган. Ҳозиргача бу одат тўй-йиғинларни бошлашдан аввал оқсоқолларни чақириб, маслаҳат солиш шаклида сақланиб келаётир. Чунки бир бошдан икки бош, икки бошдан уч бош яхши. Қолаверса: *“Кенгашли бичилган тўн тор келмас”, “Кенгашли тўй тарқамас”, “Маслаҳатли иш битар, маслаҳатсиз иш йитар”, “Маслаҳатсиз бўлган иш, бошга келтирар ташвиш”, “Ақл кўпга етказар”,* - деган доно ҳикматлар бежиз айтилмаган. Жалолиддин Румий бир неча марта шу маънода халқнинг: *“Ақлҳоро ақлҳо ёрӣ диҳад”, ё “Ақл қувват гирад аз ақли дигар”* (ўзбекча муқобили *“Ақл ақлдан қувват олар”*) сингари пурҳикмат мақолларидан бир неча байтларда фойдаланган:

Машварат идроку хушёрӣ диҳад,
Ақлҳо мар ақро ёрӣ диҳад (1, 42)

Таржимаси:

Айлагай ақлингни бурро машварат,
Ҳам ақл олгай ақллардан мадад (1, 39)

2. Ақл бо ақли дигар дуто шавад,
Нур афзун гашта раҳ пайдо шавад (2, 120)

Таржимаси:

Гар ақлга боз ақл ҳамроҳ бўлур,
Нур бўлур афзун йўл пайдо бўлур (2, 131)

3.Машварат дар корҳо воҷиб шавад,
То пушаймонӣ дар охир кам бувад (2, 174)

Таржимаси:

Ҳар бир ишда маслаҳат вожиб эрур,
То пушаймонлик кейин кам-кам бўлур (2,195)

4.Ақл қувват гирад аз ақли дигар,
Найшакар комил шавад аз найшакар? (2,174)

Таржимаси:

Чун ақллардин ақл қувват олар,
Найшакар ёнида ўсгай найшакар (2, 196)

Ақдро бо ақли ёре ёр кун,
“Амруҳу шўро” бихону кор кун (5, 447).

Таржимаси:

Ақлу ҳушни ақлу ҳушга бойлагил,
Амри Шўрони ўқиб, фикр айлагил (5, 510)

Қуръони карим, Шўро сураси, 38-оятга ишора.

Парвардигорнинг яратган нарсалари ичида ақлдан буюк нарса йўқ. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам шуни инобатга олиб, “Маснавий”нинг ҳар бир ҳикоясида одамларни ақл билан иш тутишга, ақлга суяниб яшашга даъват этади. Юқорида келтирилган байтларда ақлли кишиларнинг суҳбатини олиш ва унга амал қилиш чақириқлари мавжуд.

Илм бутун борлиқнинг тожидир. Илм аҳли эса икки дунёнинг бахту саодатини топган кишилар саналади. Билимли инсонлар ўз атрофидагиларга гулга ўхшаб яхшилик ҳидини таратадилар. Маънавий жиҳатдан бой одам бировга

ёмонликни раво кўрмайди, ҳатто, ашаддий душманига ҳам зиён етказмайди. Лекин жонингдан ҳам яқин дўстинг, нодон ва маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлса, сенга ҳар қандай ҳолатда зарар келтиради. Шу боис халқимиз билимсиз дўстдан қочишни тарғиб қилган. Жумладан, халқ мақолларида: *“Дўсти нодондан душмани зийрак - яхши”, “Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши”, “Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон”,*- дейилади.

Мавлоно Жалолоддин Румий ҳазратлари “Маснавий” да аблаҳ *“дўст”*ни танқид қилиб: *“Дўстӣ аблаҳ батар аз душман аст”* деган мақолни келтиради. Бу мақолнинг ўзбекча варианты ҳам бор. Унда: *“Аблаҳ дўст душмандан ёмон, не ҳийла билса, ишлатар осон”,*- дейилади. Аммо Жамол Камол таржима жараёнида бу мақолдан фойдаланмаган. Агар у мақолнинг ўзбекча муқобилини берганда эди, байтнинг аслиятдаги мазмунини тўла сақлашга эришган бўларди. Ҳозирги ҳолатда эса байтдан: *“Аблаҳ дўст душмандин ёмон, у (аблаҳ дўст) ҳар хил ҳийлалар ишлатиб, ишини битказади”,*- мазмуни эмас, балки: *“Билимсиз дўст, ғарра (фоҳиша, бузуқ аёл) душмандин ёмон, шу боис чорасини топиб ёнингдан уни, яъни аблаҳ дўстни ҳайда”,*- мазмуни англашилмоқда.

Форсчада бу мақол: *“Дўсти нодон батар зи сад душман”, “Душмани доно беҳ зи дўсти нодон”,* - тарзида учрайди:

Дўстӣ аблаҳ батар аз душманист,
Ў ба ҳар ҳила, ки донӣ, ронданист (2,168)

Таржимаси:

Дўсти нодон - ғарра душмандин ёмон,
Чорасини топ, ҳайда ёнингдин ҳамон. (2, 188)

“Маснавий”нинг асосий манбаси Қуръони карим ва ҳадиси шарифдир. Асарнинг бешинчи дафтари, китобнинг

“Дебоча”сидан сўнг “Тўртта қуш олиб, уларни олдингда тўпла” оятининг тафсири”¹⁹ билан бошланади.

Жалолиддин Румий “тўртта қуш” деб тандаги тўртта нарсани назарда тутган. Бунда: Ғоз – ҳис, хўроз – шаҳват, товус – жоҳ, зоғ – ниятдир.

Шоир мазкур оятни тафсир қилар экан, уни пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ҳадислари билан боғлаб, фикрининг тасдиғи учун “Мустафо саловатуллоҳу алайҳнинг, кофирнинг қорни еттита, мўминнинг қорни битта, дейишининг боиси” сарлавҳали ҳикоясини келтириб, кофир киши ҳирс қурбони бўлиб ўзини расво қилганлигини баён этади.

Ривоят қилишларича, ғайри мусулмон кимса пайғамбаримиз (с.а.в.) хонадонидан меҳмон бўлади. Бутун бир хонадон истеъмол қиладиган етти эчкининг сутини бир ўзи ичади. Мезбонларга, умуман, ҳеч нарса қолдирмайди. Хонадон аҳли оч қолади, хусусан, бу хонадондаги чўри қизга кўп алам қилиб, у меҳмон ётган хонанинг эшигини орқасидан тамбалаб қўяди. Натижада шунча сутни ичган кофирнинг қорни оғриб қолади. У ҳолатга чиқмоқчи бўлади, лекин эшик орқасидан тамбалагани сабабли ташқарига чиқолмайди. Ҳожати қистаса ҳам, ноилож ўрнида ётади. Уйқусида туш кўради. Тушида эски бир кўрғонда юрган эмиш. Кўрғон эса вайрона ва холи эмиш. У ҳолатини бир зумда адо қилиб қўйибди. Шундан сўнг муаллиф, Расулulloҳ эшикни очганликлари ва меҳмон расво қилган тўшакни ўз қўллари билан ювганликларини тасвирлайди.

Кези келганда шуни ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, “Маснавий”да келтирилган пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётлари билан боғлиқ жуда кўп ҳикоя ва ривоятларнинг ўзини алоҳида тадқиқ этишга тўғри келади.

¹⁹ Қуръони каримдаги Бақара сурасининг 260-оятига ишора.

Адиб “Мустафо алайҳиссалом ҳужра эшигини очгани ва меҳмон хижолат чекмасин, дея ўзини бир четга олгани” ва шу ҳадиснинг давоми “Мустафо алайҳиссалом ифлос тўшакни ўз қўли билан юваркан, меҳмоннинг қайтиб келгани, қаттиқ хижолат чекиб, ўз ҳолига йиғлагани” воқеасини келтиради. Кофир ташқаридан қайтиб келиб кўрсаки, пайғамбаримиз (с.а.в.) тўшакни ўз қўллари билан ювяптилар. Бу ҳолатни кўрган кофир кўкка юзланиб, менда юз йўқ деяр эди ва вужуди титрар эди. Буни кўрган пайғамбаримиз (с.а.в.) уни бағирларига босиб, юпатадилар.

Шундан сўнг байт таркибида *“То фарзанд нагиряд, модар шир намедиҳад”* (ўзбекчада – *“Бола йиғламаса, она сут бермас”*) деган мақол қўлланган.

Инсон токи ўз гуноҳини билиб, Парвардигор олдида тавба қилмаса, Аллоҳ унга иймон эшигини очмайди. Шу боис буюк соҳиби қалам ўз фикрининг тасдиғи учун яна Илоҳий каломга мурожаат қилади: *“Деди: йиғланг тавба айлаб, зор-зор, То мурувват айлағай Парвардигор”*.²⁰

Хуллас, Аллоҳ пайғамбаримиз (с.а.в.)ни ана шундай олижаноб инсонийлик хислатлари билан безаган эди. Бундан ибрат олиб, ўзимизни тарбияласак, икки дунёнинг бахту саодатини топамиз. Шунга ишора қуйидаги байтларнинг мазмунига сингдирилган:

То нагиряд абр, кай хандад чаман?

То нагиряд тифл, кай чўшад лабан? (5, 446)

Таржимаси:

Гул куларму йиғламас эрса булут?

Йиғламас эрса гўдаклар, қайда сут? (5, 509)

Халқ ҳар бир сўзни айтишдан олдин, аввал яхшигина ўйлаб, кейин сўйлашни маслаҳат беради. Устозлик қилиш

²⁰ Қуръони каримдаги Тавба сурасининг, 82-оятга ишора.

учун ҳам, аввало, устоз кўриш кераклигини айтади. Акс ҳолда, ўзингни расво қилиб, келажақда йўлингни топмаслигинг мумкин. Ё тайёрлайдиган шогирдинг сени устоз сифатида тан олмаслиги мумкин. Ўтмиш авлодларимиз бунни яхши билган. Хусусан, Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”ни ижод қилмасдан олдин қанча илмларни отаси ва устозларидан ўрганиб, ўз устида тинимсиз ишлаган. Натижада устозлик мақомига кўтарила олган.

Ҳақиқат шундаки, бирон киши илми онасининг қорнидан ўрганиб дунёга келмайди. Шу боис биринчи устозимиз ота-оналаримиз саналади. Улар бизга гапиришни, юришни ва яшашни ўргатадилар. Сўнг улғайган сари устозлардан илм-фан сирларини ўрганиб, ўзимизни ва дунёни англай борамиз. Аммо, афсуски, илм олишни ҳамма ҳам хоҳлайвермайди. Илм олиш йўлидаги заҳматларга ҳар ким ҳам чидайвермайди. Лекин ўқиб-ўрганмаган бўлса-да, ўзини беҳад билимдон, доно ҳисоблайдиган кимсалар ҳам топилади. Шу боис пири донишманд Румий: “Аввал илм ўрганинг, сўнг олган илмингизга амал қилинг, шундагина сиз гафлат, жаҳолат билан эмас, балки ҳушёрликда иймон-эътиқод билан умргузаронлик қиласиз”, - дея панд-ўғит беради:

Илм чун бар дил занад, ёре бувад,
Илм чун бар тан занад, боре бувад
Ёки:
Аввалаш илм аст, он гоҳе амал,
То диҳад бар баъди мўҳлат ё ажал (5, 470)
Аввал илм, сўнг амалдин наф келур,
Ёки муҳлат, ё ажалдин сўнгра ул. (5, 536)

Ҳаёт - гўзал. Унинг гўзаллигидан баҳра олиб, умрнинг ҳар бир дақиқасидан фойдаланиб, эзгулик ва яхшилик томон интилиш керак. Инсоннинг қиёфаси, покиза ахлоқи

кўпроқ унинг ширинсўзлиги ва яхши муомаласида намоён бўлади. Муомала эса тил орқали юзага чиқади. Ширин таомни ейишни кўпчилик орзу қилганидек, ақли расо кишилар кўпроқ ширинсўз билан суҳбатдош бўлишни чин юракдан хоҳлайди. Бир оғиз ширин сўз билан, душман дўстга айланиши мумкин. Ё бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Халқ шуни инобатга олиб: *“Яхши сўз билан илон инидан чиқар, Ёмон сўз билан мусулмон динидан чиқар”*, - дейди. Яъни ёмон сўз билан иймонли кимса, иймонсизга айланиб, зарар етказиши мумкин.

Бу мақоланинг бошқа бир вариантида: *“Яхши сўз билан илон инидан чиқар, Ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқар”*, - дейилади. Маълумки, илоннинг захри инсон ҳаёти учун беҳад хавфли ҳисобланади. Агар илон чақса, киши ўлиши мумкин. Аммо илонга тегмаса, у чақмайди. Лекин ёмон ва кўпол сўздан, қилич қинидан чиқиши ва бошни танадан жудо қилиши мумкин. Ҳазрат Румий шу боис кишиларни ширинсўзликка даъват этади ва ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида ўрни билан халқ мақолларига мурожаат қилади:

Ки дурушті н-ояд ин чо ҳеч коре,
Ҳам ба нармӣ сар кунад аз ғор мор (5, 472)

Таржимаси:

Бунда қўрсликмас, ҳалимлик ишлагай,
Ки ширин сўзни илон ҳам хушлагай (5,539)

Инсонга душманлик қилинишига унинг моду дунёси, донолиги, зебу зийнати сабаб бўлади. Агар шундай кишилар атрофида кибру ҳавога берилган, нодон, калтафаҳм кимсалар бўлса, душманлик қила бошлайдилар. Яъни товуснинг пати чиройли, нақшинкор, жозибадор бўлганлиги боис унга нисбатан нафс кўзи ила боқиб, душманлик қилганлари каби. Шоир қуйидаги байтларда шунга ишора қилиб ёзади:

Хун давид аз чашми ҳамчун қўи ӯ,
Душмани қони вай омад рӯи ӯ.

Ёки:

“Душмани товус омад парри ӯ”
Эй басо шахро биқушта фарри ӯ (1, 21)

Таржимаси:

Чашманинг боши кесилса, хулласи,
Боиси — мавжи, зилоли жилваси.

Ёки:

Ўз пати товусга душмандир, қаранг,
Чунки ул патнинг жилоси турфаранг (1, 14)

Кузатишлар шуни кўрсатдики, Жамол Камол улў донишманд Румий байтларини ўзбекчага ўғирар экан, таржимада унинг тайёр ўзбекча муқобилидан фойдаланиб, ўз ишини енгил адо этган. Айтайлик, тожикча: “*Кор аз кор хезад*” мақоли ўзбекчада: “*Иш ишдан чиқар*”, - тарзида ишлатилиши - маълум. Ушбу мақоллар иштирок этган Румий байтларининг таржимаси қуйидагича берилган:

Ҳар ду баҳре ошно омўхта,
Ҳар ду қон бе дўхтан бардўхта.
Гуфт: Маъшуқам ту будастӣ на он,
Лек, “кор аз кор хезад” дар қаҳон (1, 18)

Таржимаси:

Икки денгиз бирлашиб, бир бўлдилар,
Икки жон оғушлашиб, бир бўлдилар.

Маъшуқам сенсан, деди шох, ул эмас,
Иш чиқар ишдан жаҳонда ҳар нафас. (1, 10)

Булардан ташқари, китобда яна ўзбекча муқобилига эга бўлган нақд ва нася ҳақидаги: “*Нақдро аз насья хезад нестӣ*” (“*Нақдинг кетди – бахтинг кетди*”), айтилган сўз ҳақидаги: “*Тире, ки аз камон баромад, барнамегардад*” (“*Отилган ўқни*

қайтариб бўлмайди”), сўз қудрати ҳақидаги: “Оламеро як сухан вайрон кунад, рўбаҳони мурдaro шерон кунад” (“Оламни гап бузар”), донолик ҳақидаги: “Оқилонро як ишорат бас бувад” (“Оқилга бир ишора - етарли”), пушаймонлик ҳақидаги: “Пушаймонӣ надорад суд” (“Сўнгги пушаймон – ўзингга душман”), ёмон хотин ҳақидаги: “Мори бад беҳ аз ёри бад” ёки “Ёри бад бадтар бувад аз мори бад: (“Ёмон хотин - ёвдан ёмон”), дўстлик ҳақидаги “Душмани доно аз дўсти нодон беҳтар аст” (“Доно душман - нодон дўстанд яхшироқ”), зўрлик ва бойлик ҳақидаги: “Ё зар, ё зўр, ё зорӣ” (“Ё заринг бўлсин, ё зўринг”), тенглик ҳақидаги: “Кабўтар бо кабўтар, боз бо боз” (“Ўрдак ўрдак билан учар, гоз гоз билан учар”), омад ва омадсизлик ҳақидаги: “Кори девонаро Худо месозад” (“Девонанинг ишини Худонинг ўзи тўғрилайди”), вақт қадри ҳақидаги: “Мурғи бевақтхонро бояд сар бурид” (“Бевақт қичқирган хўрознинг боши кетади”), мўминлик ҳақидаги: “Мўмин оинаи мўмин аст” (“Мўмин мўминга оинадир”), меъёр ҳақидаги: “Олу чу ба олу нигарад, ранг барорад” (“Олма олмадан ранг олар”), ҳамдардлик ҳақидаги: “Ранг бину ҳол пурс” (“Ранг кўру ҳол сўр”),- каби мақоллардан маҳорат билан фойдаланган.

Румий “Маснавий”да ўзи келтираётган ҳар бир ҳикоянинг таъсирчанлигини ошириш, ундаги воқеаларни далиллаш, уларнинг ишонарлилигини кучайтириш мақсадида мақолларга бот-бот мурожаат қилган. Бу жараёнда шоирнинг сиймоси мутафаккир шахс сифатида гавдаланади. Ўқувчи ўзини беихтиёр муаллиф билан жонли суҳбатга киришгандай ҳис этади. Дилида туғилган ҳар бир савол ва муаммо ечимига жавоб топа олади. Шу сабаб Румий ижодини қирғоқсиз кенг маънавият уммонига менгзаш мумкин бўлади.

Хуллас, Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”да халқона мақолларни усталик билан қўллаш орқали ўз

фикрларининг мантиқли ва таъсирчан ифодасига эришган. Таржимони бутун истёдодини ишга солиб, бу йирик ҳажмли асарни ўз она тилига ўтириш жараёнида ўзбек тили бойлигидан унумли фойдаланган. Форсий халқ мақолларининг ўзбекча муқобилларини топиб, жой-жойида қўлагани, уларнинг ижодий таржимаси жараёнида ҳам жиддий муваффақиятларга эришгани унинг нафақат таржима соҳасидаги беназир тажрибаси, балки юксак шоирона маҳоратидан далолатдир.

“МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ” ДА ТУРКИЙ СЎЗЛАР

Ўзаро таъсир ва адабий алоқалар масаласи Шарқ ва Ғарб сўз санъати ривожининг муҳим омилларидан биридир. Анъанавий мавзу ва талқинлар, айниқса, Шарқ мумтоз адабиётида улкан ахлоқий-фалсафий масалалар таҳлилига замин яратиб, шу тариқа ўзига хос ижодий мусобақалар майдони вазифасини ўтаган. Бу фикрни муаллифларнинг ўзга тил захирасидан фойдаланиш маҳорати мисолида ҳам алоҳида қайд этиш мумкин.

Мумтоз адабиёт намуналари матнини ўрганиш ўзга тил бойлигидан фойдаланиш масаласининг икки муҳим омили мавжудлигини кўрсатади. Биринчидан, юқорида қайд этилганидек, асар муаллифи нутқида қардош бўлган ёки бўлмаган тил бойлигидан анъанавий услуб тақозоси ўлароқ эркин фойдаланилиши, иккинчидан, муаллиф яшаган ижтимоий-маърифий муҳит таъсирида бундай сўзлар муаллиф нутқига кўчган ҳолда бадиий асар матнида қўлланилиши мумкин. Қолаверса, шеъринг вазн зарурати ҳам баъзи ҳолларда бундай сўزلардан фойдаланишни заруратга айлантиргандир ҳам.

Форсий ва туркий халқларнинг муштарак адабий ёдгорлиги бўлиш “Маснавийи маънавий” муаллифи

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳали ёшлик давридаёқ форс тили билан биргаликда юнон, араб ва туркий тилни яхшигина ўзлаштирган эди. Бу ҳақда адабиётшунос олим Ҳаким Сатторий ёзади: *“Жалолиддин имкониятдан фойдаланиб, юнон ва бошқа тилларни қўшимча равишда ўрганади”*¹. Дарҳақиқат, “Маснавий”даги ҳикоят ва ривоятлар таркибида, бошқа калималар қатори, туркий сўзлардан ҳам анча кенг фойдаланилган. Бу ўринда гап туркийдан форсийга ўзлашган сўзлар ҳақида эмас, балки муаллиф нутқ захираси самараси ёки вазн талаблари туфайли айнан қўлланган сўзлар ҳақида кетаётир.

“Маснавий”да шундай ҳикоятлар борки, Мавлоно Румий уларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда турли миллат намояндалари орасидаги тил муносабатларига ишора қилиш мақсадида улар тилида мавжуд сўзларни келтиришни маъқул кўрган. Жумладан, “Тўрт йўловчи ҳақида ривоят” ҳикоятида форсча *“ангур”*, арабча *“эйнаб”*, туркча *“узум”* ва юнонча *“истафил”* сўзлари айнан келтирилади. Бундан адибнинг ўз замонаси илмини пухта ўзлаштиргани, ўз тилидан ташқари, бошқа қатор тиллардан ҳам яхши хабардор бўлгани аёнлашади.

Қуйидаги байтда муаллиф *“эшак”* сўзининг форсча *“хар”* шаклидан ташқари, ўзбекча *“эшак”* шаклини ҳам қўллаган:

Чун тафаҳхус кард аз ҳоли эшак,
Дид хуфта зери хар он наргисак (5.478)

Таржимаси:

Кўрди хотун, нафсу шаҳват қасдида,
Чўри ётмиш эрди эшшак остида (5.546)

Қуйидаги байтда эса адиб форсча *“бузург”* сўзи ўрнида ўзбекча *“улуг”* сўзини келтиради:

¹ Сатторий Х, Румий ўтган йўл // Жаҳон адабиёти. 2007, № 10.Б.- 137.

Пас Аёзи меҳрафзо барҷаҳид,
Пеши тахти он улуғ султон давид (5, 553)

Мазмуни:

Сачради, турди Аёз ҳам борди тез,
Тахт оёғига эгилди, чўкди тиз (5, 632)

Юқорида келтирилган форсий байтнинг иккинчи мисрасида Аёзнинг ҳурмат изҳор этиш ниятида улуғ султон тахти томон югурганлиги ҳақида сўз бормоқда. Таржима байтда эса “Аёзнинг тахт олдида эгилганлиги ва тиз чўкканлиги” ҳақида гапирилади. Шу туфайли форсий мисрадаги “улуғ султон” ифодаси тушиб қолиб, “тахт” сўзи ўз ўрнида ишлатилган. Бунда, таржимоннинг байт таржимасига ижодий ёндашгани кўзга ташланади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, бундан таржима қилинаётган байт зарар кўрмаган - аслиятдаги мазмун тулиқ сақланган.

Қуйидаги байтларда эса Мавлоно қадим туркий “қуч” (“қўчқор”) сўзини қўллаган бўлиб, Жамол Камол бу сўздан таржимада аслиятдагидек фойдаланган:

Он яке қуч дошт, аз пас мекашид,
Дузд кучро бурд, ҳаблашро бурид.
Чунки оғаҳ шуд, давон шуд чаппу рост,
То биёбад, к-он қучи бурда кучост? (6, 571)

Таржимаси:

Бир киши қўчқор етаклаб, эрди банд,
Ипни кесди ўғри, чалди илкидан.
Шўрлик огоҳ бўлди, чопди ўнгу сўл,
Ахтариб қўчқорни топмоқ бўлди ул (6. 653)

Келтирилган шеърӣй парчадан маълум бўладики, аслиятда “қуч” сўзи уч марта қўлланган, таржимон эса бу сўздан икки марта фойдаланишни маъқул кўрган.

Мавлоно бошқа бир ҳикоят таркибида ҳам “қуч” сўзидан кенг фойдаланган:

Уштуру гову қуче дар пеши роҳ,
Ёфтанд андар равиш банде гиёҳ.

Гуфт қуч: “Бахш ар кунем инро, яқин.
Ҳеч кас аз мо нагардад сер аз ин (6, 621)

Таржимаси:

Йўлда ҳўкиз, тева, қўчқор эрдилар,
Четда бир чимдим кўкатни кўрдилар.

Деди қўчқор: учга бўлсак, бўлмагай,
Йўқ гумон, бир кимса унга тўймагай (6, 712)

“Маснавий” муаллифи ўз мақсад-муддаосини ифодалаш жараёнида фикрининг янада таъсирчан чиқиши учун форсча сўзлардан кенг фойдаланса ҳам, баъзан шу байтнинг ўзида уларнинг туркий синонимларини ҳам қўллайди. Буни қуйидаги байтдаги “хар” ва “эшак” сўзлари мисолида яққол кузатиш мумкин:

Пеши хар хармўҳраву гавҳар якест,
Он эшахро дар дуру дарё шакест (6, 585)

Таржимаси:

Тош ила гавҳарни фарқ этмас эшак,
Дурга ҳам, дарёга ҳам этгуси шак (6, 669)

Умуман, буюк маърифатчи ва мутафаккир Жалолиддин Румий диний ва дунёвий илмлар билимдони сифатида яратган “Маснавий” тили, биз юқорида назардан ўтказган шеърий парчалар мисолида кўринганидек, жуда бой ва ранг-барангдир. Айни шу жиҳатига кўра, муаззам “Маснавий” келажақда асарнинг лисоний бойлигини ўрганишга йўналтирилган кўплаб катта-кичик тадқиқотларга манба бўлиши - шубҳасиз.

ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ВА ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ

Мустақиллик шарофати билан мумтоз меросимизни кенг ўрганишга ва оммалаштиришга, шунингдек, дунё миқёсидаги машҳур асарлар таржимасига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон халқ шоири, адабиётшунос олим ва моҳир таржимон Жамол Камол томонидан Мавлоно Жалолиддин Румий қаламига мансуб “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбек тилига тўлиқ ўтирилиши ҳамда олти жилдда нашр этилиши фикримиз далилидир. Мазкур асарнинг аслияти ва ўзбекча таржимасини қиёслаш, унинг тил хусусиятларини, ижодкорнинг бадиий маҳоратини, асарда шакл ва мазмун уйғунлигини ҳам тарихий, ҳам замонавийлик нуқтаи назаридан ўрганиш лингвопоэтика ҳамда таржимашуносликнинг муҳим вазифаларидандирки, ушбу ишимиз ҳам шу вазифаларни бажариш йўлидаги дастлабки ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, адабий таржимада ҳар бир товуш, бўғин, сўз, ибора, мисра ва байтнинг таржимасида аслият хусусиятларини сақлаш талаб қилинади. Қуйида “Маснавий” аслиятидаги тил бирликлари таржимада қай тарзда қўлланганлигига эътибор қаратамиз. Чунончи,

То намози дигар он кўдак гирист,
Шайх **дида басту** дар вай нигарист (2, 130)

Таржимаси:

Шомгача ҳолвачи йиғлаб-сиқтади,
Шайх унга қайрилиб бир боқмади (2, 142)

Аслиятдаги байтда “дида баст” ибораси қўлланилган бўлиб, унда *дида* – *кўз, қараш, кўриб туриш*; “баст” – *боғламоқ* маъноларини, иборанинг тўлиқ шакли эса “*кўз юммоқ*” маъносини англатади. Байт таржимасида эса вазн талабидан келиб чиққан ҳолда иборадан воз кечилганки, натижада байт

аслиятидан чекинилганини қўзатамиз. Байт мазмунида: “Бошқа намознинг вақти келгунча ёш гўдак йиғлади, шайх эса унинг йиғлашлари(дан кўз юмди)га эътибор бермади”, - деган мазмун мужассам. Таржимон байтни ҳикоянинг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда: “Қолва сотувчи шом намозигача йиғлаб - сиқтади, вале шайх унга бир марта ҳам боқмади”, - шаклида ўтиради. Аслида эса “Шайх ишларидан кўз юмиб, унга (яъни болага) қаради”, - бўлиши керак эди. Яна бир байт таржимасига эътибор берайлик:

Он кй чон дар рўйи ў хандад чу қанд,
Аз **туршрўйи халқаш** чй газанд? (2, 130)

Таржимаси:

Унгаким, жони қуларкан мисли қанд,
Халқ агар **бужмайтса афтин**, не писанд (2, 142)

Байт аслиятида “*туришрўй*” – (*туриш* – *нордон* ва *рўй* – *юз*) қўшма сўзи ишлатилган. Таржимон мазкур сўзнинг ўзбекча муқобили (*бужмайтса афтин*)ни топа олган ва маҳорат билан қўллаган. Кейинги байтда:

Ҳукми Яздон аз пайи он **хоммард**,
Сурати он устухонро зинда кард (2, 131),- дейилади.

Таржимаси:

Ҳукми Яздон етди ул жонсизга то,
Берди суврат, этди сўнгра жон ато (2, 144)

Аслиятдаги “*хоммард*” (*хом* – *пишмаган*; *мард* – *эркак*) бирлиги *маънавий жиҳатдан қолоқ* маъносига тенг келади. Таржимон мазкур бирлик ўрнида “*жонсиз*” сўзини қўллайдик, гарчанд, бу ўринда аслиятдан чекинилангандек кўринса-да, аслида, байтда маъноси торайган аниқланмиш сўзма-сўз таржимадан кўра ўз ўрнига мувофиқроқ ўрнашганлигига гувоҳ бўламиз.

Халқ оғзаки ижоди ҳар бир қаламкаш, қолаверса, тил имкониятларининг барча фойдаланувчилари учун бебаҳо бойлик экани ҳаммага маълум. Табиийки, бундан “Маснавий” ҳам мустасно эмас. Байт:

Донад он ақле, ки **ӯ дилравшанест**,
Дар миёни Лайливу ман фарқ нест (5,496)

Таржимаси:

Кимки **равшандил**, аёндив унга, бас,
Мен ва Лайли биттадирмиз, айрумас. (5, 566)

Аслиятда “*дилравшанест*” (*дил* – қалб ва *равшанест* – ёруғликдир) қўшма сўзи қўлланганки, бу ўзбек тилида *дили ёруғ* ёки *дили равшан* бирликларига тўғри келади. Таржимада эса бу бирлик шунчаки қўлланилмайди, қўшма сўз қисмлари алмаштирилади (*дилравшан* – *равшандил*) ва байт бўёқдорлиги оширилади.

Биламизки, ўзбек тили луғат бойлигида форс-тожик тилидан кирган сўзлар миқдори анчагина. Худди шунингдек, форс-тожик тилининг луғат таркибида туркий бирликлар кўплаб учрайдики, бу ҳар икки миллат вакиллариининг узоқ йиллик ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маиший яқинлиги натижасидир. Чунончи:

Ақл **сартез** аст, лекин пой сушт,
3-он ки **дил вайрон** шудасту тан дуруст (6,562)

Таржимаси:

Ақли ўткирдир, оёғи, пойи сушт,
Чун **кўнгил вайрон**у лекин тан дуруст (6,642)

Мазкур байтда *ақл, сушт, вайрон, тан, дуруст* сўзлари ҳар икки миллат вакилларига тушунарли эканини инобатга олган таржимон аслиятдаги сўзларни ўзбекчага ҳам айнан бериши фикримизни тасдиқлайди.

Байтда ижодкор “сартез” (сар – бош ва тез – ўткир) қўшма сўздан фойдаланганки, бу бирлик архаик бўлиб, ҳозирги адабий форс-тожик тилида деярли ишлатилмайди. Таржимон “сартез” ўрнида “ақли ўткир” шаклини маҳорат билан қўллайди. Ҳаёт қийинчиликларидан сиқилган ёки нокасларнинг фитнасидан қалби озорланган кишига нисбатан халқ “дили вайрон”, “қалби ҳувиллаган”, “таъби хира”, “дили озорланган” каби қатор бирликларни ишлатади. “Маснавий” таржимасида эса “дил вайрон” ўрнида “кўнгил вайрон” ибораси қўлланади ва аслиятдан ибора таркибидаги “дил” сўзи ўрнида “кўнгил”ни қўллаб, ҳам вазн талабларини баҳрадади, ҳам моҳият бутунлигини сақлайди.

Хулоса шуки, “Маснавий” байтлари таржимон томонидан ўрни келганда айнан, кези келганда ижодий таржима қилинган, асосийси, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ижодий меросидан ўзбек китобхонлари баҳраманд этилган.

“Маснавий” – инсоният учун маънавий дурдона, уни қанча кўп ўргансак, хидма-хил шакллардаги (сўзма-сўз ёки ижодий) таржималарини амалга оширсак, замондошларимиз ҳамда келажак авлод учун эзгу иш қилган бўламиз.

ИККИ БОШЛАНМА БАЙТ ТАРЖИМАСИ

“Маснавий” бошида қуйидаги икки байт келади:

Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз ҷудоиҳо шикоят мекунад.

К-аз найистон то маро бубридаанд,
Аз нафирам марду зан нолидаанд.

Аслиятдаги мазкур сатрлар билан ўзбекча таржимани қиёслар эканмиз, иккинчи байтнинг иккинчи мисрасидаги *“марду зан”* бирикмаси Одам Ато ва Момо Ҳавога ишорадир, деган фикрга келдик. Чунки жаннатдек муқаддас даргоҳдан қувилган инсон, бир умр меҳнату машаққат тортиб, ғаму андуҳга гирифтор бўлган кишининг аҳволини кўз ўнгингизга келтиринг. Ёки оддий қилиб айтсак, ҳар томонлама моддий ва маънавий жиҳатдан тинч бўлган киши бирданига ҳаммасидан маҳрум бўлса, қандай ҳолатга тушишини бир тасаввур қилиб кўринг. Шулардан келиб чиқиб, Қуръони каримга мурожаат қилдик:

“Аъроф” сурасидаги 23-оятда шундай дейилади: “Иккиси айтдилар: *“– Эй Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз”*”. Шу суранинг кейинги 24-оятида: “(Аллоҳ) деди: *“Бир -бирингизга нисбатан душман бўлган ҳолингизда (жаннатдан) тушингиз! Сизлар учун (маълум) вақт (ажалингиз етгун)гача Ерда қарор топиш ва фойдаланиш (бордир)”*”, ёки 25-оятида: “(Яна) деди: *“ Унда яшайсиз, унда ўлурсиз ва ундан (охиратда) чиқарилурсиз”*”²¹ жумлаларни ўқиймиз.

Агар форсча матнларнинг ўзбекча вариантларини иккинчи байтнинг иккинчи мисраси асосида назардан

²¹ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. . – Т.: 2009. – Б 153.

ўтказсак, Алибек Рустамов “*эр-хотин*”, Асқар Маҳкам “*марду аёл*”, Сулаймон Раҳмон “*эркагу аёл*”, Вазира Шодиева “*эркак аёл*” тарзида қўллаганига гувоҳ бўламиз. Жамол Камол эса мазкур ифодани “*эл*” тарзида ўгирган.

Модомики, “*Маснавий*” да сура ва оятлар изоҳ топган экан, *дастлабки тўрт таржима аслият билан мос келади*, дейиш мумкин. Қолаверса, Бобораҳим Машраб “*Найнома*”нинг иккинчи мисрасини таржима қилмасдан, аслиятини келтириб, шарҳ берган. *Ундаги қуйидаги байт тўртала таржимонларимизнинг фикрини тасдиқлайди*, деб ўйлаймиз:

Жанги Азроилға тушти қолибим,
Бўлди пайдо ман учун рўзу шабим.

Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатда кечаю кундуз роҳат-фароғатда, ҳеч бир меҳнату машаққатсиз умр ўтказар эдилар, чунки жаннатда Аллоҳ барча нарсаларни муҳайё қилиб қўйган эди.

Биз найистон боғидин бўлдук жудо,
Жисмий хокий бизга бўлди ошно.

Хоки топти руҳимизга жинсият,
Обу оташ келди, қилди тарбият...

Юқорида келтирилган байтлар форсча матндаги: “*Аз нафирам марду зан нолидаанд*”, - мисраси моҳиятини яққол очишга хизмат қилади. Бинобарин, қамиш кесилгач, яъни Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатдан ихрож қилингач, уларга Ердаги машаққатли, синов ва имтиҳонларга тўла ҳаёт тақдир қилиндики, бу имтиҳонлардан инсоният аҳли ҳали-ҳануз ўта олмай, фарёду фиғон чекмоқда, афсус-надомат ичра ўртанишда давом этмоқда.

Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз ҷудоиҳо шикоят мекунад.

К-аз найистон то маро буридаанд,
Аз нафирам марду зан нолидаанд.

Бобораҳим Машраб таржимаси:

Англағил, най не ҳикоятлар қилур,
Ким жудолиғдин шикоятлар қилур.

Най вужуди орифи биллоҳдур,
Чикса найдин ҳар садо, доно билур.

Ҳар замон найдин чиқар савту садо,
Бас, қулоқ солинг, бориси бир нидо²²

Форс-тожик тилида “*шинав*” (“*тингла*”), “*бишинав*” (“*тинглагил*”, “*эшит*”, “*қулоқ сол*”) сўзлари мавжуд. Кўринадикӣ, “*Маснавий*” “*бишинав*”нинг вазн тақозоси билан қисқарган шакли, яъни “*бишинав*” (“*тинглагил*”) мурожаати билан бошланади. Бобораҳим Машрабнинг “*Маснавий*”га татабуу тарзида яратилган “*Мабдаи нур*” асарининг биринчи байти Мавлоно манзумасидаги илк байтининг ўзига хос таржимасидир.

Маълум бўладики, Машраб байтнинг биринчи сўзи – “*бишинав*”ни ўзбекчада “*англағил*” тарзида келтирган. “*Англағил*” сўзи “*тушун, ўйлаб ол*” каби маъноларни билдиради. Мавлоно эса “*тингла*”, “*эшит*” дея нидо қилган. Демак, Мавлоно назарда тутган фикр Машраб томонидан ҳам маъқулланган ва ривожлантирилган. Иккинчи мисрадаги “*ҷудоиҳо*” сўзи аслиятда қандай бўлса, шундай ўгирилган.

Алибек Рустамов эса байтдаги илк сўзни, яъни “*бишинав*”ни унинг яна бир шакли бўлмиш “*шинав*” – “*тингла*” тарзида ўгиришни маъқул кўрган. Унинг

²² Бобораҳим Машраб. Мабадаи нур. Нашрга тайёрловчи: Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ. – Тошкент: Фан, 1994. -Б. 36.

таржимасида, ҳам иккинчи байтдаги “*ҷудоиҳо*” сўзи аслиятдаги маънода қўлланган. Фақат бунда қўшимчаларнинг “-лик” ва “-тин” шаклида қўлланиши кузатилади:

Тингла найни, не ҳикоятлар қилур,
Ул жудоликтин шикоятлар қилур²³

Иккинчи байтдаги “*к-аз*” “-то” шаклида, “*найистон*” – “*қамишлиқтин*” тарзида берилган бўлса, “*маро*”, яъни “*мени*” сўзи мисра моҳиятига сингдириб юборилган. Байтнинг иккинчи мисрасидаги “*нафирам*” сўзи “*Фарҳанги забони тожики*”да “*сурнай, най; дод, фарёд, фигон, гулгула*” маъноларида изоҳланган²⁴. Алибек Рустамов сўзнинг иккинчи маъносига суянган ва “*дод, фарёд*”ни “*ун*” (“*товуш*”, “*овоз*”) ёрдамида ифодалашга эришган:

То қамишлиқтин кесилгандин буён,
Унутма эр-хотин айларлар фигон.

Учинчи таржимон Асқар Маҳкам эса байтнинг биринчи сўзини аслиятга мос – “*тинглагил*” тарзида ўтирган. “*Мекунад*” сўзи Бобораҳим Машраб ва Алибек Рустамовда радиф “*қилур*” шаклида берилган бўлса, учинчи таржимонимиз бу сўзни “*айлагай*” тарзида қўллашни ўринли деб билган. Байтнинг иккинчи мисрасидаги “*ҷудоиҳо*” биринчи ва иккинчи таржималарда айнан ўтирилган бўлса, Асқар Маҳкам унинг ўзбекча варианты бўлмиш “*айрилиқлардан*” сўзини қўллашни маъқул кўрган. Бироқ аслиятдаги “*найистон*”нинг айнан келтирилганлиги, бизнингча, китобхонга мушкулот туғдириши мумкин:

²³ Алибек Рустамов. Сўз хусусида сўз. – Тошкент., 1987. – Б.160.

²⁴ Фарҳанги забони тожикий. 1 жилд. М.: “Советская энциклопедия”, 1969. – Саҳ. 839.

¹⁵ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Қуллиёт. Таржима шарҳи билан. Таржимон ва шарҳ муаллифи Асқар Маҳкам. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. –Б. 29

¹⁶ Жалолиддин Румий. Маснави маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент:Фан, 2005.

Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,
Айрилиқлардан шикоят айлағай.

Ким найистондан мени то кесдилар,
Ҳасратимдан мард-аёл дод этдилар.¹⁵

Кўринадики, иккинчи байтдаги “маро”, “буридаанд” сўзлари “мени”, “кесдилар” тарзида аслига мувофиқ ўтирилган. Иккинчи мисрадаги “нафийрам”нинг “ҳасратим” тарзида таржима қилиниши ҳам ўзини оқлайди. Чунки “ҳасрат” сўзи ҳам “дод”, “фарёд”, “фигон” сўзлари билан маънодошдир. Фақат “кесдилар” сўзига “этдилар” сўзи қофиядош бўлиб келган.

Тўртинчи таржимон – Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан амалга оширилган таржиманинг биринчи байтида Асқар Маҳкам билан фикрдошлик кўзга ташланади:

Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,
Айрилиқлардан шикоят айлағай¹⁶

Бироқ иккинчи байт таржимасида ўзгача услуб жиолари намоён бўлади. Таржима байтдаги қамишнинг кесиб келтирилиши, ундан най ясалиши ва най овозини эшитган одамларнинг ўртаниши, фигон чекиши ўзига хос сюжет-манзарани юзага келтирган. Аввалги таржимонларда “ун”, “ҳасрат” шаклида келган “нафир” эса Жамол Камолда “нолиш” тарзида ўтирилган ва най ноласига ишора ниҳоят ўз ўрнини топган:

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдин эл ҳама ўртандилар.

Жамол Камол биринчи байтнинг учинчи таржимонимиз Асқар Маҳкам билан фикрдош тарзида

таржима қилган. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Жамол Камол 1994 йили нашр этилган “Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман” номли китобда “Маснавий”дан бир қанча ҳикоятларнинг ўзбекча таржимасини келтирган эди. Шуни ҳам айтиш лозимки, мутаржимнинг аввалги ва кейинги таржималарига эътибор берилса, юқоридаги икки байт мисолида анча фарқ кўзга ташланади. Ҳаёт — дарсхона, деганларидек, тажрибали шоир кейинги таржималарини янгича нигоҳ, пухта тайёргарлик билан адо этган.

Жамол Камолнинг илк таржимасида:

Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардан шикоятлар қилур.

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Санчилур, деб таънага ўлдирдилар.¹⁷

Жамол Камолнинг кейинги таржимаси:

Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдин эл ҳама ўртандилар.

Бугунги кунда мустақил юртимизда истеъдодли ёшлар улғайиб, барча соҳаларда ўзларининг имкониятларини синаб кўрмоқдалар. Шулардан бири ёш таржимон Вазира Шодиева ҳам “Маснавий”нинг шоҳ байтларини ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилган.

¹⁷ Жалолиддин Румий. Учмоққа қанот йўқ вале учгайман: Ривоятлар ва рубоийлар. Форсийдан Жамол Камол таржимаси; Сўнгсўз муаллифи. Тоҳир Қаҳҳор. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994, -Б 3-4.

Вазира Шодиева таржимаси:

Англагил, най не ҳикоятлар қилур,
Ул жудолиқдин шикоятлар қилур.
Айлагач айро найистондин бу дам,
Тинглади эркак-аёл ҳасрат-ла ғам.

Ёш таржимон биринчи байтни ҳазрат Бобораҳим Машраб ва олим Алибек Рустамовлар анъаналарини сақлаган ҳолда ўзбекчага ўтирган. Аммо иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги “найистон” сўзини шоир-таржимон Асқар Маҳкамдек ифодалаган бўлса, “*нафирам*” сўзини “*ҳасрат-ла ғам*” тарзида таржима қилган. Қўпчилик талқинларга кўра: “*Қамиш найистондан айро тушганда эркагу аёл дод-фигон кўтардилар ва нола қилдилар*”, дейилса, Вазира Шодиева: “*Қамиш найистондан айро тушганда эркагу аёл ҳасрат ва ғам тўла фарёдни эшитдилар*”, шаклида тақдим этган.

XX асрнинг 80-йилларида адабиётшунос Нажмиддин Комилов шоир Сулаймон Раҳмонга “Маснавий”ни таржима қилишни маслаҳат берганда у рад қилган экан. Орадан бир-неча йиллар ўтгандан сўнг шоирнинг қалбида “Маснавий”ни таржима қилиш туйғуси пайдо бўлади. Изланишлар натижасида гувоҳ бўлдики, шоир Сулаймон Раҳмон ҳам “Найнома”ни ўзбекчалаштирган экан. Шунини инобатга олиб, Бобораҳим Машраб, Алибек Рустамов, Жамол Камол ҳамда Вазира Шодиевадан сўнг зикри ўтган таржимоннинг бу соҳада амалга оширган ишини ҳам қиёс майдонига тортишни маъқул кўрдик.

У биринчи байтнинг биринчи сўзини “*тингла*” тарзида беради. “Тингла” оддий бир таъкид ё буйруқ бўлса, Румий қаттиқроқ тарзда “*бишнав*”, яъни “*тинглагил*” деб фикрини баён этган. Юқорида номлари қайд этилган таржимонлар “най не ҳикоятлар” тарзида келтирган бўлса, Сулаймон Раҳмон бунини “*най нелар ҳикоят*” шаклида ифодалаган.

“Мекунад”ни аввалги мутаржимлар “қилур”, “айлагай” тарзида ўтирган бўлсалар, Сулаймон Раҳмон “айлар” шаклида ўзбекчалаштирган. Шунингдек, байтдаги “аз”ни “қай”, “чудоиҳо”ни “айролиқлардан” шаклида келтиришни лозим кўрган. Хуллас, байтдаги мазмун ва шаклни аслиятга яқин тарзда ифодалашга уринган.

Сулаймон Раҳмон таржимаси:

Тингла, най неларни ҳикоят айлар,
Қай айролиқлардан шикоят айлар.

Иккинчи байтдаги “к-аз” истеъмолдан тушиб қолган бўлса ҳам, таржимон моҳирлик билан, бешта сўз мазмунини иккита сўз билан бериб, мисра таржимасини амалга оширган. “Найистон”ни – “қамишзоримдан” тарзида, “маро” сўзини “мени” тарзида, “буридан”ни эса “кесди” шаклида келтирган.

Сулаймон Раҳмон ўзбек тили бойлигидан моҳирлик билан фойдаланиб, форсча “дод”, “гиря”нинг ўзбекча муқобилини, яъни “ийғлаш”ни қўллаган. Шунингдек, мутаржим “зор” сўзини келтирганки, мазкур сўз *фигон*, *илтижо* маъносини ифодалайди. Таржимадаги яна бир жуфт сўз “марду зан”дир. Шоир унинг “эркагу аёл” деган ўзбекча муқобилини қўлаш орқали аслиятдаги мазмун ва шакли сақлай олган:

Мени кесдилару қамишзоримдан,
Зор йиғлар эркагу аёл зоримдан.

Шубҳасиз, “Маснавийи маънавий” – беқиёс уммон. Бу уммонга юзланган ҳар бир китобхон унинг бағрида минглаб маъно мўъжизаларини илғашни муқаррар. Истеъдодли таржимонларимиз саъй-ҳаракатлари эса бу жараёнда китобхонларимизнинг мушқулини осон қилишда кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда.

БИР ҲИКОЯТНИНГ БИР НЕЧА ТАЛҚИНИ

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” си форсий адабиёт тараққиётига баракали таъсир кўрсатиши билан бирга, безавол жаҳоншумул асар сифатида Шарқ ва Ғарб адабиётининг камол топишига ҳам сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Асарнинг бошқа кўплаб миллат ва элатлар маънавий оламига кириб боришида таржима муҳим кўприк бўлиб хизмат қилаётир.

“Маснавий” ҳикоятлари дунёнинг қатор тилларига таржима қилинган. Биз ушбу мақолада “Маснавий” дан ўрин олган “Наҳвий ва кемачи ҳикояти”нинг таржимон В. Державин, шоирлар М. Али, Ж. Камол ҳамда ёш таржимон З. Очиловалар томонидан амалга оширилган таржималарини қиёслаб чиқишни мақсад қилдик. Айтиш керакки, М. Али, В. Державин, З. Очиловалар ҳикоятнинг фақат олти байтини ўтирганлар, хулоса қисми тушириб қолдирилган. Шунга кўра, биз ҳам ҳикоят мазмун - моҳиятини ўз ичига олган олти байт аслияти ва таржималарини қиёслаш билан чекланамиз.

“Наҳвий ва кемачи ҳикояти” (Жамол Камол ҳикоят сарлавҳасини шундай таржима қилган) ахлоқий-маърифий руҳдаги бадиий лавҳалардан биридир. Унда худбинлик ва манманлик, бошқа касб эгаларини тан олмаслик, ўзини ҳаммадан билимдон, доно ҳисоблаш, кибрга берилиш танқид остига олинган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ҳадисларидан бирида: *“Ким ўзини буюк санаса, Аллоҳ уни кичрайтиради. Ким тавозеъ кўрсатса, Аллоҳ уни юксалтиради”* дейилади¹. Мавлоно Жалолиддин Румий келтирган мазкур ҳикоятда Аллоҳ тилшунос олимни, Расулудлоҳ (с. а. в.) айтганларидек, кибр-ҳавога берилганлиги боис

¹ Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. (Илм китоби). Биринчи китоб. - Тошкент: 2003. –Б. 112.

кичрайтиради (паст даражага тушириб қўяди). Ҳикоятнинг аслияти:

Он яке наҳвӣ ба киштӣ дарнишаст,
Рӯ ба киштибон ниҳод он худпараст.

Гуфт: “Ҳеч аз наҳв хондӣ? Гуфт: “Ло”,
Гуфт: “Ними умри ту шуд дар фано”.

Дилшикаста гашт киштибон зи тоб,
Лек он дам кард хомуш аз ҷавоб.

Бод киштиро ба гирдобе фиканд,
Гуфт киштибон бад-он наҳвӣ баланд:

“Ҳеч донӣ ошино кардан? Бигӯ”,
Гуфт: “Не, эй хушҷавоби хубрӯ!”

Гуфт: “Кулли умрат, эй наҳвӣ фаност,
З-он ки киштӣ ғарқи ин гирдобҳост” (1.88)

Мазкур ҳикоят сарлавҳаси В.Державин томонидан “Спор грамматика с кормчим” тарзида таржима қилинган. Ҳикоятнинг биринчи мисраси рус тилига деярли сўзма-сўз ағдарилган. Иккинчи мисрада “*рӯ ба киштибон ниҳод*” гапи “*кормчего спросил*” тарзида таржима қилинганки, асл матнда бу ифода “*кемачига қаради*”дир. Таржимада иккинчи ва учинчи байтлар аслият мазмунига мос тарзда берилган. Тўртинчи байтнинг иккинчи мисрасида “*бледный грамматик*” ифодаси қўлланган. Бундай маънога эга сўз ёхуд ибора аслиятда кўзга ташланмайди. Аммо бу ўринда таржимоннинг кўркувдан ранги қочган (оқарган) тилшунос ҳолатини тасвирлаш учун айнан шундай ифодадан фойдаланганини тўғри тушуниш мумкин. Назмий ҳикоятнинг қолган байтлари аслиятга мосдир. Қофиялар рус тили бойлигидан фойдаланилган ҳолда моҳирлик билан

қўлланган. Мисраларнинг байтлар тартибида келтирилиши, кўчирма гапларнинг зарур тиниш белигилари билан ажратилиши ҳам асар аслиятига кўпроқ суянилганидан далолат беради:

*Однажды на корабль грамматик сел ученый,
И коромчего спросил сей муж самовлюбленный.*

*“Читал ты синтаксис?” “Нет” – кормчий отвечал,
“Полжизни жил ты зря!” – ученый муж сказал.*

*Обижен тяжело был кормчий тот достойный,
Но только промолчал и вид хранил спокойный.*

*Тут ветер налетал, как горы, волны взрыл,
И кромчий бледного грамматика спросил:*

*“Учился плавать ты?” Тот в трепете великом,
Сказал: “Нет, о мудрец совета, добрый ликом”.*

*“Увы, ученый муж! – промолвил мореход. –
Ты зря потратил жизнь: корабль ко дну идет!”⁴*

Муҳаммад Али таржимасида ҳикоят номи тўлиқ келтирилмаган ва таржимон сарлавҳа ўрнида “Нақл” дея қайд этиш билан чекланган.

Биринчи байт аслиятида *“бир тилишунос кемага ўтирди”* дейилган бўлса, Муҳаммад Али уни *“машҳур тилишунос”* дея талқин қилган. Иккинчи мисра аслиятида *“тилишунос кемачига юзлангани”* айтилса, таржимон, бу ҳолатни *“даргадан сўради”* тарзида ўтирган:

*Кемага чиқди бир кун машҳур олим, тилишунос,
Ва даргадан сўради мағрурлиги беқийс⁴*

⁴ Муҳаммад Али. Сайланма. Шеърлар, дostonлар, шеърый роман ва таржималар. Тошкент: Шарқ, 1997. –Б. 438. (Бундан кейин шу манбадан олинган шеърый парчалар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

Жамол Камол мазкур байт таржимасида аслиятдаги вазн ва мазмунни сақлаб қолишга эришган:

*Келди наҳвий, кемага ўлтирди, бас,
Кемачига юзланиб ул худпараст (1, 93)*

Иккинчи байтда тилшунос олим кемачидан: “Наҳв – синтаксисни ҳеч ўқиганмисан?” - деб сўрайди. Муҳаммад Али таржимасида “наҳв” сўзи ёнига “сарф”, яъни “морфология” сўзи ҳам қўшилганки, бизнинг фикримизча, таржимон интерпретациялаш йўлидан борган.

“Сарф-наҳв”ни ўқурсен?” “Йўқ...” – деди дарға ночор.

Олим дер: “Ярим умринг, афсус, кетибди бекор!” (1, 438)

Жамол Камол бу байт таржимасида ҳам аслиятга мос оҳанг ва кайфиятни сақлаб қолишга интилан. Ҳатто, тушунилиши қийин бўлган арабча “ло” (“йўқ”) сўзини ҳам айнан келтирган. Бу жараёнда аввал шу сўз учун келтирилган изоҳ ва ўқувчининг руҳий-маънавий тайёргарлиги инобатга олинганига шубҳа йўқ:

Деди: ҳеч наҳв ўқидингму? Деди: ло.

Деди: умринг ярми топмишдир фано (1, 93)

Учинчи байт талқинида Муҳаммад Алининг ижодий ёндашуви яққол сезилади. Таржимон тилшуноснинг саволига жавоб беролмаган кемачини “мустаҳиқ баҳодир” деб атайди. Ҳикоятнинг аслияти билан танишган китобхон кўз ўнгида ҳам кемачи тилшуносдан кўра босикроқ ва мулоҳазакорроқ киши сифатида гавдаланади. Унинг кибрга берилган тилшунос олдида мардона сукут сақлаши, дарҳақиқат, баҳодирлик эди:

*Бу гап дарға кўнглига ботган бўлса-да оғир,
Аммо оғиз очмади ул мустаҳиқ баҳодир. (1, 438)*

Жамол Камол эса байт таржимасида “Маснавий” муаллифи сўзларини ўзбекча каломда қайта ифодалаш билан чекланган:

*Кемачининг кўнгли ўксинди шу тоб,
Ўзни тийди, этмади унга жавоб. (1, 93)*

Қолган байтлар таржимасида ҳам икки истеъдодли шоирнинг ўзига хос услуб қирралари намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, биргина ҳикоят таржимасига вақт ва куч сарф этгани боис шоир Муҳаммад Али шеърӣ ҳикоят бадииятига алоҳида диққат қаратган. Бу бадиият жиолари таржима-ҳикоятдан олинадиган умумий таассурот ҳамда шоир томонидан қўлланган ҳиссий-таъсирчан бўёғи кўпроқ бир қанча сўзлар (“титраб”, “омон бўлгур бир умр”, “минг афсус”, “донишманди замона”, “мўътабар”, “баҳодир”) мисолида яққол намоён бўлади:

*Тўлқинларни гиж-гижлаб ногоҳ қутурди бўрон
Ва мўътабар олимдан дарга сўради шу он:*

*“Билармусен сузишни?” Титраб олим қурмагур –
Деди: “Билган эмасдим, омон бўлгур бир умр!...”*

*Денгизчи дер: “Минг афсус, донишманди замона!
Умринг елга кетибди: кема чўкмоқда мана!” (1, 438)*

Ҳар икки таржимон аслиятдаги шеър оҳанги, бадииятини сақлаб қолишга уринган. Бу ҳолат асл матндаги қофияланиш тизимининг айнан такрорланишида намоён (а-а; б-б) бўлади. Бироқ Жамол Камол таржимасида мисра тузилиши ва қофияланиш шакли билан бирга, “Маснавий” вазнининг ҳам сақлаб қолингани диққатга сазовор:

*Ел туриб, денгизга солди гулгула,
Кемачи сўрди баланд овоз ила:*

*Ҳеч билурмисен сузишни, сўйлагил.
Йўқ, бу ишдин беҳабармен, деди ул.*

*Деди: Сен гирдобга боқ, эй ошно,
Кулли умринг энди топгайдир фано (1, 257)*

Муҳаммад Али ҳикоятнинг якунловчи мисрасини: *“Умринг елга кетибди: кема чўкмоқда мана!”* тарзида ўгириб, олим умрининг беҳуда сарфланганига урғу берган. Русча таржима муаллифи ҳам мисрани *“Ты зря потратил жизнь: корабль ко дну идет!”* тарзида ўтирган ва олим умрининг зое кетганига ишора қилган. Жамол Камол эса мисрани аслиятдаги айрим сўзларни айнан келтириш орқали: *“Кулли умринг энди топгайдир фано”* тарзида таржима қилган. Бироқ бу ҳолатда, таржимон-шоир ўз мақсадига эришган, деб бўлмайди. Бунга, шубҳасиз, вазн талаби билан қўлланган *“энди”* ва *“топгайдир”* сўзлари сабаб бўлган. Зеро Мавлоно *“бутун умринг зое кетибди”* демоқчи, *“энди бутун умринг зое кетади”* демоқчи эмас.

Ҳикоят наср йўли билан ёш таржимон З. Очилова томонидан таржима қилинган, номланиши *“Тилшунос ва қайиқчи”* дир. Ҳикоят мазмуни қуйидагича ўзбекчалаштирилган:

“Бир кун мағрур тилшунос соҳилда турган қайиқча миниб нариги қиргоққа ўтмоқчи бўлди. Соҳилда йўловчи кутиб турган қайиқчилардан бирига юзланди. Қайиқ яқинлашди. Олим қайиқча ўтирди. Денгизни томоша қилиб кетаётган олим қайиқчидан сўради:

– Сен ҳеч наҳв (грамматика) ўқиганмисан?

– Йўқ! Мен жоҳил бир қайиқчиман.

Олим:

– Э воҳ, жуда хафа бўлдим. Демак, ярим умринг беҳуда ўтибди, – дея ачиниб қайиқчига қаради.

Шу вақт довул турди. Қайиқ денгизнинг ўртасида чайқала бошлади, қайиқчи бутун кучи билан хавфдан қутулиш учун ҳаракат қилди. Бўрон борган сайин кучаяр, қайиқ эса чўкиш арафасида эди. Шу вақт қўрқувдан дир-дир титраётган олимдан қайиқчи сўради:

– Эй, ҳар нарсани билган олим дўстим. Сузишни биласанми?

– Йўқ! – жавобини олган қайиқчи:

– Воҳ, воҳ, сен умрингни беҳуда сарфлабсан. Ҳозир бутун умринг кетди. Чунки бироздан кейин қайиғим чўқади. Яхши билгинки, бу ерда ҳозир наҳв (грамматика) эмас, маҳв илми лозим. Агар маҳв илмини билсанг, қўрқмасдан денгизга сакра! – деди”⁶.

Мазкур таржима мазмуни аслиятга мос келади. Лекин таржима жараёнида баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, тилшуноснинг: “Сен ҳеч наҳв (грамматика) ўқиганмисан?” деган саволига кемачининг: “Йўқ! Мен жоҳил бир қайиқчиман”, дея жавоб қайтариши матн талабига ҳам, одатий суҳбат мантиқига ҳам зиддир. Тўғри, “жоҳил” сўзи айрим маънода авомликни, саводсизликни билдиради. Бироқ унинг ўрнига “саводсиз” ёки “ўқимаган” сўзлари қўлланса, мантиқдироқ бўлар эди. Бундан ташқари, аслиятдаги учинчи байт (*Дилишикаста гаши т киштибон зи тоб, Лек он дам кард хомуш аз чавоб*, яъни тилшуноснинг бу жавобидан кемачининг кўнгли ўксиди, лекин кемачи ўзини тийди, унинг саволига жавоб бермади) мазмуни таржимада ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, “Ҳозир бутун умринг кетди”,- жумласи ҳам мантиқсиздир. Чунки аслиятда икки ҳамроҳ саргузашти: “Бутун умринг зое кетибди” дея ниҳоясига етади.

⁶ Жалолиддин Румий. “Маснавий”дан ибратли ҳикоялар. Тошкент: Мухаррир, 2008. - Б. 18.

Насрий таржима муаллифининг ҳикоятни: *“Яхши билгинки, бу ерда ҳозир наҳв (грамматика) эмас, маҳв илми лозим. Агар маҳв илмини билсанг, қўрқмасдан денгизга сакра!”* - жумласи билан якунига етказиши ўзини оқлайди. Зеро, жуда кўп ҳикоятлар мисолида кузатилганидек, Мавлоно Румий ҳар бир ҳикоятнинг (жумладан, “Наҳвий ва кемачи ҳикояти”нинг ҳам) якунловчи байтига алоҳида диққат қаратган, унга алоҳида мазмун юклаган. Бу билан ҳазрат байтнинг мурожаат қилинган воқеа-ҳодиса ҳақидаги ўз шахсий мулоҳазаларини баён этиши учун дарвоза вазифасини ўташини назарда тутган.

Луғатда *“маҳв”* сўзининг *“йўқ қилиш, тугатиш, йўқ бўлмоқ, битмоқ”* каби маъноларни англатиши қайд этилади⁷. *“Билагонлик ўз йўлига. Бу хатар олдида наҳви билишинг фойдасиз, балки маҳв илмидан бөҳабарлигинг иш беради”*, демоқчи бўлади кемачи ўз танбеҳи билан. Табиийки, кемачи (ўз навбатида, муаллиф ҳам) бу сўзи билан ўлимга ҳозирлик ҳақиқатидан огоҳ этмоқда. Пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг: *“Ўлмасдан бурун ўлинг”*, деган ҳадислари моҳиятидан хабардор киши ўлимни бўйинга олиш мўминнинг чин фазилати эканини яхши билади. Демак, *“Маснавий”* муаллифи кемачи ва тилшунос баҳсини акс эттириш баҳонасида ўша ҳадисга ҳам ишора қилган.

“Маснавий” дан олинган мазкур ҳикоят ва унинг ўзбек тилига қилинган назмий ва насрий таржималари ана шу огоҳлик ғояси билан тўйингани боис ўзбек китобхони томонидан илиқ кутиб олинishiга, Мавлононинг умумбашарий фикр-мулоҳазалари асрлар оша ҳаётга татбиқ этилишига шубҳа йўқ.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 573-бет.

ТАРЖИМАДА ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ

Ҳар бир етук бадиий асар шакл ва мазмуннинг ўзаро мутаносиб тарзда майдонга чиқиши маҳсулидир. Адабиёт намуналарининг бу хусусиятини таржимада қайта яратиш таржимон олдига қўйилган асосий шартлардан бири ҳисобланади. Зотан, таржима жараёнида фақат мазмунга эътибор берилса, шаклдан узоқлашилади, фақат шаклни сақлаш йўлидан борилса, мазмундан четлашилиши - муқаррар. Бу жараёндаги мўътадилликни сақлаш зарурати таржимондан нафақат амалий тажрибани, балки чуқур назарий тайёргарликни ҳам талаб этади. Айниқса, тил ҳодисалари, унинг ўзига хос қонун-қоидалари, таржима қилинадиган асар муаллифининг ижодий услубидан пухта хабардор бўлиш лозим. Акс ҳолда, таржимада аслиятдаги шакл, мазмун ва руҳни бериш муаммога айланади. Бу хусусда таржимашунос Г. Гачечиладзе ёзади: *“Шундай деб таржима шунинг учун ҳам санъатки, унда шакл ва мазмун бири-биридан ажратилган ҳолда эмас, балки бир бутун ҳолда қайта яратилади... Таржимон оригиналга мос шакл ва мазмун бирлигига эришиши лозим”*¹.

Биз ушбу фаслда бу соҳадаги изланишларнинг Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”си таржималари жараёнида кўзга ташланган ҳосилалари хусусида фикр юритишни мақсад қилдик.

Маълумки, мумтоз ва замонавий адабиётшуносликда катта ҳажмли лиро-эпик асарлар яратиладиган шеърӣ шаклни “маснавий” деб юритиш урфга айланган. Маснавий – қўшалоқ, иккилик, икки мисрали шеър шаклидир. Маснавийда ҳар бир байт мисралари ўзаро қофиядош бўлади, шу тариқа қофиялар байтдан байтга янгиланиб

¹ Иқтибоснинг бу ўзбекча таржимаси қуйидаги нашрдан олинди. Мусаев Қ. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. Тошкент: Ўқитувчи, 1976. Б. 41.

боради. Бундай шеърӣй шаклда яратилган асарлар таржимаси таржимон зиммасига ана шу мураккаб ва силсилавий жараёни тўла тасаввур этиш ва бадиий шаклда ифодалаш масъулиятини юклайди. Атоқли олим ва таржимон Шоислом Шомуҳаммедов “Шоҳнома” таржимаси ҳақида сўз юритар экан, шундай деб ёзади: *“Шарқ шеъриятида байт шеър бирлиги ҳисобланади. “Шоҳнома”да эса ҳар бир байт жуда пишиқ қурилган иморат бўлгани туфайли, биз таржимани байтма-байт олиб бордик ва ҳар бир байтга тугалланган асардек қараб, унинг ўзбекчада бутун бадиий ва маъновий хусусиятларини чиқаришга ҳаракат қилдик”*². Шундай фикрни Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари таржималари хусусида ҳам айтиш мумкин.

“Маснавий” муаллифи ҳикоя ичида ҳикоя келтирар экан, баъзан лирик чекинишлар қилиб, ўз қарашларини ифодалаш мақсадида ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бир қанча масалаларга ҳам мурожаат этади, шу тариқа ўқувчини теран мулоҳазага чорлайди. Ҳаётда нима яхши ва нима ёмон, мақсадга етиш учун нималар қилиш керак ва ҳоказо масалалар шулар жумласидандир. “Маснавий”да, жумладан, жамиятдаги тақлидчи кимсалар такрор-такрор танқид остига олинган. Шундай бадиий лавҳалардан бири “Баққол ва унинг тўтиси ҳақидаги ҳикоят”дир. Мазкур ҳикоят ҳақида мулоҳаза юритган таржимашунос олим Нажмиддин Комилов шундай ёзади: *“Худди эшагини йўқотган сўфий ҳикоятида бўлганидай, бу ерда ҳам тақлидчилик танқид қилинади (тўти – тақлидчилик тимсоли эканини унутмайлик). Бироқ бу ҳикоятда масала бошқа жиҳати билан қўйилади: тўтининг ўзини кал одамга қийёслаши ноўрин қийё, ноўрин ўхшатиш сифатида талқин қилинади. Баъзилар назарида барча одамлар баробар; чунки шаклу шамойиллари ўхшаш. Ҳолбуки, бу*

² Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Тошкент, 1978. 193-бет.

хато, деб таъкидлайди Румий”³. Демак, ҳикоятдаги тўти шунчаки тақлидчи тимсоли эмас. Бу образ воситасида “Маснавий” муаллифи ўзига ортикча баҳо беришга ўч, асл ҳақиқатдан кўз юмиб, оқни ҳам, қорани ҳам бир мезонда ўлчашга мойил кишилар фожиасига ишора қилган.

Мазкур ҳикоят икки моҳир таржимон Жамол Камол ва Асқар Маҳкам томонидан алоҳида ихлос ва эътибор билан ўгирилган. “Маснавий” таркибидаги мазкур ҳикоятнинг икки таржимасидан олинган айрим байтлар қиёси орқали таржимонларимизнинг мазмун ва шакл мутаносиблигига эришиш йўлидаги уринишлари хусусида муҳим хулосалар чиқариш мумкин.

Ҳикоятнинг қисқача мазмуни - шундай: Баққоллик дўкони соҳиби хушзабон бир тўти асрар, доимо унинг гап-сўзидан завқ олиб, шу билан вақтини чоғ этар эди. Бир куни дўкон соҳиби иш билан қайгадир кетди. Ёлғиз қолиб зериккан тўти эса дўкон бўйлаб учиб, кўнглини хушламоқчи бўлди. Аммо унинг тор дўкондаги бетартиб парвози ҳалокатли якун топди: мой тўла идишни ағдариб, дўкон ва ундаги буюмларни булғаб қўйди. Бу иш устига келиб қолган дўкон соҳиби жаҳлини тия олмади. Бир уриб, тўтининг аҳволини хароб қилиб қўйди: тўтининг бошидаги пати юлиниб, кал бўлиб қолди. Жазодан қаттиқ ранжиган тўти ортиқ сўзламай қўйди. Орадан бир неча кун ўтса ҳамки, тўтисининг тилга кирмаётганидан хавотирга тушган дўкон соҳиби ҳар турли хаёлларга борди: уни эркалади, сўзлатиш учун турли қизиқ гаплар айтиб кўрди, чораси топилармикин, дея хайру садақалар ҳам қилди. Бироқ буларнинг ҳеч бири наф бермади. Иттифоқо, кунлардан бир кун дўкон олдидан бошида бир туки бўлмаган дарвеш ўтиб қолди. Бир неча кундан бери ақалли бирор товуш чиқармаган тўти дарвешни

³ Комилов Н. Жалолiddин Румий “Маснавийи маънавий” асаридан ҳикоятлар. Жалолiddин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолiddин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари Тошкент, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2007. - Б. 43.

кўргач, бирдан сўзлаб юборди: “Сенинг ҳам бошингга урдиларми? Сен ҳам мойни тўкиб юбордингми?” Тўтининг бу гапини эшитган, унинг ўзини дарвешга ўхшатганини кўрган одамлар кулди...

Бу ажойиб, ғаройиб ва ибратомуз ҳикоятнинг назмдан назмга таржималари анча содда, равон чиққан. Аслиятда “Ҳикояти баққолу тўти ва равған рехтани тўти дар дўкон” дея номланган ҳикоят сарлавҳасининг Асқар Маҳкам томонидан “Баққол, унинг тўтиси ва тўтининг дўконга мой тўкиб қўйиши ҳақида ҳикоя” тарзида, Жамол Камол томонидан эса “Баққол ва унинг тўтиси ҳақида ҳикоя” тарзида таржима қилиниши ҳам таржимонларнинг аслиятдаги мазмунни сақлашга интилганларидан далолат беради. Ҳикоят ҳажми – аслиятдагидек, ҳар икки таржимада ҳам ўн етти байтдан иборат. Таржимонлар ҳикоят вазни, қофия, радиф, ички оҳангдошликни, демакки, шакл ва мазмун мутаносиблигини сақлашга ҳаракат қилган.

Бироқ бу фикр, таржимонлар асар аслиятига муте бўлиб қолиб, ижодийлик тамойилидан чекинган, дейишга асос бўла олмайди. Уларнинг аслиятга ижодий муносабати аксарият ҳолларда ўзини оқлаганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Асқар Маҳкам амалга оширган тўртинчи байт таржимасига эътибор қилайлик:

Част, аз сўйи дукон, сўйе гурехт,
Шишаҳои равғани гулро бирехт (1, 22)

Таржимаси:

Бир куни тўти дўконда учди гир,
Гул мойин шишаларин синдирди чил (1, 37)

Таржимон байтнинг биринчи мисрасида аслиятда бўлмаган “*бир куни*” бирикмасини қўлласа, иккинчи мисрада

гул ёғини тўккан тўтининг айби: *“Гул мойи шишаларини синдирди”* тарзида талқин этилади. Бироқ бу ўзгартиришлар байт мазмунига халал бермаган. Чунки дўконда бемаҳал учган тўтининг гул мойи идишларини нафақат ағдариши, балки синдириши ҳам ғоят табиий ҳол. Жамол Камол эса таржима жараёнида бу каби мулоҳазаларга ўрин қолдирмасликка эришган:

Боқмайин учганда сўлу соғини,
Тўкди бир гал ағдариб гул ёғини (1, 15)

Матнга ижодий ёндашиш Жамол Камол таржимасида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, бешинчи байтнинг биринчи (*“Аз суйи хона биёмад хожааш”*) мисраси таржимон томонидан: *“Қайтди бир пайт уйга кетган хўжаси”*, - тарзида ўгирилади ва аслиятда мавжуд бўлмаган *“кетган”* сўзини қўллаш орқали мазмунга ойдинлик киритилади.

Бироқ Асқар Маҳкам таржимасидаги олтинчи байт мазмунида чалкашлик кўзга ташланади:

Дид пурравған дўкону чома чарб,
Бар сараш зад, гашт тўти кал зи зарб (1, 22)

Таржимаси:

Кўрди жиққа мой дўкону жомалар,
Бошига зарб бирла урди, қилди кал (1,37)

Кўриниб турибдики, бу чалкашлик аслиятдаги *“тўти”* сўзини қўлламаслик орқали вужудга келган. Ўқувчи иккинчи мисрадаги мазмунни тушунмаслиги: *“Ким кимнинг бошига зарб билан урди, ким кал бўлди?”* каби саволларга жавоб излаши муқаррар. Демак, биргина сўзнинг ўринсиз қўлланиши ёки қўлланмаслиги ҳам таржимадаги чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин.

Жамол Камол эса байтнинг аслиятдаги мазмунига урғу бериб, зарба айнан тўтининг бошига урилганлигини уқтиради:

Кўрди ул, ёғ эрди ёғ ҳар ён тугал,
Урди тўти бошига, ул бўлди кал (1, 15)

“Риш бармеканду мегуфт: “Эй дарег”, мисраси билан бошланувчи саккизинчи байт таржимасида ҳам Асқар Маҳкамнинг ижодий ёндашуви сезилади. Таржимон мазкур мисрани “Ҳай, дариг! – деб юлди соқол, сочини”, тарзида ўгириб, аслиятдаги “соқол” (“риш”) сўзига “соч” сўзини шерик қилади. Бу икки сўз жуфтлашиб, байт вазнининг сақлаб қолинишини таъминлаган. Жамол Камол таржимасида бунга эҳтиёж сезилмаган бўлса-да, аслиятдаги шакл ва мазмун айнан сақланган:

Дер эди соқол юлиб, эвоҳ, дариг,
Неъматимни мен увол этдим аниқ (1,15)

Жамол Камол таржимасида тўққизинчи ва ўнинчи байтдаги мисралар ўрни алмаштирилган. Асқар Маҳкам таржимасида эса ўнинчи ва ўн иккинчи байтларда мисралар ўрни алмашган. Бироқ бу алмаштиришлар байтлар мазмунига путур етказмаган. Жумладан, аслиятнинг ўнинчи байтида: *“Ҳадяҳо медод ҳар дарवेशро, То биёбад нутқи мурги хешро”* , -кетма-кетлигида жойлашган мисралар ўрни таржима жараёнида ҳар икки таржимон томонидан алмаштирилган.

Жамол Камолда:

Ёрдами теккайму деб бу ишга,
Ҳадялар берди неча дарवेशга (1,15)

Асқар Маҳкамда:

Тўти нутқин қайтарай деб аслига,
Ҳадялар берди қаландар аҳлига (1, 138)

Ўн тўртинчи байтнинг аслиятида ўхшатиш санъати қўлланган (байтнинг иккинчи мисраси – *“Дарвешга оқиллар каби мурожаат қилди”*даги *“оқиллар каби”* ифодаси ташбеҳга асос бўлиб хизмат қилган). Аммо ҳар икки таржимада бу санъат ўз ифодасини топмаган. Бинобарин, Асқар Маҳкам байтни: *“Тўти ногоҳ тилга кирди шул замон, Бонг урди: “Ҳей фалончи, ҳей фалон!..”* тарзида ўгирса, Жамол Камол байт мазмунини: *“Тилга кирди қуш уни кўрган замон, Ул боқиб дарвешга деди: эй фалон...”* мисраларига жо этишни маъқул кўрган. Мазкур таржима байтда аслиятдаги *“тўти”* сўзи ўрнида *“қуш”* сўзи қўлланган бўлса-да, мазмундан узоқлашилмаган.

Аслиятдаги 15 байт ва унинг Асқар Маҳкам таржимасидаги кўриниши қуйидагича:

К-аз чй, эй кал бо калон омехтй?
Ту магар аз шиша равған рехтй? (1, 22)

Таржимаси:

Нечун, эй кал, сен-да каллар ичрасен?
Ёки синди́рдингми гулмой шишасин? (1, 40)

Форсий байтнинг: *“Ту магар аз шиша равған рехтй?”* мисрасидаги сўзларни ўзбекча муқобиллари билан алмаштирсак: *“Сен шишадан ёғ тўқдинг, шекилли?”* шаклидаги сўроқ гап вужудга келади. Таржима байтга эътибор қилинса, аслиятдагидан фарқли ўлароқ, яна *“шиша синдириш”* ҳақида гап кетаётгани аёнлашади. Демак, таржимон тўрт байт таржимаси мисолида кўринганидек, яна шиша идиш синдириш ва шу тариқа гулмой тўкиш манзарасига урғу берган.

Жамол Камол таржимасида эса байт моҳиятига ижодий ёндашиш кузатилади:

Не гуноҳ қилдингки, бошинг бўлди кал,
Ёки сен ҳам ёғни тўккансан магар? (1, 15)

Бироқ бу ижодий ёндашув биринчи мисра жозибасининг сусайишига олиб келган. Зеро ҳўжайининг кутилмаган зарби туфайли сочидан маҳрум бўлган тўти бошида бир туки бўлмаган дарвешдан айнан: *“Не сабаб каллар орасига тушиб қолдинг?”* дея таъкид ила сўрайдики, байтнинг жозибаси ҳам айна шу таъкидда жамулжамдир. (*“бо калон омехтӣ”* ибораси ҳам таржималардан тушиб қолган, ҳолбуки бу иборада ҳам катта маъно мужассам)

Ҳикоятнинг асосий ғояси унинг сўнгги байтида жо бўлган. Муаллиф мазкур якунловчи байтда кўчадан ўтиб кетаётган дарвешни ўзига ўхшатган тўти ҳолидан истехзоли кулиб: *“Ёзувда “шер” (арслон) ва “шир” (сут) ўхшаш бўлгани билан, сен ўз даражангни азизлар мақоми ила тенг қўйишига асло шошилма”*, дея уқтиради. Шу тариқа калтафаҳм тақлидчилар, сохта дарвешу лода (нодон, илмсиз) шайхларни, зоҳирда ўзини динпарасту обид тутиб, ботинда манфаат ботқоғига ботганларни, оз илмининг кўп дея ёҳуд йўқ илмининг бор дея эътироф этилишини истовчиларни аёвсиз танқид остига олади (Мазкур ҳикоятдан кейин келган 60 байт – 120 мисра шеърӣй парчанинг ҳикоят шарҳига бағишлангани ҳам муаллифнинг “Баққол ва тўти”га беҳуда мурожаат қилмаганини тасдиқлайди). Жамол Камол таржимасида: *“Сен азизларни ўзингдек билмагил, Гарчи ўхшашдир ёзувда “шер”у “шир” тарзида янграган бу донишмандона байтни Асқар Маҳкам: “Покларга ўзни қиёс айлама, “Шер”у “шир”ни нуқтада бирдир дема”* (Б.141) тарзида ўзбекчалаштирган.

Жамол Камол таржимасида аслиятдаги баъзи сўзларни айнан сақлаб қолиш йўлидан борилгани кузатилади.

Жумладан, биргина таҳлилга тортилган ҳикоят таржимасида “сабзранг”, “нигаҳбон”, “нотик”, “ҳозик”, “надомат”, “дариг”, “жавлақ” каби бир қанча сўзлар ўз ҳолича сақланган. Асқар Маҳкам эса ҳикоят таржимасида бу сўзларнинг ўзбекча муқобилларидан фойдаланишни маъқул кўрган.

“Маснавий” ҳикоятларини назм йўли билан таржима қилиш, албатта, осон иш эмас. Бинобарин, Жалолиддин Румийдек буюк зот асарини ўзбекчалаштириш жуда катта меҳнат ва масъулият талаб қилади. Таржимани санъат даражасида ардоқлаб, унинг машаққатларига дош бериб, халқимиз маънавий хазинасини дунё сўз санъатининг нодир дурдоналари билан бойитиш йўлида ғайрат кўрсатаётган фидоий шоирларимиз ташаббуси, сўзсиз, адабиётимизнинг улкан ютуғидир.

ТАРЖИМА – ЎЗГАЧА САНЪАТ НАМУНАСИ

Бадий таржима – удкан имкониятлар майдони. У бир адабиёт анъаналарининг бошқа бир адабиёт тажриба майдонидан ўрин олишига, шу тариқа уни ривожлантиришга замин яратади. Бугина эмас, чинакам санъат асари даражасида амалга оширилган таржима китобхонни ҳаёт гўзаллигидан баҳраманд этади, бошқа миллат ва элатларнинг урф-одатлари, маданияти, яшаш тарзи билан таништиради. “Таржима тилга янги гоёлар, фикрлар, тушунчаларни олиб келади, жамиятда янгича ижтимоий муносабатлар, қарашларнинг қарор топишига хизмат қилади, адабиётга янги образлар, бадий-тасвирий воситалар армузон этади. Таржима туфайли халқлар ўртасида маданий ва адабий алоқалар тобора кенгаяди, мустаҳкамланади. Таржима ҳар қандай адабий алоқанинг заминини ташиқил этади.

Бошқача айтганда, турли миллий маданиятлар ўртасидаги ўзаро адабий алоқалар таржима туфайли конкретлашади”¹.

Шундай фикрни форс-тожик ва ўзбек халқлари адабий алоқалари хусусида ҳам бемалол айтиш мумкин. Асл илдишлари бадий тафаккур тарихининг нисбатан қадим даврларига бориб тақалувчи бу алоқалар икки халқ маънавий қадрияти ўлароқ шаклланган. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодий муносабатлари мисолида ривожланиш чўққисига чиқди. Бугунги адабиётимизда бу муқаддас анъана узлуксиз давом этаётганлиги, шубҳасиз, ҳар икки адабиётнинг тараққиётига омил бўлиб келаётир.

Форс-тожик тилидан бир қатор мумтоз шоирлар асарларини, ғазалу рубоийларини таржима орқали бизга тақдим этган истеъдодли шарқшунос олим ва шоир, Фидавсий мукофоти соҳиби Шоислом Шомухаммедов ва Ўзбекистон халқ шоири, моҳир таржимон ва адабиётшунос олим Жамол Камолнинг бу жабҳадаги хизматлари таҳсинга сазовордир. Улар ғайрати туфайли китобхонларимиз қўлига бориб етган форс-тожик мумтоз шоирларининг нодир ахлоқий-фалсафий мероси намуналари бутунги кунга келиб ўзбек халқи маънавий қадриятига ҳам айланиб улгурган. Бу икки таржимоннинг улкан ютуқларидан бири, шубҳасиз, Мавлоно Жалолиддин Румий ғазал ва рубоийларини, айниқса, буюк “Маснавий”ни ўзбек тилига таржима қилиш мисолида бўй кўрсади.

Ишқ, севги, муҳаббат асосида олам, одам ва бутун борлиқ яратилган. Ҳақиқий ишқ инсонни комиллик ва покликка етаклайди. Аллоҳ яратган бутун мавжудотга ва ҳазрати инсонга чин юракдан муҳаббат кўрсатиш – олий саодат, шаксиз, қалбида ишқ, севги, муҳаббат жўш урган зот дунёдаги энг бахтли ва омадли инсондир.

¹ Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадий таржима.- Тошкент: Фан, 1980. – Б.13.

“Маснавий”нинг асосий мавзуси ишқ, севги, муҳаббатдир. Инсонга Парвардигор томонидан берилган бу олий туйғулар “Маснавий”да турлича шакл ва мазмунда тарғиб, ташвиқ қилинган. Бу фазилат асарнинг қатор ҳикоят ва ривоятлари, жумладан, “Имтиҳон қилгувчилар олдида Луқмон фазлу донолигининг намоён бўлиши” ҳикоятида яққол ҳам кўзга ташланади.

Ҳикоятнинг мазмуни қуйидагича:

“Ҳазрати Луқмон бировнинг уйида хизматкорлик қилиб, кун кечирар эди. Уй эгасининг меҳру муҳаббати бошиқа хизматкорларга нисбатан Луқмонга зиёдароқ эди. Шу боис дастурхонга таом тортилганда хўжаси уни олдига чақирар, Луқмон таомни истеъмол қилмагунча хўжайини унга қўл узатмас эди. Ундан ортган овқатни хўжаси завқ ила ерди. Агар Луқмон таом емаса, хўжаси ҳам, умуман, тановул қилмас эди. Ёки овқат еса ҳам, иштаҳасиз ер эди.

Кунлардан бир куни танишлардан бири қовун олиб келди. Шунда хўжаси Луқмонни олдига чорлади ва қовундан бир тилим кесиб, Луқмонга берди. У қовунни еб: “Шакардан ҳам ширин экан”, - дея мақтади. Шунда хўжаси иккинчи, учинчи..., ўнинчи..., ўн еттинчи тилимни ҳам кесиб, Луқмонга берди. Ниҳоят, охирги тилим қолганда у Луқмоннинг иштаҳасига ҳавас қилиб: “Дарҳақиқат, ширинмикан?”, - дея охирги тилимга оғиз солди. Бироқ қовун шу даражада аччиқ эдики, бунга чидай олмаган хўжайин ҳушидан кетиб, йиқилди... Бир муддатдан сўнг ўзига келган хўжайин Луқмонга танбеҳ берди: “Эй жону жаҳоним Луқмон, бу заҳарни сен қандай истеъмол қилдинг, бу қандай сабр? Ёки жонингга душманмисан? Нега бирор ҳийла йўлини тутмадинг ёки баҳона қилмадинг?”

Шунда Луқмон хожасига чексиз садоқат ва муҳаббатини изҳор қилиб, шундай деди: “Эй хожам, қўлингиздан тотли таом кўп едим, бир сафар аччиқ есам, офатми? Бир аччиқдан доду фарёд қилгунча ўлганим афзал. Чунки сизнинг саховатли

қўлларингиз шунчалик ширинки, улар туфайли ҳар қандай аччиқлик йўқолгай...”

Тавсифи келтирилган ҳикоят “Маснавий” композициясига хос қолипланувчи, ўз навбатида, далилловчи сюжетлардан бири бўлиб, шоир унинг баёнидан сўнг китобхон қалбига сингдиришга урингани безавол ғояни ўртага қўяди: “Муҳаббат шу қадар буюк мўъжизаки, у ҳар қандай аччиқ нарсани ҳам ширин қилади!”

Мазкур ҳикоят якунида хулоса ўрнида келтирилган, муҳаббат таърифига бағишланган мисралар диққатга сазовор бўлиб, уларнинг Шоислом Шомуҳаммедов ва Жамол Камол томонидан амалга оширилган таржималарини қиёслаш бизни Мавлононинг безавол ирфоний оламига олиб кириши шубҳасиз.

Аслиятда:

Аз муҳаббат талхҳо ширин шавад,
Аз муҳаббат мисҳо заррин шавад (2,156)

Шоислом Шомуҳаммедов таржимасида:

Муҳаббатдан аччиқ ширин бўлади,
Муҳаббатдан мис ҳам заррин бўлади³.

Жамол Камол таржимасида:

Улки аччиқ, ишқ ила ширин бўлур,
Улки мисдир, ишқ ила заррин бўлур (2,174)

Ш. Шомуҳаммедов аслиятда ўн сўз ёрдамида ифодаланган мазмунни 9 сўз кўмагида умумлаштиришга эришган. “Муҳаббат”, “ширин”, “мис”, “заррин” сўзларининг айнан келтирилиши эса ҳар икки халқ муштарак меросига айланганидан далолатдир. Таржимон “ширин” – “заррин” қофияларини айнан сақлаб қолган, “шавад” радифини эса ўзбекча эквиваленти – “бўлади” сўзи билан алмаштирган.

³ Қаранг: Ҳикматлар. - Тошкент: Шарқ, 2008. Б. 259.

Натижада байтдаги мазмун, шакл ва бадиий нафосат сақлаб қолинган.

Жамол Камол эса “муҳаббат” сўзи ўрнида “ишқ” сўзини қўллашни маъқул кўрган. “Ширин” – “заррин” қофияларининг сақланиши, “шавад” радифининг “бўлуру” тарзида ўтирилиши эса байт аслиятидаги мумтоз оҳанг ва кайфиятнинг такрорланишига замин яратган. Бу фазилят мисралар аввалида “улки” сўзини такрор қўллаш мисолида ҳам яққол намоён бўлади. Хулосада шундай байт кетади:

Аз муҳаббат дурдхо софӣ шавад,
Аз муҳаббат дардхо шофӣ шавад.

Шоислом Шомуҳаммедов таржимасида:
Муҳаббатдан гулхан гулшан бўлади,
Муҳаббатсиз гулшан гулхан бўлади.

Жамол Камол таржимасида:
Ишқ ила лой узра найсон бўлгуси,
Ишқ ила дард узра дармон бўлгуси.

“Фарҳанги забони тожикӣ”да “дурд” сўзига “шароб ёхуд бирор ичимлик тубидаги қуйқа, лой, лойқа”⁵ тарзида изоҳ берилган. “Соф” сўзи эса қуйидаги маъноларни ифодалайди: “1. Бегубор, тоза, мусаффо. 2. Бошқа нарса аралашмаган; асл, тоза. 3. Ўзга унсурлардан холи; тоза. 4. Дог тушмаган, ҳар қандай айб, гуноҳ, нуқсондан холи; тоза, покиза, ҳалола”⁶. “Шофий” эса “1. Қаноатбахш, рост, дуруст; 2. Шифобахш”дир.⁷ Демак, байт орқали: “Муҳаббат ҳар қандай лойқани тинитади, яъни муҳаббат назари тушган ҳар қандай қалбнинг занги кетади, муҳаббатга мубтало бўлган қалб учун дард – шифо каби ёқимлидир”, дейилмоқда.

⁵ Фарҳанги забони тожикӣ. Ҷ. I. Москва: Советская энциклопедия, 1969. - Саҳ. 402.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Ҷ.3. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2007. Б.554-555.

⁷ Фарҳанги забони тожикӣ. Ҷ. II. 1969. - Саҳ. 598.

Бироқ, мазкур байт таржимасида ҳар икки таржимон ҳам муваффақият қозонган, дейиш мушкул. Тўғри, таржима ҳам бадий ижод. Аммо бу ижодийлик аслиятдаги мантиқни сақлаб қолиш орқали амалга ошгани маъқул. Акс ҳолда, асар аслиятидаги бадий мантиққа путур етади, муаллиф фикр-ғояси мавҳумлик пардаси ортида қолади. Бинобарин, Ш. Шомуҳаммедов байт таржимасида аслиятда бўлмаган *“гулхан – гулшан”* қиёсини қўллаган. Жамол Камол эса *“лоӣ узра найсон”*, *“дард узра дармон”* каби ифодаларга ўрин берган. Эҳтимол, байтни шу тариқа, яъни тусмол йўли билан таржима қилиш, муаллиф баён этган фикрга яқин фикрни ифодалаш билан чекланиш ҳам мумкиндир. Бироқ айна байт таржимасида бу усул ўзини оқламаган кўринади. Чунки Мавлоно байтда ишқ қудрати ҳақидаги ўлмас фикрни ўртага қўйган ва унинг бу доно ғояси китобхонга шунчаки айтиб қўйишнинг ўзи кифоя қилмайди. Аксинча, байтни бутун мантиқи билан ўзбекчалаштириш ўқувчиларимиз маънавий дунёсини яна бир нодир ҳикматга бойитган бўлур эди.

Шунга қарамай, ҳикоят байтларининг умумий таржимаси китобхонга улкан бадий завқ бағишлайди, уни *“Маснавий”* нинг бетакрор илоҳий-ирфоний оламига ошно эта олади.

ТАРЖИМА АСЛИЯТНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ САНЪАТИДИР

Форсий адабиёт намуналарини туркийга, аксинча, туркий сўз санъати намуналарини форсийга ўтириш қадим анъана сифатида яшаб келаётир. Зеро *“икки қардош-жондош халқ мустаҳкам дўстлиги, ҳамдасту ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси бўлган ўзбек-тожик адабий алоқалари - бу қардошлик каби узоқ тарихга эга. Бу алоқалар Абулқосим*

Фирдавсий ва Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий ва Ҳайдар Хоразмий, Саъдий Шерозий ва Сайфи Саройилардан бошланиб, тараққий этиб келмоқда”¹. Бу анъана Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийдек икки буюк сўз санъаткори яшаб, ижод этган даврда беқиёс юксакликка кўтарилди. Ана шу қутлуғ анъанани бизнинг давримизда ҳам муваффақият билан давом эттираётган фидоий таржимонлар борлиги миллий маънавиятимизнинг улкан ютуғидир.

Бу борада икки заҳматкаш шоир ва таржимон – Жамол Камол ва Асқар Маҳкам хизматлари таҳсинга лойиқдир. Уларнинг Мавлоно Румий “Маснавий”сини ўзбек тилига ўгириш жараёнида тил бойлиқларидан фойдаланиш имкониятларини қиёслаш ғоят қизиқарли мулоҳазалар сари етаклашига шубҳа йўқ.

Бадиий таржиманинг асосий манбаи сўздир. Бир тилдан иккинчи лисонга таржима қилиш, бадиийлик услубни сақлаш, мазмун ва шакл муштараклигини эътиборга олиш жараёнида сўз - ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тилнинг асосини сўз ташкил этади. Аммо алоҳида олинган товуш ёки бирор грамматик қўшимчанинг ўзи мустақил маъно англатмайди. Шу боис бирор тил хусусида сўз борганда, дастлаб ўша тилнинг сўз бойлигига мурожаат қилинади. Албатта, ҳар бир сўз, ўзининг асосий луғавий маъносидан ташқари, бир қанча мажозий маъноларга ҳам эга. Бу ҳодисанинг тилшуносликда полисемия (кўп маънолилиқ) деб юритилиши ҳам яхши маълум. Таржима жараёнида сўзнинг айна шу жиҳатидан ташқари, маънодош (синоним)ликка ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур. Маънодош сўзларга оид чуқур билим ва уларнинг ижодкор онгидаги бой захираси таржима жараёнида сўзнинг ўз тилига мансуб муқобилларини

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўпириклари. – Тошкент: 1979. - Б 144.

топишда, сўз такрорининг олдини олишда катта ёрдам беради.

“Маснавий”нинг биринчи китоби “Дебача”си 35 байтдан иборат. Мазкур байтлардан бир нечасининг икки таржимон томонидан ўтирилишини кузатиш асосида ўзбек тили луғат бойлигининг анча кенг имкониятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Аслият:

К-аз найистон то маро бубридаанд,
Дар нафирам марду зан нолидаанд (1,16)

Аскар Маҳкам таржимаси:

Ким найистондан мени то кесдилар,
Ҳасратимдан мард-аёл дод этдилар.³

Жамол Камол таржимаси:

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдан эл ҳама ўртандилар (1,8)

Келтирилган байт таржималарини аслият билан қиёслаш ҳар икки таржимон бадиий имкониятлари ҳақидаги муҳим хулосаларни беради.

Бунинг учун, аввало, байтда келган баъзи сўзларнинг маъноси луғатда қандай изоҳланганлигини кўрайлик. Жумладан, луғатда “*нафир*” сўзининг 1) *карнай, сурнай*; 2) *бонг, фарёд, садо, гавго, гулгула* каби маъноларда келиши қайд этилган.⁵

Жамол Камол “*нафир*” сўзида мужассам бўлган маънони ўқувчига етказиш мақсадида “*нолиш*” (*нола, оҳу воҳ, фарёд, фигон, нола қилишни бошлаш, нола қилишга киришиш*) сўздан фойдаланган. Бизнингча, таржимоннинг “*нафир*” ўрнида

³ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Қуллиёт, 29-бет.

⁵ Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷ. I. Саҳ. 839.

унинг “нола, фигон, фарёд” каби маъноларига тенг келувчи сўзни қўллаши ўзини оқлайди.

Асқар Маҳкам таржимасида эса “нафир” сўзига билвосита маънодош бўлган “ҳасрат” сўздан фойдаланилган. Луғатда қайд этилишича, “ҳасрат” сўзи *афсус, дариғ, пушаймонлик, ғам, гусса, андуҳ, орзу, майл, қаттиқ истаиш* маъноларида қўлланади.⁶ Демак, таржимон “нафир” ўрнида “ҳасрат” сўзини қўллаш чоғида унинг ғам-ғусса, андуҳ каби маъноларига таянган.

Иккинчидан, Жамол Камол жуфт сўз бўлмиш, умумлаштириш маъносига эга “марду зан” ўрнида “эл” сўзини қўллаган. Демак, таржимон байтда “марду зан” орқали кўпчиликни ифодалашни мақсад қилинганини яхши англаган. Асқар Маҳкам эса жуфт сўзни деярли такрорлаб, “зан” сўзи ўрнида унинг ўзбекча “аёл” вариантыни қўллаш билан қаноатланган. Бу, ўз навбатида, “мард-аёл” кўринишидаги матнга у қадар сингишмаган ифодани келтириб чиқарган. Албатта, “мард” сўзи ўзбек тилида ҳам фаол қўлланади. Аммо юқоридаги бадиий матн бундан мустасно. Чунки у мазкур сўзни айни шундай шароитда қўллашни тақозо этмайди.

Учинчидан, форсий байт сўнгидаги “нолидаанд” сўзини Жамол Камол “ўртандилар” тарзида ўтирса, Асқар Маҳкам “дод этдилар” тарзида таржима қилади. Луғатларда “дод” сўзининг бошқа маънолар қатори *фигон, нола, шикоят* каби маъноларни ҳам англатиши қайд этилган. Демак, таржимон “дод” сўзининг айни шу маъносидан фойдаланган. Форсий “нолидаанд”ни “оҳ-воҳ қилмоқ” маъносида ўтиришни маъқул кўрган. Гарчи “ўртандилар” сўзидаги маъно жилоси “дод этдилар” бирикмасидаги маънодан кучлироқ бўлса-да, ҳар икки таржимон най эшитилгандаги таъсирланиш ҳолатини тўғри англаб тўғри ифодалаган, дейиш мумкин:

⁶ Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷ. II. Саҳ. 737.

Сина хоҳам шарҳа-шарҳа аз фироқ,
То бигӯям шарҳи дарди иштиёқ (1,16)

Аскар Маҳкам таржимаси:

Сийна истармен фироқдан поралар,
Шавқ дардидан десам афсоналар (1, 30)

Жамол Камол таржимаси:

Сийна истармен тўла дарду фироқ,
Токи сўйлай шарҳи дарду иштиёқ (1, 8)

“Сийна” кўкрак, мажозан қалб, дилдир. Кўринадики, аслиятдаги биринчи сўз ҳар икки таржимон томонидан сақланган. “Хоҳам” сўзини ўгиришда ҳам таржимонлар бир хил йўл тутиб, “истармен”дан фойдаланишган. “Шарҳа-шарҳа”нинг ўзбекча таржимаси “парча-парча”дир. “Фироқ” эса ўзбекча айрилиқ, жудалиқ сўзлари билан маънодош.

Ҳар икки таржима байтда сўзма сўз ўгиришдан кўра, ижодий таржима имкониятларидан фойдаланиш майли устиворроқ бўлса-да, мазмунда нуқсон кўзга ташланмайди. Жумладан, иккинчи мисрада “шавқ” (орзумандлик, майл, рағбат, нафс орзуси каби маъноларга эга) ва “афсона” (қисса, достон, ҳикоят, нақл, сафсата, ёлгон каби маънолари бор) сўзларидан фойдаланган Аскар Маҳкам аслиятдаги “иштиёқ дардини шарҳ айлаш”ни ўз услубида ифодалаган. Жамол Камол ҳам шакл ва мазмун мутаносиблигига эришиб, аслиятдаги қофияни сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Шунга кўра, юқоридаги байт таржимасида ҳар икки таржимон ўзбек тили лексик имкониятларидан усталик билан фойдаланган, дейиш мумкин.

Яна бир мисол:

Оташ аст ин бонги ною нест бод,
Ҳар кӣ ин оташ надорад, нест бод! (1, 16)

Аскар Маҳкам таржимаси:

Най садоси оташедур, бод эмас,
Кимда оташ йўқ – одамзод эмас (1,34)

Жамол Камол таржимаси:

Ўт эрур найнинг навоси, ел эмас,
Кимда ўт йўқдир, йўқолсин, эл эмас (1, 8)

Аслиятдаги *“оташ”* сўзининг ўзбекча муқобили олов, гулхан, ўтдир. Аслиятдаги *“бонг”* – савт, овоз, наво маъноларида, *“бод”* эса ел, шамол, шабада маъноларида қўлланган. Айни шу мантиқдан келиб чиқсак, Мавлоно дастлабки мисрада *“Бу найнинг навоси ўткинчи шамол эмас, балки ўт эрур”* мазмунидаги фикрни ифода этган. Таржима байтларга назар солинса, Аскар Маҳкамнинг енгилроқ йўл танлагани аёнлашади: таржимон *“оташ”* ва *“бод”* сўзларининг ўзбекча муқобилларини излаб ўтирмасдан, ҳар икки сўзни таржимада ҳам такрорлашни маъқул кўрган. Жамол Камол эса *“оташ”*ни *“ўт”*, *“бонг”*ни *“наво”*, *“бод”*ни *“ел”* тарзида таржима қилиб, байтнинг анча равон ва тушунарли таржимасига эришган. Мазкур таржима аслиятдаги маъно-мазмунни айнан бера олиши билан диққатга сазовордир:

Сирри ман аз нолаи ман дур нест,
Лек чашму гўшро он нур нест (1,16)

Аскар Маҳкам таржимаси:

Сиррим оҳу нолишимдан дур эмас,
Бу қулоқ, бу кўзда лек ул нур эмас (1, 33)

Жамол Камол таржимаси:

Сиррим эрмас нола-оҳимдин йироқ,
Гарчи нур кўзу қарогимдин йироқ (1, 8)

Форсий “дур” сўзининг маъноси – *узоқ, узоқлаштирмоқдир*. Асқар Маҳкам байт таржимасида аслиятдаги “дур” сўзини сақлаб қолган. Бундай йўл маълум маънода ўзини оқлайди. Жумладан, туркий мумтоз мерос намуналари кўздан кечирилганда, улар матнида “дур” сўзи анча фаол қўлланганини кузатиш мумкин. Бироқ бугунги китобхон, айниқса, форсийдан беҳабар ўқувчи мисра мазмунини дарҳол англаб олиши қийин. Иккинчи мисра таржимаси эса аслиятдаги сўзларнинг ўзбекча муқобилини топиб, ўз ўрнида қўллаш натижасида анча равон чиққан. Жамол Камол таржимасида ҳам худди аслият ва Асқар Маҳкам таржимасидаги каби қофия ва радифларни сақлаб қолиш йўлидан борилган. Бу, ўз навбатида, байтнинг асл оҳанг ва мантиғини таржимада ҳам тақрорлаш имкониятини яратган.

Умуман, ҳар икки таржимон “Маснавийи маънавий”дек нодир дурдонани китобсевар ва маърифатпарвар халқимиз маънавий мулкига айлантириш йўлида катта жасорат кўрсатди. Уларнинг бу жасорати келажакдаги умидбахш ва янада муваффақиятли таржималарга замин яратиши - шубҳасиз.

ҲИКМАТ ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Фикрни шеърӣ ёки насрий ҳикмат шаклида ифодалаш, шу тариқа китобхонни Ҳақ ва ҳақиқат асроридан, дунё ва тириклик мушкулотидан огоҳ этиш Шарқ мумтоз адабиётдаги муҳим эстетик тамойиллардан биридир. Ҳикмат – билимдонлик ва донишмандлик маҳсули, мухтасар айтганда, инсон заковатини бутун жозибаю қудрати билан намоён этишга қодир маънавий неъматдир.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул шундай деб ёзади:
“... Ҳикмат покиза кўнғил ва тазкия (поклик) топган руҳларга
Аллоҳ томонидан туҳфа юбориладиган илоҳий сўз ҳамда
маънолардир. Ҳикмат аҳли – хос кишилар, яъни чин фақир, ориф,
дийдор талаб ошиқ ва абдоллар бўлган. Уларнинг илми – ладуний
илм, вужудлари эса маърифат суви билан ювилган. Ҳикмат
эгаларининг дунёни англашларида тафаккур ва сукут алоҳида
ўрин тутганлиги учун табиатлари шошқинлик, якравлик, кибр
сингари нуқсонлардан тозаланган. Румийга кўра, “Ҳикматлар –
Аллоҳ лашкаридур, улар Ҳақ, ҳақиқат байроғини кўтариб,
кўнгуллари забт қилур”¹.

Нодир маънавий мероси абадияти боис туркий ва
форсий халқларнинг муштарак даҳосига айланган Мавлоно
Жалолиддин Румий ижоди, айниқса, улўғ шоирнинг муаззам
“Маснавийи маънавий”си унинг ҳикматнависликнинг
пешқадам намоёндаси бўлганлигини яққол тасдиқлайди.
Буюк шоир асарлари бағридаги ҳикматларнинг ўзбек
таржимонлари томонидан такрор-такрор тўплаб, таржима
қилинганлиги ҳам Румий даҳосининг халқимиз маънавий
оламига нечоғлиқ яқинлигидан далолатдир².

Биз мурожаат этган дастлабки ҳикматлар тўплами
Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржималаридан
иборат бўлса, иккинчи тўпламни адабиётшунос ва таржимон
Эргаш Очилов нашрга тайёрлаган. Мазкур тўплам
Мавлононинг турли асарларидан олинган ҳикматларнинг
Алишер Навоий, Шоислом Шомухаммедов, Жамол Камол,
Асқар Маҳкам, Маҳмуд Ҳасаний, Улўғбек Абдуваҳоб, Эргаш
Очилов, Шерали Турдиев, Йўлдош Парда, Муҳаммад Қобил,
Жаъфар Муҳаммад томонидан амалга оширилган
таржималари асосида тартиб берилган.

¹ Қуйидаги китобда: Мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Форсийдан Жамол Камол таржимаси: -
Тошкент: Фан, 2007. Б. 6.

² Мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. Тошкент: “Фан”, 2007. 187 бет;
Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи: Эргаш Очилов. Тошкент: “Шарк”, 2008. 270 бет.

Биз қуйида Мавлоно Румий ҳикматларининг икки истеъдодли таржимон – Жамол Камол ва Эргаш Очиловлар томонидан ўзбекчалаштирилиш жараёнига оид кузатишларимизни умумлаштиришга ҳаракат қилдик.

Беадаб танҳо на худро дошт бад,
Балки оташ дар ҳама офоқ зад (1,18)

Мазмуни: Одобсиз нафақат ўзига ёмон қилди, балки бутун борлиққа (офоқ – уфқлар, дунё мамлакатлари, осмонлар, дунё, жаҳон) ўт сочди (балою офат ёғдирди).

Жамол Камол вазн ва услуб тақозосига кўра, бу байтнинг биринчи мисрасидаги “беадаб” сўзини иккинчи мисра аввалига кўчиришни маъқул кўрган. Бу эса биринчи мисра аввалида қўлланган, аммо аслиятда бўлмаган “йўқ” таъкидининг ўз ўрнини топишига замин яратган. Таъкидлаш жоизки, таржима жараёнида румиёна руҳни сақлашга ва даҳо шоир кайфиятининг байт яратилиш жараёнидаги ҳолатини ифода этишга ҳаракат қилинган:

Йўқ, фақат этмас ўзига ул ёмон,
Беадаб ургай жаҳонга ўт ҳамон (1, 10)

Эргаш Очилов эса “беадаб” ўрнида “ёмон” сўзини қўллашни маъқул кўрган. Зеро “беадаб” сўзи “ёмон” сўзига айнан маънодош бўлмаса-да, беадаб одамнинг ёмон эканлигига шубҳа йўқ. Шунга кўра, таржимоннинг одобсизликни умумий тарзда ёмонлик дея талқин қилиши ўзини оқлайди:

Ёмон бир ўзига қилмас ёмонлик,
Бутун дунё ундан топмас омонлик.⁵ (268)

⁵ Жалолiddин Румий. Ҳикматлар, Форсийдан Жамол Камол таржимаси: - Тошкент: Фан, 2007. 268-бет.

Кўринадик, Жамол Камол таржимани аслиятдаги сўзларнинг ўзбекча эквивалентларини қўллаш орқали амалга оширган бўлса, Эргаш Очилов байт таржимаси жараёнида ижодийлик тамойили асосида иш кўришга ҳаракат қилган. Бундай ҳолат қуйидаги ҳикматнинг ўзбекча ўгирмалари мисолида ҳам яққол кўзга ташланади:

Орзу меҳоҳ, лек андоза хоҳ,
Барнатобад кўхро як барги коҳ (1,19)

Мазмуни: *Орзу қилар экансан, ҳаддингни билиб қил. Чунки сомоннинг бир чўпи тоғни ағдара олмайди.*

Жамол Камол байтни ўзбекчага ўғирар экан, аслиятдаги ҳар бир сўзнинг муқобилини топиш ва ўрнига қўйишга алоҳида диққат қаратади. Бинобарин, таржима байтда сўзлар “орзу – орзу, меҳоҳ (хоҳлайсанми) сўзи ўрнида “орзу қил” бирикмасини, лек – лекин, андоза – бир оз ҳаддингни, хоҳ – бил” тарзида келтирилган ҳамда аслиятдаги шакл ва мазмун мутаносиблигининг сақланиб қолишига эришилган. Бу - фикр иккинчи мисрадаги сўз ва бирикмалар таржимасига ҳам дахлдор. Айниқса, “як барги коҳ” бирикмасининг “бир сомон чўп” тарзида ўгирилиши байтга алоҳида жозиба бахш этган:

Орзу қил, лекин бир оз ҳаддингни бил,
Бир сомон чўп бирла тоғни йиқмагил (1, 12)

Эргаш Очилов таржимаси эса оддий ўқувчи диди ва савиясига мос, содда ва рафон чиққан. Бу соддалик ва рафонликнинг таъминланишига бармоқ вазни имкониятлари алоҳида ўрин тутганлигига шубҳа йўқ:

Меъёрида бўлсин орзую ҳавас,
Тоғни кўзга толмас ўрнидан ҳеч кас (267-бет)

Байт ҳар бир нарасада меъёрга амал қилишга даъват этиши билан муҳим маърифий аҳамият касб этади. “Маснавий” аслиятига алоҳида кўрк бағишлаган мана бу байтда ҳам шундай улуғ ҳикмат мужассамдир:

Чун диҳад қозӣ ба дил ришват қарор,
Кай шиносад золим аз мазлуми зор (1, 24)

Мазмуни: *Агар қози пора олишга кўнгул қўйса, золим ва мазлумнинг фарқига қандай боради?*

Байт биринчи мисрасининг аслият ва Жамол Камол таржимасидаги сўзлари миқдори 7 тани ташкил этади. Бу миқдор иккинчи мисрада ҳам айнан сақланган. Бундай равон ва мукамал ўғирмани, таржимон-шоирнинг бу соҳадаги кўп йиллик тажрибаси маҳсули дейиш мумкин. Бу фазилат аслиятдаги қадимийлик бўёғига эга “қози”, “ришват”, “золим”, “мазлум” сўзларининг айнан келтирилиши мисолида ҳам яққол намоён бўлади:

Не билур ул қози гар ришват шиор,
Ким эрур золиму ким мазлуми зор (1, 17)

Эргаш Очиллов таржимасида бу ҳолатни кўрмаймиз. Таржимон, аксинча, бармоқ вазни имкониятларидан фойдаланган ҳолда соддароқ бўгин ва туроқланиш тартибига эга мисра тузилишидан фойдаланишни маъқул кўрган. Чунончи, аслиятда ҳар бир мисрада 7 тадан сўз бўлса, ўғирма мисралар таржимаси 5 тадан сўз қўллаш натижасида амалга ошган. Энг муҳими, таржимон “Маснавий” байти моҳиятига жо бўлган ҳақиқатни тўғри англаган ва содда мисралар ёрдамида ўқувчини бу ҳақиқатдан огоҳ этишга эришган:

Қози тамаъ қилиб, олдами пора,
Золимни мазлумдан фарқламас сира (267-бет)

Мавлоно Румийнинг доно хикмати шундаки, дарҳақиқат, пора олувчи ғафлатда қолади. Унинг қалбини қоронғулик, кўзини парда тўсади. Натижада ҳақ ва ноҳақнинг фарқига боролмайдиган гумроҳга айланади. Мавлоно даҳосининг чексиз қудратини ўзида мужассам этган қуйидаги байт ҳам бири кам дунёнинг шундай камларидан бири ҳақида:

Он яке хар дошт, полонаш набуд,
Ёфт полон, гург харро даррабуд (1, 17)

Мазмуни: “Бировнинг эшаги бор эди, аммо тўқими йўқ эди. Тўқимни топган эди, эшагини бўри олиб кетди”.

Жамол Камол “полон”ни “жабдуқ” тарзида ўгирган. Кўпроқ мумтоз асарлар услубига ҳос бу сўз луғатларда шундай изоҳланади: “1. *От ёки эшак абзали. Жабдуқ урмоқ – отни эгарламоқ, жабдуқламоқ. 2. Керакли нарсалар, керак яроғ, анжом. Сафар жабдуғи.* (Навоий)”⁶

Кўринадики, таржимон сўзни ўз ўрнида қўллаган, шу тариқа байтда мумтоз руҳ ва оҳангни сақлаб қолишга эришган:

Эшаги бор эрса, жабдуқ йўқ эди,
Топди жабдуқ, эшагин бўри еди (1, 9)

Эргаш Очилов эса “полон” ўрнида “тўқим” сўзидан фойдаланган. Луғатларда “тўқим” сўзи шундай изоҳланган: “1. *Жазлиқ ёки эгар остига қўйиладиган, одатда кигиздан қилинадиган от-улов абзали. Кигиз тўқим. Эшакка – тўқим, одамга – либос. Мақол. Тўқим урмоқ 1) от-уловга тўқим солмоқ; тўқимламоқ. Тойга тўқим урмоқ; 2) кўчма – бирор нарса ўтказиб, миннатдор қилиб ёки бошқа бирор йўл билан ўзига тобе, қарам қилиб олмоқ...*”⁷

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Ж. 2. - Б. 60.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. 4. -Б. 252.

Кўринадик, таржимон сўзни биринчи маъносига таянган ҳолда тўғри қўллаган. Аслиятдаги бошқа сўзлар таржимаси эса ўзбекча муқобилини топиш орқали амалга оширилган. Таржима байтдаги соддалик ва таъсирчанлик китобхон диққатини тортмай қўймайди:

Эшаги бор-у, тўқими йўқ эди,
Тўқим топса, эшакни бўри еди. (269-бет)

Байтнинг ҳикмати шундаки, инсон бирор нарсани эндигина қўлга киритдим деганда, иккинчи муҳим нарсани бой бериб қўйиши мумкин: унинг мол-дунё деб – бахтидан, бахти деб – яқинларидан, касб тақозосига кўра – дўстларидан мосуво бўлиши ҳеч гап эмас. Мавлоно Румий диққатини тортган бу абадий ҳақиқат ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайди, дунё ҳақидаги адоқсиз ўйларга толдиради.

“Маснавий” ҳикматлари аини шу жиҳати билан таржимонлар диққатини тортганлигига шубҳа йўқ. Бу ҳайрат улар таржималаридаги ихлос ва эҳтиром мисолида яққол намоён бўлади ва бу эҳтиром китобхон қалбини ҳам илоҳий нурларга тўлдиради.

“МАСНАВИЙ” ТАРЖИМАСИДА ҚОФИЯ ВА РАДИФ

Назм ўзининг гўзаллиги, оҳанги, дилкашлиги, таъсирчанлиги ва юксак бадиияти билан инсон қалбини ҳамиша ром қилиб келган. Чунки шеъринг нутқдаги жозибадорлик, рангинлик ва равонлик шеърни биринчи ўқишдаёқ ўқувчини ўзига тортади, унга кучли таъсир қилади. Мумтоз адабиёт намояндаларининг ўлмас маънавий мероси шундан далолат беради. Чунки уларнинг ҳар бир сўзи, ибораси ва мисраси, панду ахлоқи юксак бадиий тасвири

инсон камолоти учун хизмат қияпти. Уларнинг машҳурлик сирлари ҳам шундадир.

Ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир юртда яшаб, бир ариқдан сув ичиб, умргузаронлик қилиши нафақат уларнинг ҳаёти, яшаш тарзи, балки адабиётларида ҳам тўлалигича намоён бўлади.

Адабиётшунос ва таржимон Ш. Шомуҳаммедов бу хусусда: *“Ўз адабиётларида айни бир хил вазнларга эга бўлган, адабий, маданий анъаналари бир-бирига яқин халқларда бу муаммо, чамаси, анча енгил ҳал қилинади. Масалан, шеърда ҳижолаҳ нисбати жиҳатидан классик ўзбек ва тожик адабиётларида муштарақлик бор”*¹, дея қайд этади. Олим бу ўринда нафақат икки адабиётдаги вазннинг муштарақ хусусиятларини қайд қилган, балки улардаги адабий жанрлар, мавзулар силсиласи, ҳатто бадиий воситаларни қўллаш борасида бир-бирига ҳамоҳанг эканлигини ҳам назарда тутган. Бу ҳолат қофия ва радиф қўллаш мисолида янада яққолроқ намоён бўлади.

Радиф мисра ёки байт охирида асосий қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўз бўлиб, шеърда фикр ва мақсадни таъкидлашга хизмат қилувчи унсурдир. Аслиятдаги радифни, таржимада тўлиқ бериб бўладими? Ёҳуд уни имконият даражасида сақлаш мумкинми? Бу ҳақда адабиётшунос олим, Ш. Шомуҳаммедов шундай таъкидлайди: *“Радиф – жуда қизиқ ва мураккаб масала. Уни бериш таржимон учун жиддий қийинчилик, қолаверса, баъзан ҳал қилиб бўлмайдиган чигалликлар туғдиради. Шу сабабли айрим таржимонлар уни акс эттирмайдилар. Ҳолбуки, радиф шеърнинг фақат формал элементигина эмас, балки у катта маъно ташийдиган ва асарнинг таъсир кучини, шеърнинг жарангдорлигини оширишга хизмат қилади. Бир вақтлар ҳатто радифгүйлик анъанаси ҳам бўлган: замондош ёки турли даврларда яшаган*

¹ Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Тошкент: 1973. –Б. 44.

шоирлар берилган муайян радиф, масалан, гул, шам ва шу кабилар асосида энг сара шеър айтиш хусусида бир-бирлари билан мусобақа қилганлар”² . Юқоридаги таъкиддан аёнлашадиги, радифни таржимада бериш таржимон учун қийинчилик туғдиради. Шундай экан, бу муаммо “Маснавий” таржимасида қандай ҳал қилинганига эътибор қаратиш ҳам ғоят муҳимдир.

Маълумки, радиф доимо мисра охирида келади. Аслиятдан олинган қуйидаги байтда “ман” сўзи радиф бўлиб келган ва бутун мисрадаги оҳангни ўз зиммасига олган:

Пуштдори чумла исматҳои ман,
Гўиё ҳастанд худ аҷзои ман (3, 218)

Таржимаси:

Чун улардир юлдузим, Ойим менинг,
Узв – узвим, баски, ажзойим менинг (3,248)

Моҳир таржимон Жамол Камол аслиятдаги “ман” радифини таржимада “менинг” тарзида сақлашга муваффақ бўлган. Бу байт “Насиҳатчининг насихатига қулоқ осмай, очликдан фил боласини еганлар қиссаси”дан олинган бўлиб, байт фил тилидан янграйди. “Пушт” орқа томон, ҳайвон танасининг юқори қисми. Байтдаги “исмат” сўзининг ўзбекча муқобили эса “поклик”, “гуноҳсизлик” “маъсумлик”дир. Жамол Камол “исмат” сўзининг ўзбекча муқобили мавжудлигига қарамай, филнинг ўз нуридийдаларига нисбатан қўллаган сифатлашларини “юлдузим”, “Ойим” тарзида ижодий таржима қилган. Иккинчи мисрадаги “ажзо” сўзининг ўзбекча муқобили – “баданнинг аъзоси” ё “аъзо” бўлса ҳам, унинг аслиятини сақлаган. Бизнингча, “ажзо” сўзига нисбатан “аъзо” ўқувчига кўпроқ тушунарлидир. Чунки форс-тожикча сўзларнинг

² Қайд этилган манба. –Б. 45-46.

таржимасиз қўлланиши ўқувчига байтлар моҳиятини тўлиқ
идрок этишга халал беради.

Ё даҳони хештанро пок кун,
Рўҳи худро чобуку чолок кун (3, 220), -байт мана
бундай ўгирилган:

Ё ўзинг оғзинг, даҳонинг пок қил,
Ўз руҳингни чобуку чолок қил (3, 251)

Келтирилган байтнинг радифи “кун”, ўзбекча муқобили
“қил” сўзидир. Таржимада аслиятдаги радиф ўзбекча
муқобилида ҳам айнан берилган. Таржимон биринчи
мисрада “даҳон” сўзининг ўзбекча муқобили “оғиз”ни тўғри
қўллаган. Аммо мисрадаги “даҳон” сўзи ўрнига “вужудинг”
сўзи қўлланганда, бизнингча, аслиятдаги ғояга ҳамоҳанг
бўлар эди. Мисра таржимаси: “Ё ўз вужудинг (хештан) оғзини
пок қил”, тарзида бўлар эди. Иккинчи мисрадаги “чобуку
чолок” сўзини *эпчил, чаққон; моҳирлик, усталик, чаққонлик*
қилмоқ, тез ҳаракат қилмоқ деб таржима қилиш мумкин.
Аммо таржимон улар аслиятини сақлаган ҳолда
ўзбекчалаштирган. Чунки таржимон байтнинг вазни, оҳанги,
қофиясини ҳам инобатга олган. Лекин юқорида
таъкидлаганимиздек, ўзбек ўқувчисига байт моҳиятини
тушуниш қийин, албатта.

Ҳирсу дунё рафту чашмаш тез шуд,
Чашми ў равшан гаҳи хунрез шуд (1, 219)

Байт таржимасида бир радиф ўрнини бошқа радиф
эгаллаган:

Ҳирси дунё кетди, лекин қолди кўз,
Қонли ёшлар тўқди, ярқ очилди кўз (3. 249)

Таржимон мисрадаги асосий урғу қайси сўзга
қаратилган бўлса, шуни инобатга олиб, уни моҳирлик билан

радиф ўрнида қўллаган. Чунки радиф мисрадаги асосий гоёни ташувчи сўздир.

Юқорида келтирганимиз байтнинг радифи “шуд”, ўзбекча муқобили эса “бўлди”дир. Аммо таржимон “бўлди” сўзининг ўрнига “кўз” сўзини радиф ўрнида қўллаган. Агар радифни аслиятдагидек таржимада қилсак: байт “Дунё ҳирсу ҳавасидан қутулиб, кўзи очилди, Қонли ёшлар тўкиб, кўзи равшан бўлди”, - кўринишини оларди ва ғализ, қўпол, бадииятдан маҳрум бўларди. Жамол Камол моҳирлик билан мисранинг асосий мазмунини ташкил қилган “чашм”ни “кўз” тарзида бериб, байтнинг мазмунини ва руҳини ифодалай олган.

Қуйидаги байтда эса таржимон шаклни сақлашга муваффақ бўлмаган, бизнингча, мазмун ҳам ғализроқ чиққан:

Мурғи беҳангом шуд он чашми ў,
Аз натиҷа кибри ўву хашми ў (1, 219)

Кибр этарди, қаҳр этарди ҳар маҳал,
Бемаҳал бир қушга айланди магар (1, 249)

Байтнинг аслиятдаги радифи “ў”, унинг ўзбекча муқобили эса “у” ҳисобланади, аммо таржимада радиф тушиб қолган ва унинг ўрнини “маҳал” – “магар” қофиялари эгаллаган.

“Ҳангом” – вақт, замон, маҳал, “беҳангом” эса бемаҳалдир. “Унинг кўзи бемаҳал қушникидай (бойқуш кўзи назарда тутилмоқда – Қ. Т.) бўлди”, - демоқда шоир. Албатта, бу ўринда у (мажозан) жаҳли чиққан одам кўзининг бойқушники каби чақчайишига ишора қилмоқда. Байтнинг марказида “чашм” – кўз турибдики, мисрадаги мантиқий урғу ана шу сўзга юкланади. Бу ўринда, таржима байтда “кўз” сўзининг тушиб қолиши унинг равон чиқишига ҳалал берганини қайд этмасдан илож йўқ.

Неъмат аз вай ҷумлагӣ иллат шавад,
Тӯма дар бемор, кай қувват шавад? (3, 283)

Таржимаси:

Иллат ўлгай жумла, неъмат билмагай,
Ош-таом беморга қувват бўлмагай (3, 323)

Ёки мана бу байт ва унинг таржимасини ўзаро
қиёслайлик:

Гар бигирӣ гавҳаре, санге шавад,
В-ар бигирӣ меҳри дил, ҷанге шавад (3, 284)

Таржимаси:

Гавҳаре олсанг гар, қўлингда тош бўлур,
Меҳр кўрсанг гар, кўзингда ёш бўлур (3,323)

Юқорида келтирилган байтларда “шавад” (ўзбекча муқобили -“бўлур”) сўзи радиф вазифасини бажарган. Биринчи байтнинг таржимасида таржимон радиф ўрнига қофияни ишлатган бўлса, иккинчи байтда радифни сақлашга муваффақ бўлган. Аммо биринчи байтнинг иккинчи мисрасида аслиятдаги сўроқ гап шакли таржимада сақланмаган. Яъни: “Таом қачон касалга қувват бўлади?” – дейилади аслиятда. Аммо таржимон: “Ош-таом беморга қувват бўлмайди”, - дейди. Таржимон мазмунан риторик сўроқ гапга тенг бўлган дарак гап шаклидан фойдаланган.

Ўрни келганда шуни ҳам қайд қилиш лозимки, таржимада баъзан алоҳида байтлар кўзга нуқсонлидек кўринади, аммо, умуман олганда моҳир таржимон ҳикоя ё ривоятларнинг асл мазмунининг сақлашга муваффақ бўлган.

Баъзи байтларни ўгиришда эса таржимон-шоир ижодий йўл тутиб, аслият тақозо қилмаса-да, байтни радифли тарзда қайта яратишга муваффақ бўлган:

Гар нахоҳӣ дӯстро фардо нафир,
Дӯстӣ бо оқилу бо ақл гир (3,284)

Ошно, дӯст бўлмагил ғофил била,
Дӯст тутун, дӯст бўл фақат оқил била (3, 323)

Аслиятда “нафир”, “гир” сўзлари қофия вазифасини бажарган бўлса, таржимада “гофил”, “оқил” сўзлари қофия бўлиб, “била” сўзи (била – эскирган сўз, назмда айнан ишлатилган, бугунги кундаги тўлиқ шакли “билан” дир) радиф вазифасини бажарган.

Қуйидаги байт аслиятидаги радифни эса -дир қўшимчаси ёрдамида ифодалаш маъқул кўрилган:

Бас ғизое, ки зи вай дил зинда шуд,
Чун биёмад дар тани ту, ганда шуд (3, 283)

Таржимаси:

Ҳар ғизоким, дил анинг-ла зиндадир,
Ул сенинг жисминга сингиб, гандадир (3, 323)

Кўриняптики, аслиятдаги “зинда” ва “ганда” сўзлари таржимада айнан қофия вазифасини бажарган.

Радиф нафақат бир сўз, балки икки ва ундан ортиқ сўздан ҳам иборат бўлиши мумкин. Қуйидаги байтда радиф икки сўздан ташкил топган. Жамол Камол таржимасида радифлар тўлиқ сақланмаган бўлса-да, байт содда ва тушунарли тарзда ўзбекчалаштирилган:

Пас хавоси чира маҳкуми ту шуд,
Чун хирад солору маҳдуми ту шуд (3, 262)

Таржимаси:

Ақлу ҳуш гар сенга нозир бўлгуси,
Ҳис-ҳавас амрингга ҳозир бўлгуси (3, 299)

Қуйидаги байтларда эса радиф уч сўздан таркиб топган:

Ҳар кучо дарде, даво он чо равад,

Ҳар кучо факре, наво он чо равад.

Ҳар кучо мушкил, ҷавоб он чо равад,

Ҳар кучо киштист, об он чо равад (1, 297)

Таржимаси:

Қайда дард эрса, даво бергай анга,

Қайда йўқсилдир, наво бергай анга.

Қайда мушкулдир, этар ҳаллини у,

Қайда экиндр, таратгай унга сув (3, 339)

Юқорида келтирилган тўрт мисранинг деярли ярмини радиф ташкил этади. Таржимон биринчи байтдаги радифнинг муқобилини топа олган, натижада байт таржимаси аслига мазмунан ҳам, шаклан ҳам мувофиқ чиққан. Аммо кейинги байтда мазмун, шакл ва вазн сақланган бўлса ҳам, радиф берилмаган. Дастлабки байт аслиятида “дарде” – “факре” ҳамда “даво” – “наво” сўзлари қофиялардир. Таржимада бу қўш қофиялардан фақат биттаси (“даво” – “наво”) сақланган. Кейинги байтдаги “жавоб” – “об” қофияси эса сақланмаган. Натижада аслият ва таржима орасида нафақат шаклан, балки мазмунан озгина узоқлашиш вужудга келган.

Мана бу байт таржимаси эса аслиятдаги қофиялар ва радифнинг ўзбекча муқобилларини топиб қўллаш асосида амалга оширилгани билан диққатни тортади:

Ақл бо ақли дигар дуто шавад,

Нур афзун гашта раҳ пайдо шавад (2,120)

Таржимаси:

Гар ақлга боз ақл ҳамроҳ бўлур,

Нур бўлур афзун йўл пайдо бўлур (2,131)

Хуллас, Шарқ мумтоз адабиётида қофия билан бирга радифдан ҳам кенг фойдаланиш урф бўлган. Радиф мисраининг оҳангдорлигини таъминлайди, унинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттиради, муаллифнинг мақсади, ҳис-туйғусини жамлаб кўрсатади. Ўз-ўзидан, қофия ва радифларнинг таржимада сақлаб қолиниши китобхоннинг асар аслияти ҳақидаги тасаввурини ёрқинлаштиради, унинг қалбида муаллифга ҳурмат-эҳтиром уйғотади.

ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР ТАРЖИМАСИДА ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ

Мумтоз салафларимиз шеърий меросига хос услуб жилolari ва улар таржимасига оид жиҳатлар ҳақида сўз борганда анъанавий тасвирий воситалар масаласига мурожаат қилиш гоят табиийдир. Зеро, зиддиятлар ва қарама-қаршиликларга тўла ҳаёт тасвири жараёнида таъсир кучини ошириш мақсадида бадиий санъатлардан самарали фойдаланиш барча даврлар адабиётига хос муштарак жиҳатдир.

Бадиий тасвир воситаларининг муҳим хусусиятларидан яна бири уларнинг ижодкор услубини белгилашдаги мавқеида кўринади. Зотан, кўпдан кўп қалам соҳиблари томонидан истифода этилиши анъанага айланганлигига қарамасдан, ҳар бир бадиий санъат алоҳида ижод соҳиблари асарларида алоҳида шакл ва мазмун хосликларини намоён этади. Бу эса, ўз навбатида, ижодкорнинг индивидуал услубини, унинг ўзигагина хос тасвир тамойилларини белгилаб олиш имконини беради.

Шеърий асар жозибаси ташбеҳ, мажоз, тажнис, истиора, тарсеъ, китобат, тавсиф, талмеҳ, тафсир, ирсоли масал, тамсил сингари образли тасвирий ифодаларга, шунингдек, асар оҳанги, ички олами, қаҳрамонлар ҳаракати ва руҳий

кечинмаларини тасвирловчи киноя, муболага, тазод, ружуъ, лирик чекиниш, нидо, такрор, савол-жавоб, қайтиш каби воситаларга чамбарчас боғлиқдирки, муҳим шеърӣй унсурлар сифатида асар композицияси ва лирик сюжетиинг шаклланишига ҳисса қўшадиган бу каби воситаларсиз асарнинг асл матни ҳам, шу матн таржимаси ҳам мукаммал бўла олмайди. Юксак маҳорат билан яратилган асар таржимаси катта меҳнат ва машаққат талаб этганидек, бадий маҳорат қирралари яққол намоён бўлмаган асар таржимаси унинг мутаржимига ҳам шуҳрат келтириши мушкул. Таржима асарнинг ўз халқи маънавий мулкига айланишини орзу қилган мутаржимлар айни шу зарурат тақозоси ўлароқ, манба танлаш ҳамда унинг таржимасини амалга ошириш жараёнига ғоят талабчанлик билан муносабатда бўладилар. Бундай жиддий муносабат бугунги кунга келиб, ўзбек таржима санъатининг дунё адабиётидаги ғоят улуғвор ва бетакрор асарлар таржимаси ҳисобига бойишига омил бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шубҳасиз, юксак маҳорат маҳсули бўлган ўғирмалар сафига Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари таржимаси алоҳида салобат бахш этиб турибди.

Ҳазрат Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”да форс-тожик адабиётининг ўзигача бўлган ютуқларидан моҳирона фойдаланди ва ўзи яратган ҳар бир байтда уларни янада мукаммаллаштирди. “Маснавий”ни мазмун ва шакл мутаносиблигининг ғоят гўзал намунаси десак бўлади. Шеърӣй санъатларнинг қиёмига етказиб ишлатилганлиги асар тилининг мураккаблашишига эмас, аксинча, содда ва равон бўлишига замин яратган.

Биз мазкур тадқиқотимизда “Маснавийи маънавий”да қўлланган бадий санъатларнинг Жамол Камол шеърӣй таржимасидаги ифодасини назардан ўтказишни мақсад қилдик.

*Ман ба ҳар жамъияте нолон шудам,
Жуфти бадҳолону хушҳолон шудам. (1,16)*

Таржимаси:

*Давралар кўрдим неча нолон бўлиб,
Хушдилу дилпора бирлан ўлтириб. (1,8)*

Кўринадики, асар аслиятидан олинган дастлабки байтда “бадҳолон” ва “хушҳолон” сўзларини қарама-қарши қўйиш тазод санъатининг юзага келишига замин яратган. Истеъдодли таржимон эса бу икки ифода ўрнида “хушдилу дилпора” сўзларини қўллайди. Таржимон “бадҳолон” ифодаси ўрнида қўллаган “дилпора” сўзи дастлабки мутолаа жараёнида байт моҳиятига мувофиқ келмагандай туюлади. Бироқ “дилпора” сўзи маъно қирралари билан “афтода”, “муҳтож” сўзларига тенг келиши инобатга олинса, бу сўз мазмун ва шакл талабларига жуда мувофиқ келганлиги аёнлашади. Луғатларда “бадҳол” сўзининг “бадахвол, афтодахол, бечора”³ маъноларида ишлатилиши таъкидланганлиги ҳам фикримизни далиллайди. Қолаверса, таржимадаги айни ҳолат вазн талабларига кўра юзага келганлигини ҳам англаш қийин эмас.

*Дарнаёбад ҳоли пухта ҳеч хом,
Пас суҳан кўтоҳ бояд, вассалом. (1, 16)*

Таржимаси:

*Пухтанинг ҳолини ҳеч билгайми хом,
Мухтасар этгил сўзингни, вассалом. (1, 8)*

Келтирган байтда “пухта” ва “хом” сўзлари тазодни ҳосил қилган. Ҳар қандай жамиятда ишига пишиқ, касб-корининг билимдонлари, яъни зийрак, доно кишилар фаровон яшашади. Ишёқмас, танбал, хом, яъни ғафлатга берилган нодон кимсаларнинг аҳволи эса ҳеч қачон яхши

бўлмайди. Шу боис шоир барчага маълум бу ҳақиқат ҳақидаги каломини чўзмасдан, сўзини мухтасар қилади: “Пас сухан кўтоҳ бояд, вассалом”.

Бадиий санъатлардан яна бири тавсифдир. Ижодкор бирор нарса ёхуд шахснинг шаклу шамойили, қадду қомати ёки гўзаллигини тасвирлаш учун бу санъатдан моҳирлик билан фойдаланади. “Маснавийи маънавий”нинг “Баққол ва тўти” ҳикоясидаги қуйидаги байтда шоир тўтининг тавсифини келтиради:

*Буд баққолеву вайро тўтие,
Хушнавое, сабз, гўё, тўтие. (1, 22)*

Таржимаси:

*Бор эди баққол, унинг бир тўтиси,
Сабзаранг ҳам сўзга моҳир тўтиси. (1, 15)*

Аслиятдаги “овози ширали” ифодаси, яъни “хушнавое” сўзи таржимада сақланмаган эса-да, таржима-байтда тавсиф санъати ўзгача ранг ва оҳангда намоён бўлган. Бу ҳолат асарнинг бадиий қийматига ҳеч қандай зарар етказмаган, аксинча ифоданинг содда ва рагон чиқишига эришилган.

Маънавий санъатлардан яна бири талмеҳдир. Ахлоқий-таълимий характерга эга “Маснавий”да бу санъат бошқа санъатларга нисбатан кўпроқ ишлатилган. Зотан, асарнинг ирфоний манбаларини Қуръони карим ва Ҳадиси шариф ташкил этади. Жалолиддин Румий Илоҳий китобнинг кўплаб сура ва оятларига, қиссаларига моҳирлик билан ишоралар қилган. Бу ҳолат таржимада ўз ифодасини топган:

*Он писарро к-иш Хизр бубрид ҳалқ,
Сирри онро дарнаёбад оми ҳалқ. (1, 21)*

Таржимаси:

*То Хизр кесди гўдакнинг бўғзини,
Англамас омий бу сирнинг магзини. (1, 14)*

Ёки:

*Гар Хизр дар баҳр киштиро шикаст,
Сад дурустӣ дар шикасти Хизр ҳаст.* (1, 22)

Таржимаси:

*Кема бўлди Хизр илкидин тешик,
Ул шикаста бор эди юз яхшилик.* (1, 15)

Келтирилган байтлар ҳайрат уйғотишига шубҳа йўқ. Хўш, Хизр (а.) нега гўдакнинг бўғзини кесади? Не сабаб олис сафарга отланган кемани тешади? Унинг бу ишларида қандай ҳикмат яширинган? Шоир айтмоқчи, қанақа юз яхшилик (сад дурустӣ) бор унинг бу амалларида? Бу каби саволлар моҳиятига етиш учун талмеҳ санъати талабларини пухта ўзлаштириш зарур. Мазкур санъатнинг тарихий ва афсонавий шахслар ҳаётига ишора қилишини яхши билган ва илоҳиёт илмларидан озми-кўнми хабардор киши Хизр ҳаётига оид бундай саволлар жавоби фақат Илоҳий китоб – Қуръони каримда эканлигини яхши англайди. Зеро, “Маснавий” муаллифи бу байтларда Хизр ва Мусо алайҳиссаломлар иштирокида кечган воқеа – “Қаҳф” сурасининг 60-82-оятларида зикр этилган ҳақиқатларга ишора қилган.

Мумтоз адабиёт намуналари орасидан муболаға санъати ишлатилмаган бирор асарни топиш мушқул. Бу фикр “Маснавий”га ҳам тегишли бўлиб, асарда муболағага кенг мурожаат қилинган. Таржимон эса аслиятдаги санъатларни имконият даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилган, жумладан, муболаға қўлланган байтлар таржимасига алоҳида эътибор қаратган. Ўрни келганда, уларни бир оз соддалаштириш, замондош китобхон нутқи ва дунёқарашига мослаштиришга интилган. Фикримиз тасдиғи учун қуйидаги байтларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир:

*Он канизак аз мараз чун мўй шуд,
Чашми шаҳ аз ашки хун чун жўй шуд. (1, 17)*

Таржимаси:

*Устухон бўлди канизак саргайиб,
Шоҳ эса ўртанди кўздин ёш қуйиб. (1, 9)*

“Канизак касаллик туфайли соч толасидай бўлиб қолди...” дея муболағанинг ғулувв даражасини қўллаб мисра тизади “Маснавий” муаллифи. Шоҳ кўзининг қонли ёшга тўлган ариққа қиёсланишида ҳам ғулувв кайфияти устувор. Таржимон шоир эса сал бошқачароқ йўл тутган: ғулувли муболаға ўрнига таблиғли мубалаға қўллашни маъқул кўрган. Шу тариқа у байт шакли ва мазмунини анча соддалаштирган. Зотан, касалликдан эти суягига ёпишиб, саргайиб қолган канизак, ғам туфайли кўзидан ёш оқизаётган шоҳ ҳолатлари тасвирида муболаға даражаси сезилар-сезилмасдир.

Муболаға қўлланган қуйидаги байтлар таржимасида эса шоир аслиятдаги мазмун-моҳиятни айнан сақлаб қолишга муваффақ бўлган:

*Чунки халқ аз марги ў огоҳ шуд,
Бар сари гўраш қиёматгоҳ шуд.*

*Халқ чандон жамъ шуд бар гўри ў,
Мўканон, жомадарон дар шўри ў.*

*Он халоиқ бар сари гўраш маҳе,
Карда хунро аз ду чашми худ раҳи. (1, 32)*

Таржимаси:

*Келди халқ бул шевадин огоҳ бўлиб,
Қабри боши бир қиёматгоҳ бўлиб,*

*Жам бўлиб халқ қабрининг ўтрусида,
“Хув” дебон тўн йиртдилар қайғусида.*

*Бор халойиқ чекдилар бир ой фигон,
Ёш эмас, кўзлардин ҳар дам оқди қон. (1, 27)*

Таржимон маҳорат ила ўгирган, турли санъатлар билан безатилган бу каби байтлар ёнма-ён яшаган ва тараққий топган туркий ва форсий халқлар сўз санъати ривожига хос ғоявий, бадиий муштаракликлардан ёрқин нишонадир. Истиқдол берган имкониятлар туфайли халқимизга буюк исломий имон-эътиқод, ахлоқ-одоб ифодаси бўлган “Маснавийи маънавий”дек мўътабар асарни ўз тилимизда ўқиш бахти насиб этди. Галдаги вазифамиз эса бу нодир асарни мутолаа қилиб, унинг юксак бадиий олаmidан баҳра олиш ва кундалик ҳаётимизда адибнинг қимматли ўғитларидан фойдаланишдир.

Шеърый асар жозибаси образли тасвирий ифодаларга, асар оҳанги, ички олами, қаҳрамонлар ҳаракати ва руҳий кечинмаларини тасвирловчи воситаларга чамбарчас боғлиқдирки, буларсиз унинг асл матни ҳам, шу матн таржимаси ҳам мукамал бўла олмайди. Қўлланмада “Маснавийи маънавий” муаллифи, буюк сўз санъаткори Мавлоно Жалолиддин Румий ҳамда асарнинг илк ўзбекча тўлиқ шеърый таржимасини амалга оширган ҳассос таржимон, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол маҳоратининг муҳим қирраларини бадиий санъатлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан ойдинлаштиришга уриниб кўрилди.

Назм ўзининг гўзаллиги, оҳанги, дилкашлиги, таъсирчанлиги ва юксак бадиияти билан инсон қалбини ҳамиша ром қилиб келган. Чунки шеърый нутқдаги жозибадорлик, рангинлик ва равонлик биринчи мутолаадаёқ ўқувчи диққатини тортади, унга кучли таъсир қилади. Бу, айниқса, мумтоз адабиёт намояндалари маънавий меросига хос муҳим фазилатдир. Чунки уларнинг ҳар бир сўзи, ифода

ва мисраси, панду ўғити инсоният камолоти учун хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг машҳурлик сирлари ҳам шундадир.

Дунё сўз санъати намуналарини муштарак адабий ёдгорликлар сифатида тушуниш ва улардан миллат маънавиятини юксалтиришда фойдаланиш барча мамлакатларда ўзининг хайрли самараларини берган. Аксинча, ўзга халқлар маданий ютуқларидан кўз юмиш, уларнинг кириб келиши ва ижобий маънода ўзлаштирилишига тўсқинлик қилиш хунук оқибатларга олиб келиши мумкин, буни ўтган асрнинг маълум даврида бу жабҳада дуч келинган айрим муаммолар мисолида қайд этиш мумкин. Масаланинг худди шу жиҳатига диққат қаратган мухтарам Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деб номланган рисолаларида бу соҳада сўнгги йилларда қўлга киритилган ютуқлар эътироф этилиши билан бирга ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалаларга алоҳида урғу берилади: “Жаҳон адабиёти” журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак”.¹

Ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир юртда яшаб, бир ариқдан сув ичиб, умргузаронлик қилиши, нафақат улар ҳаёти, турмуш тарзи, балки адабиётида ҳам тўлалигича намоён бўлади.

¹Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. 32-бет.

Адабиётшунос ва таржимон Ш. Шомуҳаммедов бу масаланинг бир жиҳати хусусида: "...шеърда ҳижолар нисбати жиҳатидан классик ўзбек ва тожик адабиётларида муштараклик бор"², - дея қайд этади. Адабиётшунос бу ўринда нафақат икки адабиётдаги вазнининг муштарак хусусиятларини қайд қилган, балки улардаги адабий жанрлар, мавзулар силсиласи, ҳатто бадиий воситаларни қўллашда ҳам бир-бирига ҳамоҳангликни ҳам назарда тутган.

Монография таржимашунослик масалалари билан шуғулланаётган ёш тадқиқотчилар, магистратура ва бакалаврият босқичида таҳсил олаётган толиби илмлар амалиётида муҳим кўмакчи бўлади, деган умиддамиз.

МУБОЛАҒА. Муболаға (арабча, бирор ишга қаттиқ киришиш) нарса-ҳодисани, унга хос бўлган бирор белгини бўрттириб: катталаштириб, кичрайтириб, кучайтириб ёки кучсизлантириб тасвирлашга асосланган санъатдир.

Мумтоз адабиёт намуналари орасидан муболаға санъати ишлатилмаган бирор асарни топиш мушкул. Бу фикр "Маснавий"га ҳам тегишли бўлиб, асарда муболағага кенг мурожаат қилинган. Таржимон эса аслиятдаги санъатларни имконият даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилган, жумладан, муболаға қўлланган байтлар таржимасига алоҳида эътибор қаратган. Ўрни келганда, уларни бир оз соддалаштириш, замондош китобхон нутқи ва дунёқарашига мослаштиришга интилган. Фикримиз тасдиғи учун қуйидаги байтларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир:

Аслиятда:

*Он канизак аз мараз чун мўй шуд,
Чашми шаҳ аз ашки хун чун жўй шуд. (1, 17)*

².Шомуҳаммедов Ш. Ҳам илм, ҳам санъат. Китобда: Таржима санъати. Мақолалар тўплами.. Тошкент, 1973. 44-бет.

Таржимада:

*Устухон бўлди канизак саргайиб,
Шоҳ эса ўртанди кўздин ёш қуйиб. (1,9)*

“Канизак касаллик туфайли соч толасидай бўлиб қолди...” дея муболаганинг ғулувв (ақлан ишониш ҳам, ҳаётда юз бериши ҳам мумкин бўлмаган муболага) даражасини қўллаб мисра тизади “Маснавий” муаллифи. Шоҳ кўзининг қонли ёшга тўлган ариққа қиёсланишида ҳам ғулувв кайфияти устувор. Таржимон шоир эса сал бошқачароқ йўл тутган: ғулувли муболага ўрнига таблиғли муболага қўллашни маъқул кўрган. Шу тариқа у байт шакли ва мазмунини анча соддалаштирган. Зотан, касалликдан эти суягига ёпишиб, саргайиб қолган канизак, ҳам туфайли кўзидан ёш оқизаётган шоҳ ҳолатлари тасвирида муболага даражаси сезилар-сезилмасдир.

Муболага қўлланган қуйидаги байтлар таржимасида эса шоир аслиятдаги мазмун-моҳиятни айнан сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Қуйидаги мисолда Мажнун ҳеч қандай нарсадан кўрқмаслигини айтар экан унинг сабрли чидамлигини тоғ тошига ўхшатади, адиб уни жони тошжан ҳам қаттиқлигини муболага орқали бадий тасвирлайди. Жамол Камол эса аслиятдаги шеърини санъатни таржимада беришга муваффақ бўлган:

Аслиятда:

*Гуфт Мажнун: “Ман наметарсам зи неш,
Сабри ман аз кўҳи сангин ҳаст беш. (5, 496)*

Таржимада:

*Деди Мажнун: менга нашта не писанд,
Сабру бардошим баланддир тоғданам. (5,566)*

Румий - ҳаёт мазмунини чуқур мушоҳада этган буюк мутафаккир. Инсонни ҳар қандай ҳолат ҳайратга

сололмайди. Агар бирон нарсага берилиб кетиб ҳайратда қолсанг, “бошингдаги ҳар бир тола сочинг бош ё ақл бўлиши мумкин” деб муболаға санъати орқали мақсадини ифодалаши бадиий асар таъсирчанлигини оширади. Мутаржим эса ўзбек тилининг бойлигидан унумли фойдаланган ҳолда байтни ўзбекчалаштирган;

Аслиятда:

3-ин сар аз ҳайрат гар ин ақлат равад,
Ҳар сари мўят сару ақле шавад. (4, 378)

Таржимада:

Ҳайрат ичра учса ақлинг мисли қуш,
Бош бўлур ҳар тола мўйинг, ақлу ҳуш. (4, 429)

Одам ҳар қанча жаҳли чиқмасин, уни ҳеч қачон оғзидан олов чиқмайди. Румиёна тасвирлар эса, бемалол кишилар оғзидан олов чиқиб кетишини таъминлайди. Қуйидаги мисрада адиб ўз мақсадини ифодалар экан, муболаға санъатидан кенг фойдаланган. Аслиятдаги мазмун ва шакл таржимада тўлиқ ифодасини топган:

Аслиятда:

Хашми хунхораш шуда буд саркаше,
Аз даҳонаш мебаромад оташе. (5, 538)

Таржимада:

Мир миниб қаҳру ғазабга беомон,
Оғзидин ўтлар сочарди ҳар томон. (5, 616)

Оллоҳнинг марҳамати ва лутфи ниҳоятда кенг, уни бир Раҳмонлиги билан бутун дунё гулга айланса, Қаҳҳорлиги туфайли бутун борлиқ харобазорга айланади. Ана шу ғоя қуйидаги байтда бошқача тарзда бадиий ифодасини топган. Адиб Яратганнинг лутфини “набот”га қиёсласа, мутаржим уни “лутф”, “меҳр” сўзлари орқали беради. Натижада

муболаға санъати аслиятдек берилиб, байтдаги “талх” муқобили “аччиқ” таржимадан тушиб қолади:

Аслиятда:

*3 - он набот ар гард дар дарё равад,
Талхии дарё ҳама ширин шавад. (5, 541)*

Таржимада:

*Қатра лутфи томса денгизга магар,
Тонг эмас, денгиз суви ширин бўлар. (5, 618)*

Румий бадий тасвирнинг нозик жиҳатларидан ниҳоятда олий даражада фойдаланади. Худо ва унинг ишқи ҳақида сўз борар экан, нафақат инсон қалби титрайди, балки қаламлар синиб, варақлар йиртилиб кетади. Шундай ҳолат шоир томонидан ҳам гўзал ҳолатда тасвирланган. Жамол Камол эса адиб мақсадини чиройли тарзда ўзбек китобхонига етказишга муваффақ бўлган:

Аслиятда:

*Чун сухан дар васфи ин ҳолат расид,
Ҳам қалам бишкаст-у, ҳам қоғаз дарид. (5, 556)*

Таржимада:

*Сўз бу ҳолат васфига етгач, шу дам,
Йиртилиб қоғоз, ҳамон синди қалам. (5, 635)*

Хулоса шуки, Румий “Маснавийи маънавий” асарида ўз мақсадини ифодалашда, шунингдек, ўқувчининг кайфиятини кўтариб, унинг қалбидан жой олиш учун ўрни билан муболаға санъатидан фойдаланган. Буни юқорида бир неча мисоллар асосида назардан ўтказдик.

ТАШБЕҲ. Ташбех (арабча, ўхшатиш) – шеърда бир нарса- ҳодисани бошқа бир нарса-ҳодисага ўхшатиб тасвирлаш санъати.

Жалолиддин Румий ташбех – ўхшатишга ҳам ўрни билан мурожаат қилиб, мақсадини ифодалаш учун уни қўллайди.

Жамол Камол таржима жараёнида Румий ташбеҳларини аслиятдагидек сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Қуйидаги байтда Аҳмад - пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.)нинг исмлари. Адиб барчамизни “мис”га ўхшатган бўлса, Расулимизни “кимё”га ўхшатиш орқали муддаосини бадиий тасвирлаган. Мутаржим байтни ўзбекчалаштирар экан, аслиятдаги шакл ва мазмуни сақлашга муваффақ бўлган:

Аслиятда:

Ки наместонад ба мо, гарчи зи мост,
Мо ҳама миссему Аҳмад кимиёст. (4, 367)

Таржимада:

Гарчи биздандир, бўлакдир ул, аё.
Биз ҳама мис эрсак, Аҳмад – кимё. (4, 417)

Шоир инсонларнинг жим туришини баҳрга ўхшатади. Дарҳақиқат, баҳрга назар солсангиз, гўёки у жим тургандек. Аммо ариқча ичидан сув оқса, унинг чиройли товуши инсонларнинг сўзлашига ўхшайди. Ана шу ҳолат қуйидаги байтда ўхшатиш санъати орқали бадиий ифодасини топган. Таржимон эса ўхшатиш санъатини аслиятдек ўтирган. Фақат Румий “Баҳр межўяд туро” деса мутаржим “Денгизинг турганда” шаклида беради. Аслиятда “излайди” деса таржимада “туради” шаклида ифодасини топган:

Аслиятда:

Хомушӣ баҳр асту гуфтан ҳамчу чӯ,
Баҳр мечӯяд туро, чӯро мачӯ. (4, 394)

Таржимада:

Жим туриш – денгиз, сўзинг – ирмоқ ҳама,
Денгизинг турганда ирмоқ излама. (4, 448)

Мутафаккир шоир кўзани одам шаклига ўхшатса, унинг ичидаги майни инсоннинг мазмун ва моҳиятига ўхшатади. Ўхшатиш санъатини эса Жамол Камол аслиятдек ўтирган:

Аслиятда:

Гуфт: “*Сурат кўза аст-у, ҳусн май,*
Май Худоям медиҳад аз нақши вай”. (5, 531)

Таржимада:

Деди: суврат – кўза, май эрмиш ҳусн,
Тангри менга май тутар ул кўзадин. (5, 607)

Жамол Камол қуйидаги байтни ўзбекчалаштирар экан, ўхшатиш санъатини янада аниқроқ ва гўзал тарзда сўзлар ўрнини алмаштириш орқали амалга оширган:

Аслиятда:

Ин дилам боғ асту чашмаш абрваиш,
Абр гўяд, боғ хандад шоду х(в)аш. (6, 599)

Таржимада:

Кўз – булут, кўнгил – чамандир, жилвагар,
Гар булут кўзёши тукса, боғ кулар. (6, 686)

Жалолиддин Румий шундай буюк мутафаккирлар сирасига кирадики, ҳар бир сўзи, мисраси, байти, ҳикмати ва яратилган гўзал шеърӣй санъатлари охиратгача инсонлар қалбидан қалбига ўтиб, кайфиятини кўтариб, руҳиятига ижобӣй таъсир қилади. Фикримизнинг далили сифатида юқорида унинг ўхшатиш санъати орқали гўзал бадиӣй тасвирларни яратганлигига гувоҳ бўлдик.

ТАЗОД. Шеър мисраларида бир-бирига зид моҳиятга эга нарс-ҳодиса, белги, тушунчаларни ўзаро қарама-қарши қўйиш орқали вужудга келтириладиган санъат тазоддир.

Шеърда бу санъат, асосан, қарама-қарши маъноли сўзларни қўллаш орқали воқеланади. Аммо зид маъноли сўзлар доимо (масалан, “тун-кун” каби жуфтланиб қўлланганда) эмас, айнан қарама-қарши қўйилгандагина тазод амалига замин бўлиши мумкин.

Қуйидаги байтлар таржимасида ҳам шоир-таржимон маҳорати яққол кўзга ташланади. Кейинги байтда “яхшига яхши” ва “ёмонга ёмон” деган фикр тазод санъати орқали бадиий ифодасини топган:

Аслиятда:

Ки нагардад суннати мо аз рашад,
Некро некӣ бувад, бадрост бад. (5,529)

Таржимада:

Йўлимиз йўлдин оғишмас ҳеч қачон,
Яхшига яхши, ёмонларга ёмон. (5, 604)

Қуйидаги байтни таржимон ўзбекчалаштирар экан, аслиятдаги мисраларнинг ўрнини ўзгартириш орқали амалга оширади. Лекин тазод санъати аслиятдек берилгани қувонарли ҳолдир:

Аслиятда:

Аз яке кўза диҳад *захру* асал,
Ҳар якеро дасти Ҳақ азза ва жал. (5, 531)

Таржимада:

Бир идишдин ул Худойи аззи жал,
Ҳам заҳар куйгай-да, ҳам қуйгай асал. (5, 607)

Қуйидаги байтда адиб моҳирлик билан биричи мисрада “ғайб ва жаҳон”ни ва иккинчи мисрада “пайдо ва ниҳони” тазод санъати орқали бадиий тасвирласа таржимон ҳам аслиятдек ўзбекчалаштирган:

Аслиятда:

Бода аз ғайб асту кўза з-ин ҷаҳон,
Кўза пайдо, бода дар вай бас ниҳон. (5, 532)

Таржимада:

Бода ғайбдин, кўза дунёдин келур,
Кўза пайдо, бода пинҳон эрди ул. (5, 608)

Қуйидаги байтда “хушёрӣ ва масти” тазод санъатини юзага келтирган бўлса, таржимада ҳам бу ҳолат тўла ифодасини топган:

Аслиятда:

Вақти *хушёрӣ* чу обу равғананд,
Вақти *мастӣ* ҳамчу жон андар тананд. (5, 536)

Таржимада:

Сув била ёғдир чу *хушёрлик*да эл,
Жону тандир *масту хумморлик*да эл. (5, 612)

Моҳир таржимон форс-тожик тилини яхши билиш билан бирга, таржимонлик маҳоратини яхшигина ўзлаштирган. Шунингдек, унинг шоирлиги ҳам мутаржимга қувват бағишлаб ҳар бир сўз ва ибораларни ўгиришига яқиндан қўллаган десак муболаға бўлмайди. Унинг ажойиб таржимонлик маҳорати қуйидаги байтда ҳам яққол кўзга ташланган:

Аслиятда:

Ҳоли *ботин* гар намеояд ба гуфт,
Ҳоли *зоҳир* гўямат дар тоқу чуфт. (5, 540)

Таржимада:

Ҳоли *ботин* келмас эрса тилга, боқ,
Ҳоли *зоҳир* сўйла ўйнаб жуфту тоқ. (5, 618)

Хулоса шуки, Румий ҳаёт зиддиятларини турли тарзда тазод санъати орқали бадиий тасвирласа, Жамол Камол ўзбек тилининг бойлигидан моҳирлик билан фойдаланиб, ҳар бир байтни таржима қилган.

ИРСОЛ УЛ-МАСАЛ. Ирсол ул-масал (арабча, мақол киритиш сўзидан) – шеърда ҳалқ мақоллари, нақлларини айнан келтириш ёки мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириб келтириш санъати: *Дейдилар, ит ҳурур, ўтади*

карвон. (А.Орипов) (“Маснавий” да халқ мақолларининг таржимада берилиши (Монография, 2019 йил)).

Халқ тилида бадиий мўъжиза яратиш воситалари жуда кўп. Таниқли адабиётшунос олим Ғайбулла Саломов бу сирадаги айрим воситалар ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: “Агар мендан: тилда ҳам мўъжизалар бўладими? – деб сўрасалар, мен: агар бўлса, тилнинг “мўъжизаси” – ундаги мақол, матал ва идиомалардир, деб жавоб қилган бўлар эдим”. Чиндан ҳам, гапнинг қаймоғи, ширини, олам-олам маъно берадигани ва шу билан бирга, лўндаси мақол, маталлардир”.¹ Дарҳақиқат, ҳар бир миллат тилига хос мўъжизалар ўша тилдаги йиллар давомида ҳаёт синовидан ўтган халқона мақоллар, маталлар, идиомалар мисолида яққол намоён бўлади.

Халқнинг тили бой, уни ўрганиш, тил захираларидан жой-жойида фойдаланиш ҳар бир ижодкорга, шубҳасиз, катта муваффақият келтиради. “Маснавийи маънавий” ана шу бой захирадан катта маҳорат ила фойдаланиш асосида дунёга келган машҳур адабий-ирфоний пандномадир.

Асар таржимони бадиий маҳоратининг муҳим қирраларини “Маснавий” аслиятида қўлланган айрим халқ мақолларининг таржимада берилишини назардан ўтказиш орқали ҳам ойдинлаштириш мумкин.

“Маснавий” муаллифи ўз асарида Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва чаҳор ёри босафо ҳаётлари билан боғлиқ кўплаб воқеа-ҳодисалар тасвирига ўрин ажратган. Шундай бадиий лавҳалардан бири “Рум элчисининг Амир ал-Мўъминин Умар разияллоҳу анҳу ҳузурига келиб, унинг кароматини кўргани” ҳикоятидир. Ривоят қилишларича, Умар (р.а.)ни излаб Қайсар элчиси келади. Одамлардан Умар (р.а.)нинг қасрини сўрайди. Шунда одамлар унда қаср йўқлигини

¹ Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. Тошкент: “Фан”, 1961. 3-бет.

айтадилар. Шунда элчи хайрон қолиб, халифани излашда давом этади. Ниҳоят, одамлардан Умар (р.а.)нинг таърифларини эшитиб, қалбида ул зотга нисбатан улкан муҳаббат уйғонади. “Бундай инсонни дунё дунё бўлиб, кўрганмикин?” – дея муҳаббати ғалаба қилиб, излашда давом этади элчи. Ҳатто элчи қалбида “Қани энди унга қул бўлсам”, деган орзу илдиз отади. Ва ўзига “излаган топади” дея тасалли беради. Бу ҳақиқатга имон келтиргани заҳоти бир аёл йўл устида элчини учратиб қолиб, халифа хурмо дарахти соясида ўтиргани ҳақида хабар беради. Бу ажиб саргузаштни шоирона таъбир ила талқин этган “Маснавий” муаллифи ёзади: “Ким дунёда нимани изласа, албатта топади ва мақсадига етади”. Шоир бу хулосаси тасдиғи учун форсийда машҳур “Жўянда ёбанда аст” мақолидан фойдаланган ва ўз фикрининг таъсирчан чиқишига эришган.

Ўзбек тилида бу мақолнинг “Қидирган топади”, “Излаган топар”, “Излаганга толе ёр” каби вариантлари мавжуд. Жамол Камол мақолни ўзбекча таржимада “Излаган топгай” шаклида қўлдайдик, мазкур талқин аслиятга айнан мосдир. Қиёсланг:

Аслиятда:

Жуст ўро, то-ш чун банда бувад,
Ложарам жўянда ёбанда бувад. (1, 52)

Таржимада:

Кошки қул бўлсам Умарга, дерди ул,
Излаган топгай, деган гап тўғридур. (1, 50)

“Маснавий”да ижтимоий ҳаётнинг турли қатламлари, турли касб эгалари ҳаёти ҳақида баҳс юритувчи ҳикоятлар талайгина. Улардан бири учинчи китобдан ўрин олган “Бир илон овловчи совуқда музлаган аждаҳони ўлган деб ўйлаб, Бағдодга келтиргани” ҳикоятидир. Мазкур ҳикоят орқали ҳам одам боласининг тадбир йўли билан амалга ошиши

мушкул бўлган ишни уддалашига ишора қилинади. Бироқ бундай тадбиркорлик ва мақсад йўлидан чекинмаслик бирда омад келтирса, бирда омадсизлик ёхуд ҳалокат сари етаклаши ҳам мумкин. Зеро, ақл ва тадбир эгаси эзгу самарага эришиши муқаррар бўлганидек, хатар туғдириши мумкин бўлган ишга қайсарлик ила саъй этган одамнинг аҳволи войдир. Бунинг устига, бундай нодон кимсанинг ҳаракати нафақат ўзига, бошқаларга ҳам офат келтириши мумкин. Илон овловчининг ўзбошимчалиги ҳам шундай оқибатга олиб боради: совуқда музлаб, ўлик ҳолга келиб қолган аждаҳо кунлар исиши билан жонланиб, томошага келган одамларни ҳам, илон овловчини ҳам ўз комига тортади. “Ҳа, – хулоса қилади шоир, – яхши киши яхшиликка интилиб, эзгу самарага эришгани каби ёмон кимсанинг аҳмоқона мақсад кетидан қувиши ҳам ёмон оқибатга олиб бориши муқаррардир”. Мазкур ҳикоят аввалида худди биринчи китобдаги биз юқорида таҳлилга тортган Рум элчиси саргузаштига бағишланган ҳикоятдаги каби “Жўянда ёбанда аст” мақоли келтирилган. Бироқ илон овловчининг биз мухтасар қайдларда кузатган хатти-ҳаракатларидан маълум бўладики, бу ҳикоятда мазкур мақол аввалги мақсад-муддао учун, яъни эзгулик йўлида интил, излаганингга етасан, деган мазмунда эмас, балки “Ҳар ким экканини ўради” мазмунида қўлланган.

Байт таржимаси жуда равон, аслиятдаги мазмун ва шакл сақланган ҳолда амалга оширилган. Бу таржимоннинг асар муаллифи мақсадини яхши англаганидан далолатдир. Қиёсланг:

Аслиятда:

Гар гарону гар шитобанда бувад,
Он ки жўяндаст, ёбанда бувад. (3, 240)

Таржимада:

Гарчи суст юргувчи, гар чопгувчидир,
Излаган кимса магар топгувчидир. (3, 274)

“Маснавий” муаллифи асарда илоҳий мўъжиза бўлмиш ишқ ва муҳаббат мавзусига ҳам қайта-қайта мурожаат қилган. Асарда ҳатто ишқ муаммоси бевосита ёки билвосита эсланмаган ҳикоят йўқ ҳисоби. “Маснавий”нинг учинчи китобидан ўрин олган “Ошиқнинг маъшук васлига етгани, зеро излаган топади, киши бир зарра яхшилик этгай, муқаррарким, унга ҳам яхшилик етгай” деб номланган ҳикоятда шоир ўз маъшуқасига чин сидку садоқат ила интилан ва унга етган ошиқ ҳақида сўз юритар экан, кимнинг бошига Аллоҳнинг сояси тушса, яъни ким Унинг марҳаматидан кўнгил узмаса, албатта, мақсадига етади, дейди. “Зеро, – уқтиради шоир, – Пайғамбаримиз айтганлар: эшикни (дуо эшигини) тинимсиз қоқ, у сенга, албатта, очилади”. Шу тариқа шоир яна халқ мақоли “Жўянда ёбанда аст”га мурожаат қилади. Жамол Камол бу сафар ҳам муаллифнинг мақолни нима сабабдан қўллаганлигини тўғри англаб, уни мақсадга мувофиқ тарзда ўзбекчалаштиришга эришган. Қиёсланг:

Аслиятда:

Сояи Ҳақ бар сари банда бувад,
Оқибат жўянда ёбанда бувад. (3, 337)

Таржимада:

Сояи Ҳақ бизга етгай оқибат,
Излаган ҳар кимса топгай оқибат. (3, 384)

Тириклик ва тирикчилик ташвишларидан руҳий ва жисмоний озор кўрган киши ўз ҳаётидан мазмун топа олмаслиги, тушкунликка тушиши табиий. Бундай ҳолатда қолган киши назарида дунё қоронғу, эртанги кун эса

саробдан иборатдир. Мавлононинг ҳаёти ҳам изтиробли, мураккаб ҳолатлардан айро эмас эди. Жумладан, унинг ёшлиги мўғул босқини даврига тўғри келган, бу зулм туфайли унинг оиласи мусофир юртлардан бошпана топишга мажбур бўлган ва адибнинг бутун умри ватандан йироқда кечган. Мавлоно руҳий дунёсига таъсир кўрсатган ҳаётий ҳодисалардан яна бири тақдир унинг бошига солган оғир синов – дўсти ва устози Шамс Табризийдан айрилишидир.

Ана шу ирода курашларида ўзини тоблаган Мавлоно Румий “Маснавий” да қийинчилик орқасидан – енгиллик, ғам орқасидан – хурсандчилик келишини қайта-қайта уқтиради. Қалб кўзи кўр бўлган кимсаларнинг Аллоҳнинг дўстлари бўлмиш авлиёлар насиҳатини тан олмаганликлари ва “Анбиё алайҳиссаломларнинг яна жавоб беришгани” ҳикоятида ўзбек халқи нутқида кенг тарқалган “Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдир” мақоли мазмунига тўғри келадиган “Аз паси зулмат баса хуршедҳост” (Зулмат орқасидан ёруғлик келади) ҳикматини қўллайди. Мазкур мақол таржимон томонидан ижодий тарзда ўзбекчалаштирилган бўлса ҳам, байт мазмун ва шаклига путур етмаган. Бу жараёнда “уммид” – “хуршид” қофияларининг сақланиши эса таржимоннинг “Маснавий” муаллифига пайравлик қилиши натижасидир. Қиёсланг:

Аслиятда:

Баъди навмедӣ баса уммедҳост,
Аз паси зулмат баса хуршедҳост. (3, 290)

Таржимада:

Келса маъюслик, кейин уммид келур,
Кеча кечгай, ортидин хуршид келур. (3, 330)

Мазкур мақол халқ орасида бошқача тарзда ҳам ишлатилади. Инсоннинг бошига кетма-кет ташвиш

тушаверса, офат кетидан офат, ғам кетидан ғам келаверса, форсийда уни юпатиш мақсадида “Аз паи (дар паси) ҳар гирья охир хандаест” (Ҳар йиғининг охири хурсандчиликдир) мақоли қўлланилади. Мавлоно қуйидаги байтда шу мақолдан фойдаланган:

Охири ҳар гирья охир хандаест,
Марди охирбин муборак бандаест. (1, 36)

Таржимаси:

Ҳар йиғининг охири бир хандадир,
Охират марди муборак бандадир. (1, 32)

Хуллас, Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”да халқона мақолларни усталик билан қўллаш орқали ўз фикрларининг мантиқли ва таъсирчан ифодасига эришган. “Маснавий”нинг моҳир таржимони, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол бутун истеъдодини ишга солиб, бу йирик ҳажмли асарни ўз она тилига ўтириш жараёнида ўзбек тили бойлигидан унумли фойдаланган. Форсий халқ мақолларининг ўзбекча эквивалентларини топиб, жой-жойида қўллаганлиги, уларнинг ижодий таржимаси жараёнида ҳам жиддий муваффақиятларга эришганлиги – шоирнинг нафақат таржима соҳасидаги беназир тажрибаси, балки юсак бадий маҳоратидан далолатдир. Мавлоно Румий “Маснавий”да жамиятнинг барча табақалари аҳволини бадий ифодалашга муваффақ бўлган. Бу зоти бобарокат “Ижтимоий ҳаётни қандай кимса бошқариши лозим? Уларнинг ўтмиш авлоди инсонийлик фазилатларидан хабардор эдиларми? Маънавий жиҳатдан қай даражада эдилар? Жамиятнинг фаровонлиги учун яшайдиларми ё ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлайдиларми?” деган қатор саволларни ўртага ташлаб, тубан кимсалар қўлига илму ирфон ва молу давлат тушса, жамиятга зарар келтиришини таъкидлайди. Бунинг учун “Наслу насаби паст, тубан кишиларнинг илму ирфон, молу

давлат эгаси бўлиши – хатарли, бу қароқчининг қўлига қилич тутқазилш билан баробар” деган ғояни олға суриб, ўз мақсадини баён этади.

Умуман айтганда, шоир шу каби фикрларини тасдиқлаш ниятида бевосита халқона ҳикояларга, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга таянч манба сифатида мурожаат этган. Жумладан, зикри қайд этилган сарлавҳадан сўнг “Ё айюҳал-муззаммил оятининг тафсири” берилган. Маълумки, Муззаммил сурасининг оятларида кечқурунлар туриб Парвардигори оламга тоат-ибодат этиш, унинг каломини диққат билан тиловат қилиш буюрилган. Шундан келиб чиқиб, шоир олам Эгасининг буюргани “зикру қунут” – хокисорлик билан бажарилмаса, агар намоздан кейин дуо ўқилмаса, ундай кимсаларнинг дуоси қабул бўлмаслигини ва уларнинг сўровлари жавоби фақат “сукут” бўлишлигини уқтириб ўтади. Фикрини тасдиқлаш учун эса “Жавоби аҳмақ сукут” деган халқ мақолини келтиради. Таржимон-шоир Жамол Камол ҳам уни аслиятдагидек қолдирган:

Аслиятда:

В-ар набошад аҳли ин зикру қунут,
Пас жавобу-л-аҳмақ, эй султон, сукут. (4, 379)

Таржимада:

Бўлмаса ул кимса гар аҳли қунут,
Жумла аҳмоққа жавобингдир сукут. (4, 431)

Китобда “Кофирлар сизни кўзлари билан қулатиб, ҳалок этишларига оз қолди” оятининг тафсирини бериш учун Пайғамбаримиз замонларида араб миллатига мансуб айрим кимсаларнинг қорни оч қолганда бирор-бир туяни кўз қараши билан йиқитиб, бошини кесиб, ёғидан ош қилиб ейишгани воқеаси мисол қилиб келтирилган. Шу орқали одамзотнинг нафси, ҳирси тубанликка етаклаши, ҳирси шаҳват илон каби, мансаб ҳирси эса ундан ҳам баттар аждарҳо каби бўлиши уқтирилади. Нафси шаҳват қанчалик

тубан бўлса, мансаб ҳирси бир неча марта ундан ҳам тубанроқдир, дейилади. Адиб мансаб ҳирсини васфлаш учун, яна бир нечта дафтар керак бўлади, деган хулоса чиқаради.

Румий маҳоратининг яна бир қирраси шунда кўринадики, у баъзи сўзларнинг луғавий маъносини байт таркибида шарҳлаб, ўқувчига уни содда қилиб етказди. Масалан:

Шайтанат гарданкашӣ буд дар луғат,
Мустаўаччи лаънат омад ин сифат (5, 456)

Таржимаси:

“Шайтанат – саркашлик асли”, дер луғат,
Неча минг лаънатга лойиқ бу сифат”. (5, 520)

Кўриняптики, бу мисраларда шоир, аввало, “шайтанат” сўзининг луғавий маъносига алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг фикрича, ҳирсларнинг энг тубани ва ёмони бу – мансаб ҳирсидир. Шу боис халқ ўз мақолида “Икки бошлиқ бир жойга сиғмайди” деб айтиб ўтган. Аммо асарни ўзбекчага ўгириш жараёнида шоир-таржимон Жамол Камол “сардор”, “бошлиқ” маъноларини англатувчи “риёсат” сўзи ўрнида “подшоҳ” сўзини қўлагани кузатилади. Негаки, юқоридаги мақолнинг форсча муқобили мавжуд бўлиб, унда айнан подшоҳ ҳақида сўз юритилади: “Ду подшоҳ дар иқлиме нагунжад”. Ёки шу мазмунда яна “Ду тег дар як наём нагунжад” мақоли ҳам борлиги маълум. Асарнинг аслиятида эса у қуйидаги шакл ва мазмунда берилган:

Аслиятда:

Сад хуранда гунчад андар гирди хон,
Ду риёсатжӯ нагунчад дар ҷаҳон. (5, 456)

Таржимада:

Юз киши бир суфрадин нон ейди, ҳай,
Икки подшо бир жаҳонга сиғмагай. (5, 520)

Азалдан бир жойда икки киши раҳбар бўлмаган. Чунки одамзотда иккита калла бўлмайди. Бу Оллоҳнинг ҳукмидир. Инсонлар йиллар давомида бу ҳолатни ўрганиб, ҳаёт тажрибасидан ўтказиб, кейингина “икки подшоҳ бир жаҳонга сиғмагай”, деб хулоса чиқарган.

“Маснавий”да “Арслоннинг қудуққа кўз солиб, сувда ўзи ва товушқон аксини кўргани” сарлавҳаси остида берилган ҳикояда ҳайвонларнинг сардори саналган арслоннинг зулми ҳақида сўз боради ва унинг бошқа ҳайвонларга қилган ёмонлиги ўзига ҳам ёмонлик келтиргани тасвирланади. Шу орқали Румий ҳазратлари Адолат ва Ҳақ ҳамиша ғалаба қилишини уқтириб ўтади. Асарда арслоннинг аҳволи худди ўзбек мақолида айтилганидек, “Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан” қабилида очиб берилади. Лекин Жамол Камол аслиятда “Адолат буюрмиш ёмонга ёмонлик” мазмунидаги байтни таржимада ижодий йўл билан ўзбекчалаштиришга уриниб, унга “Нимани эксанг, шуни ўрасан” мақолини сингдирган. Натижада аслият мазмуни билан таржима мазмуни бир-биридан бироз узоқлашган. Қиёсланг:

“Ҳар кӣ золимтар, чаҳаш боҳавлтар,
Адл фармудаст бадтарро батар” (1, 49)

Мазмуни: Ким золимдир, унинг тушадиган жойи ниҳоятда чуқурдир, адолат буюргандир, ёмон кимсага албатта ёмонликдир.

Таржимаси:

Кимки золимоқ, унинг чоҳи чуқур,
Экканин ўргай киши, Ҳақ амри шул (1, 47)

Дунё кўрган халқ доим ёмонлик қилмасликка даъват этади. Чунки бир мисқол ёмонлик қилсанг, бир мисқол ёмонлик кўрасан. Ё бир мисқол яхшилик қилсанг, албатта яхшилик кўрасан, деб ўғит беради. Бунинг моҳиятини ҳар қандай ақлли киши яхши тушунади. Баъзан одам атрофида нокасларни кўриб, ҳайратда қолади ва ўзидан-ўзи

“шундайларни ҳам замин кўтариб юрибти” дейди. Аммо ҳаётнинг уларга атагани борлигини билмайди. Шу боис мутафаккир Жалолиддин Румий “золим кишининг аҳволи ёмонлигини, адолат нуқтаи назардан айтсақ, ёмонда, албатта, ёмонлик” дир, деган экан. Адибнинг бу ривоят ва мақолларни айтишидан асосий мақсади эзгулик, яхшилик, меҳр ва муҳаббат билан умргузаронлик қилишимизга бир даъватдир. Халқ оғзаки ижодиётида мазкур мақолнинг бошқа вариантлари мавжудлигини соҳа вакиллари ўз тадқиқотларида аниқ фактлар асосида исботлаб берганлар. Қуйидаги мисоллар шундан далолат беради:

“Киши кишига яхшилик қилса, бир кун ундан ҳам худди шундай яхшилик қайтади, агарда ёмонлик қилса, албатта, бир куни ёмонлик кўради:

1. Нима эксанг, шуни ўрасан.
2. Не эксанг, шу кўқарар.
3. Қовоқ экиб қовун кутма.
4. Арпа экиб буғдой кутма.
5. Тикандан тариқ унмас.
6. Ҳар ким экканин ўрар.
7. Тош қўйган тош олар,
Ғишт қўйган ғишт олар.
8. Ўт берган ўтини олар,
Сув берган сувини.
9. Нима солсанг ошингга,
Шу чиқар қошиғингга.
10. Охурга нени солсанг,
Хурмачадан шуни оласан.
11. Ола эккан оз олур,
Роса эккан соз олур.
12. Тол экиб олма кутма.
13. Бўз тўқисанг бўз оласан,
Гилам тўқисанг гилам оласан.

14. Яхшилик эккан эсонлик ўрар.

15. Арпа эккан арпа олар,

Буғдой эккан буғдой²⁵.

Келтирилган мақоллар бири иккинчисини такрорламаса ҳам, мазмун жиҳатдан бир маънони англатади. Асрлар, йиллар, ойлар давомида халқ кундалик ҳаётида бу мақолларни тажрибадан ўтказиб, ишонч ҳосил қилгандан сўнг ўз ўрнида улардан фойдаланган. Биз уларнинг фақат бир нечта шакллари “Масанавий” да қўлланганлигини гувоҳи бўлдик. Кейинги мақолнинг мазмуни ҳам шунга ўхшайди.

Аслиятда:

*Эй ки ту, аз чоҳ зулме мекунӣ,
Дон, ки баҳри хеш чоҳе меканӣ. (1, 49)*

Таржимада:

*Эйки, юксалтдинг аламини, оҳни,
Билки, қазгайсен ўзингга чоҳни. (1, 47)*

Ўзбек халқи орасида кенг қўлланадиган “На сих куйсин, на кабоб” мақоли форс-тожик тилида “На сих сўзад, на кабоб” тарзида учрайдики, улар мазмуни ва синтактик қурилиши жиҳатидан жуда ўхшашлиги кишини ҳайратлантиради. Бу мақолнинг ўзбекча ва тожикча муқобили биргина феъл туркумига оид сўз – “куйсин” билан “сўзад” сўзларига қараб фарқланмоқда, холос. У кўпинча бировга зиён келтирмаслик, қалбига озор бермаслик, ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўриш зарурлиги, ваъда бергандан сўнг уддасидан чиқа билиш лозимлиги ҳақидаги ҳақиқатларни тасдиқлаш учун айтилади.

Мавлоно Румий “Савдогарнинг ўз тўтисига Ҳиндистон тўтилари билан қандай кўришганини сўйлагани” ҳикоясида кишиларни аҳилликка, бир-бирини тушунишга, инсон

²⁵ Бибиш Жўраева. Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати. Тошкент. ЎзРФА, “Фан” наш. 2007. 88- бет

инсонга нисбатан ҳеч қачон бефарқ бўлмасликка даъват этар экан, бевосита юқоридаги мақолга ўз ўрнида мурожаат қилганлиги кўзга ташланади. Чунки ҳаётнинг гултожи бу инсондир. Инсонлар эса ҳадисда “Ўзингга раво кўрган нарсангни бошқаларга раво кўрмагунча, ҳақиқий мўмин бўла олмайсан” дейилганидек, ҳар қандай вазиятда бировнинг зиёидан фойда қутмаслиги лозим.

Гуфта ногуфта кунад аз фатҳи боб,
То аз он на сих сўзад, на кабоб (1, 58)

Таржимаси:

Гар эшикни очса, очгай ул шитоб,
Куймагай ундан баса сиху кабоб (1, 58)

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “Маснавий” таржимаси жарёнида Жамол Камол фақатгина битта халқона мақолни аслиятдек сақлаган ҳолда унинг мазмунини таржимада кўрсатган:

Ҳин, машав ғирра бад-он гуфти ҳазин,
Бор бар гов асту бар гардун ҳанин (2, 132)

Таржимаси:

Сўзига алданма, сўз айтса ҳазин,
Бор бар гов асту бар гардун ҳанин (2, 145)

Халқ мақоли мазмуни: “юкни тортувчи ҳўкизу арава ғижирлаб, нола чекади”...

Адолат бор жойда ҳаёт мазмунли, гўзал ва чиройли ўтади. Доно халқимиз азалдан яхши ва ёмон кунда бир-бирини ҳаётда қўллаган. Бирга ҳашар йўли билан уй қурган, ариқ чиқарган, қишлоғу шаҳарларни ҳамжиҳатликда обод қилган. Бирон ишни маслаҳатсиз амалга оширмаган, натижада ҳурмат ва иззат-икром ўрнида бўлган. Чунки барчанинг фойдаси бир хил инобатга олинган. Ҳазрат Жалолиддин Румий ҳам азалий анъанамизни сақлаган ҳолда умргузаронлигимизни истаб “на сих куйсин, на кабоб” деб таълим берган.

Бундай мисоллар “Маснавий” да анчагина биз уларнинг айримларини қиёсий ўрганиб мулоҳазаримизни баён этдик. Қуйидаги байтлар ҳам ирсол ул-масалда мисол бўла олади:

Аслиятда:

*Чун бикорӣ ҷав, нарӯяд ғайри ҷав,
Қарз ту кардӣ, зи кӣ хоҳад гарав? (6, 570)*

Таржимада:

*Арпа эксанг, арпа ўргайсен, жўра,
Қарз олибдирсен, гаровни ҳам тўла. (6, 652)*

Аслиятда:

*Ин надонӣ, ки пайи ман чаҳ канӣ,
Ҳам дар он чаҳ оқибат худ афганӣ? (6, 599)*

Таржимада:

*Менга чоҳ қазсанг, магар кўрдир кўзинг,
Оқибат ул чоҳга тушгайсен ўзинг. (6, 686)*

ТАЛМЕҲ. “Маснавий” да кенг қўлланган санъатлардан яна бири талмеҳдир. Талмеҳ (арабча, назар солмоқ, ишора қилмоқ) шеър мисраларида тарихий ҳамда афсонавий шахс ва жойлар, бадиий асар қаҳрамонлари номларини келтириш ёки уларга ишора қилиш санъатидир.

Ахлоқий-таълимий характерга эга “Маснавий” да бу санъат бошқа санъатларга нисбатан кўпроқ ишлатилган. Зотан, асарнинг ирфоний манбаларини Қуръони карим ва Ҳадиси шариф ташкил этади. Жалолиддин Румий Илоҳий китобнинг кўплаб сура ва оятларига, қиссаларига моҳирлик билан ишоралар қилган. Бу ҳолат таржимада ўз ифодасини топган.

Аслиятда:

*Нӯҳу Мӯсоро на дарё ёр шуд,
На бар аъдошон ба кин қаҳҳор шуд.*

*Оташ Иброҳимро на қалъа буд,
То баровард аз дили Намрӯд дуд,*

Кўх Яҳёро на сўйи хеш хонд?
Қосидонашро ба захми санг ронд. (1, 62)

Таржимада:

*Нўҳу Мусога нечук ёр ўлди сув,
Дўстга дўст, душманга қаҳҳор ўлди сув.*

*Қалъа бўлди бўйла Иброҳимга ўт,
Юқалиб, Намруд дилидин учди дуд.*

*Тоғким Яҳёга бўлди орқадош,
Душмани бошига ул ёғдирди тош. (1, 63)*

Юқорида “Маснавий” дан келтирган байтларда “Нўҳу Мўсо”, “Иброҳим”, “Намрўд” ва “Яҳё” талмеҳ сифатида мутаржим таржимада уларни тўлиқ сақлашга муваффақ бўлган.

Қуйидаги байтда ҳам гўзалликка тенги бўлмаган Юсуф пайғамбар ва унинг ҳажрида ёнган отаси пайғамбар Яъқуб саргузаштларига ишора бор. Таржимон Жамол Камол бу байтни ҳам моҳирлик билан ўзбекчалаштирган:

Аслиятда:

*Дев гург асту ту ҳамчун Юсуфӣ,
Домани Яъқуб магзор, эй сафӣ! (6, 572)*

Таржимада:

*Дев – бўри, сен – Юсуфдек, нозанин,
Қўйма ҳеч қўлдин у Яъқуб доманин. (6, 654)*

Кейинги байтда адиб жозибадорликни сақлаш мақсадида Сулаймон пайғамбарга талмеҳ санъати орқали ишора қилган. Биламизки, Парвардигори олам ҳар бир пайғамбарда алоҳида илм берган. Сулаймон пайғамбар бутун мавжудотнинг тилини билган ва улар билан бемалол суҳбат қилган. Таржимон байтни ўзбекчалаштирар экан,

талмех санъатини тўлиқ сақлашга муваффақ бўлган. Лекин байтнинг иккинчи мисрасида аслиятдаги “мўр”нинг ўзбекча муқобили “чумоли” таржимадан тушиб қолган. Натижада “мўри лангӣ” таржимаси “чўлоқ чумоли” ўрнида “чўлоқ” сўзи қўлланган. Китобхон эса “чўлоқ” сўзини чумолига ё одамга нисбат беришини билмайди. Аммо “Маснавий”нинг умумий мазмунида таъсир қилмаган десак бўлади:

Аслиятда:

Эй ба сурат зарра, кайвонро бибин,
Мҳри лангӣ, рав Сулаймонро бибин. (6, 580)

Таржимада:

Зарра ичра боқ-да, кайвонларни кўр,
Эй чўлоқ, боргил, Сулаймонларни кўр. (6, 664)

Мавлоно Жалолиддин Румий маърифатли хонадоннинг фарзанди эди. Болалигидан Қуръони каримни ёддан билар эди. Ҳар бир пайғамбарнинг ҳаётини яхши ўзлаштириб, мақсад ва муддаосини бадиий тасвирлаш жараёнида талмех санъати орқали уларга ишора қилган. Хусусан Мусо пайғамбар билан боғлиқ ривоятлар “Маснавий” манзумасида анча мавжуд. Қуйидаги байтда ҳам Мусо пайғамбарга ишора бор. Мутаржим эса ўзбек тилининг бойлигидан фойдаланган ҳолда таржимани амалга оширган:

Аслиятда:

Шуд зи чайб он каффи Мўсо завфишон,
К-он фузун омад зи моҳи осмон

К-он ки мечустӣ зи чархи бонехеб,
Сар баровардаст, эй Мўсо, зи жеб. (6, 608)

Таржимада:

Қўйнига қўл солди Мусо, топди нур,
Кўкдаги ойдан-да порлоқ эрди ул.

Изламишдинг нурни осмондин магар,

Эй *Мусо*, қўйнингда эрмишдир ўшал. (6, 697)

Қуйидаги байтнинг аслиятида муаллиф Намруд подшоҳга ва Иброҳим пайғамбарга ишора қилган бўлса, таржимада ҳам бу санъат ифодасини топган. Фақат ўзбекча байтнинг биринчи мисрасида Намруд подшоҳ биринчи мисрада ва Иброҳим пайғамбар иккинчи мисрада келган:

Аслиятда:

Оташи *Намруд Иброҳимро*,
Сафвати ойина омад дар чило. (6, 611)

Таржимада:

Гарчи *Намруд* отди оташларга то,
Етди *Иброҳимга* ул ўтдин жило. (6, 700)

Хулоса шуки, “Маснавийи маънавий” манзумасини варақлар эканмиз, адиб талмеҳ санъатига ниҳоятда кўп мурожаат қилганига гувоҳ бўламиз.

ТАВСИФ. Бадий санъатлардан яна бири тавсифдир. Ижодкор бирор нарса ёҳуд шахснинг шаклу шамоили, қадду қомати ёки гўзаллигини тасвирлаш учун бу санъатдан моҳирлик билан фойдаланади.

Қуйидаги байтда тавсиф санъати қўлланган бўлиб, таржимон ҳар бир сўзнинг ўзбекча муқобилини топиб байтни ўгиришга муваффақ бўлган:

Аслиятда:

Доимо *тарру ҷавонему латиф*,
Тозаву ширину хандону зариф. (3, 290)

Таржимада:

Доимо ёшмиз, гўзалдирмиз, латиф,
Тозадирмиз, шоду хандонмиз, зариф. (3, 330)

Таржимон Жамол Камол қуйидаги байтнинг ҳар бир сўз ва ибораларини ўзбекча муқобилини топиб тавсиф санъатини сақлаган ҳолда таржимани амалга оширган:

Аслиятда:

Буд амире, *хушдиле*, майборе,

Каҳфи ҳар махмуру ҳар бечорае. (5, 535)

Таржимада:

Бир амир бор эрди андоқ кўнгли ганж,

Махмуру бечорага эрди суянч. (5, 612)

Қуйидаги байтнинг ҳам мутаржим аслиятдаги тавсиф санъатини сақлаш билан бирга мазмун ва шаклни беришга ҳаракат қилган:

Аслиятда:

Хоҷае будаст, ўро духтаре,

Зўҳрахадде, маҳрухе, симинбаре. (5, 543)

Таржимада:

Хожа бор эрди: қизи – гулшанда гул,

Юзлари ойдек, кумуштан эрди ул. (5, 621)

Хулоса шеърӣ санъатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга ва жозиблага эга бўлиб, муаллиф фикрининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Мутаржим Жамол Камол ҳам ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда таржимани амалга оширган.

ИҚТИБОС. Иқтибос (арабча, илм ўзлаштирмак) – шеърда Қуръон оятлари, Ҳадис намуналарини келтириш санъати. Масалан, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод исми ҳақида сўз юритилиб, Қуръондаги “Ал асмо мин ас само” (исмлар осмондан тушадилар) оятига ишора қилинган.

Мавлоно “Маснавий”нинг биринчи китобида Қуръони каримдаги ўттиз икки суранинг эллик оятига мурожаат қилган. Шу ўринда муаллифнинг мазкур иқтибосларни нафақат ўз асаридаги Қуръон билан мос келадиган ўринларни кўпайтириш, балки унда баён этилган фикрларнинг диний-ирфоний асосларини мустаҳкамлаш мақсадида келтирганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Асар аслиятида Қуръон оятларининг аксаран арабий шакли сақланган ҳолда истифода этилганлиги кузатилса,

таржимоннинг уларни имкон қадар ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилганлиги аёнлашади:

Аслиятда:

Баҳри талху баҳри ширин дар чаҳон,
Дар миёншон *“барзахун ло ябгийён”*. (1, 23)

Таржимада:

Баҳри талх, баҳри ширин ҳам мавжланур,
Лек қўшилмас, бир-биридин ажралур. (1, 16)

Баъзи саҳифаларда эса таржимон оятларнинг аслиятини сақлаб, китоб ҳошиясида уларнинг шарҳини келтиради. Таржимон айна шу йўл орқали ўзбек китобхонини Қуръон маърифатидан икки карра баҳраманд этиш ниятини кўзлаган. Жумладан, Қуръони каримнинг Аъроф сураси 143-ояти: *“Тур тоғи маст бўлди. Мусо беҳуш бўлиб йиқилди”* – “Маснавий” аслиятида шундай талқин топади:

Ишқ жони Тур омад, ошиқо!
Тур масту *“харра Мусо соиқо”*. (1, 16)

Таржимон-шоир ҳам оятни айнан келтиради ва ҳошияда оят шарҳига ўрин ажратади:

Ишқ – Тур тоғига жондир, ошиқо,
Тур масту *“харра Мусо соиқо...”* (1, 8)

Бундай усул қуйидаги байтларнинг ҳам равон ўқилишини таъмин этган:

Аслиятда:

Ту зи Қуръон бозхон тафсири байт,
Гуфт Эзид: *“Мо рамайта из рамайт”*. (1, 31)

Таржимада:

Сен ўқи, Қуръонда бор тафсир байт,
Ҳақ демишким: *“Ма ромайта из ромайт”*. (1, 26)

Аслиятда:

Гар хабар хоҳӣ аз ин дигар хуруч,
Сура бархон: *“Ва-с-само зоти-л-буруч”*. (1, 34)

Таржимада:

Сен ўқи, билмоқчисен гар, не хуруж,
Сура бордир – “Вас-сама затил-буруж”. (1, 30)

Аслиятда:

Парзанон, эмин зи раҷъи сарнагун,
Дар ҳаво, к- “инно илайҳи роҷеъун”. (5, 555)

Таржимада:

Сўнгра дерларким, сано айтгувчимиз,
Чиндана**м** биз Тангрига қайтгувчимиз. (5, 635)

Умуман, “Маснавийи маънавий” дек улкан дурдонанинг дунёга келиши учун асос бўлган манбалар ўрганилар экан, энг аввало, асар учун бирламчи манба вазифасини ўтаган Қуръони карим ва Ҳадисларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, “Маснавий”га умрбоқийлик бахш этган илоҳий асрорларни инкишоф этиш, асарнинг комил инсон тарбиясига йўналтирилган ўзак ғояси билан теранроқ танишиш имконини беради.

АНАФОРА. Анафора (грекча “юқорига кўтариш” сўзидан олинган) – тақрирнинг бир кўриниши бўлиб, бу санъат талабига кўра шеър мисралари бошида бир хил сўз ёки бирикмалар такрор келади. Бу санъатнинг яна бир номи *радд ус-садр* ил ал *ибтидо* (биринчи мисра бошидаги сўзни кейинги мисра бошида такрорлаш)дир.

Мисраларни бир-бири билан боғлаш ва умумий интонацияни таъминлашда такрорнинг алоҳида ўрни бор. Аслиятга хос бундай фазилатларни таржимада сақлаб қолиш катта маҳорат талаб қилади. Албатта, бу жараёнда таржимоннинг йиллар давомида орттирган тажрибаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги байтлар аслияти ва таржимасини қиёслаш Жамол Камолнинг бу жабҳадаги юксак салоҳиятидан далолат беради:

Аслиятда:

В-он дигарро дар гулӯ пайдо кунад,
В-он дигарро дар бадан расво кунад.

*В-он дигарро баъди айёму шухур,
В-он дигарро баъди марг аз қаъри гӯр. (1, 82)*

Таржимада:

*Ул бирини бӯғзида пайдо қилур,
Бул бири тан мулкини расво қилур.*

*Ул бири бир неча айём наридин,
Бул бири бўлғай аён гӯр қаъридин. (1,86)*

“Маснавий” ўзига хос ибратли ҳикоятлар мажмуидир. Ундан ўрин олган “Имтиҳон қилгувчилар олдида Луқмон фазлу донолигининг намоён бўлиши” ҳикоятида пок ишқ-муҳаббат, сидқу садоқат тарғиб қилинади.

Мазкур ҳикоят якунида хулоса ўрнида келтирилган, муҳаббат таърифиға бағишланган мисралар диққатга сазовор бўлиб, уларнинг Шоислом Шомухаммедов ва Жамол Камол томонидан амалга оширилган таржималарини қиёслаш бизни Мавлононинг безавол ирфоний оламиға олиб кириши шубҳасиз.

Аслиятда:

*Аз муҳаббат талхҳо ширин шавад,
Аз муҳаббат миссҳо заррин шавад. (2, 156)*

Шоислом Шомухаммедов таржимасида:

*Муҳаббатдан аччиқ ширин бўлади,
Муҳаббатдан мис ҳам заррин бўлади.*

Жамол Камол таржимасида:

*Улки аччиқ, ишқ ила ширин бўлур,
Улки мисдир, ишқ ила заррин бўлур. (2, 174)*

Шоислом Шомухаммедов аслиятда ўн сўз ёрдамида ифодаланган мазмунни тўққиз сўз кўмагида умумлаштиришга эришган. “Муҳаббат”, “ширин”, “мис”, “заррин” сўзларининг айнан келтирилиши эса мазкур сўзларнинг ҳар икки халқ муштарак меросига

айланганлигидан далолатдир. Таржимон “ширин” – “заррин” қофияларини айнан сақлаб қолган, “шавад” радифини эса ўзбекча эквиваленти – “бўлади” сўзи билан алмаштирган. Натижада байтдаги мазмун, шакл ва бадий нафосат сақлаб қолинган.

Жамол Камол эса “муҳаббат” сўзи ўрнида “ишқ” сўзини қўллашни маъқул кўрган. “Ширин” – “заррин” қофияларининг сақланиши, “шавад” радифининг “бўлур” тарзида ўтирилиши эса байт аслиятидаги мумтоз оҳанг ва кайфиятнинг такрорланишига замин яратган. Бу фазилят мисралар аввалида “улки” сўзини такрор қўллаш мисолида ҳам яққол намоён бўлади.

Хулосавий қисм шундай давом этади:

Аслиятда:

Аз муҳаббат дурдҳо софӣ шавад,

Аз муҳаббат дардҳо шофӣ шавад. (2, 256)

Шоислом Шомуҳаммедов таржимасида:

Муҳаббатдан гулҳан гулшан бўлади,

Муҳаббатсиз гулшан гулҳан бўлади.

Жамол Камол таржимасида:

Ишқ ила лой узра найсон бўлгуси,

Ишқ ила дард узра дармон бўлгуси. (2, 174)

“Фарҳанги забони тожикӣ” да “дурд” сўзига “шароб ёхуд бирор ичимлик тубидаги қуйқа, лой, лойқа”¹ тарзида изоҳ берилган. “Соф” сўзи эса “1. Беғубор, тоза, мусаффо. 2. Бошқа нарса аралашмаган; асил, тоза. 3. Ўзга унсурлардан холи; тоза. 4. Доғ тушмаган, ҳар қандай айб, гуноҳ, нуқсондан холи; тоза, покиза, ҳалол”² каби маъноларни ифодалайди. “Шофӣ” эса “1. қаноатбахш, рост, дуруст. 2. шифобахш” дир.³ Демак, байт орқали “Муҳаббат ҳар қандай лойқани

¹ Фарҳанги забони тожикӣ. Якум жилд. Москва: “Советская энциклопедия”, 1969. Саҳ. 402.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 554-555-бетлар.

³ Фарҳанги забони тожикӣ. Дуюм жилд. 1969. Саҳ. 598.

тинитади, яъни муҳаббат назари тушган ҳар қандай қалбнинг занги кетади, муҳаббатга мубтало бўлган қалб учун дард – шифо каби ёқимлидир” дейилмоқда.

Бироқ ҳар икки таржимон мазкур байт таржимасида муваффақият қозонганлар дейиш мушкул. Тўғри, таржима ҳам – бадиий ижод. Аммо бу ижодийлик аслиятдаги мантиқни сақлаб қолиш орқали амалга ошгани маъкул. Акс ҳолда, асар аслиятидаги бадиий мантиққа путур етади, муаллиф фикр-ғояси мавҳумлик пардаси ортида қолади. Бинобарин, Ш.Шомухаммедов байт таржимасида аслиятда бўлмаган “гулхан – гулшан” қиёсига ўрин ажратган. Жамол Камол эса “лой узра найсон”, “дард узра дармон” каби ифодаларга ўрин берган. Эҳтимол, байтни шу тариқа, яъни тусмол йўли билан таржима қилиш, муаллиф баён қилган фикрга яқин фикр баён этиш билан чекланиш ҳам мумкиндир. Бироқ айтиш байт таржимасида бу усул ўзини оқлаган дейиш қийин. Чунки Мавлоно байтда ишқ қудрати ҳақидаги ўлмас фикрни ўртага қўйган ва унинг бу доно фикрини китобхонга шунчаки айтиб қўйишнинг ўзи кифоя қилмайди. Аксинча, байтни бутун мантиқи билан ўзбекчалаштириш китобхонларимиз маънавий дунёсини яна бир нодир ҳикматга бойитган бўлур эди. Яна мисоллар:

Аслиятда:

*На туро аз рӯйи зоҳир тоате,
На туро дар сирру ботин нийате.*

*На туро шабҳо муножоту қиём,
На туро дар рӯз парҳезу сиём. (5, 491)*

Таржимада:

*На тамизлаб танни, тоат айладинг,
На кўнгилда яхши ният айладинг.*

На узун тунлар муножоту қиём,

На ёруғ кунларда парҳезу сиём. (5, 561)

Аслиятда:

Ишқ чўшад баҳрро монанди дег,

Ишқ сояд кххро монанди дег.

Ишқ бишкофад фалакро сад шикоф,

Ишқ ларзонад заминро аз газоф. (5, 516)

Таржимада:

Ишқ денгизни қазондек қайнатур,

Қум қилиб сочгай баланд тоғларни ул.

Ишқ фалакнинг кўсини тилгай магар,

Ишқ ўшал солгай заминга ларзалар. (5, 590)

ИНТОҚ. Интоқ (арабча, гапиртириш сўзидан). Бу санъат номи “ниқто” тарзида ҳам юритилади.

Интоқ жонлантиришнинг бир кўриниши бўлиб, унинг талабига кўра шеърда жонсиз нарсалар, ҳайвон ва паррандалар худди одамдек гапиртирилади

“Маснавийи маънавий”да бу шеърини санъат имкониятларидан фойдаланиб яратилган юздан зиёд ҳикоят мавжуд: “Ов ҳайвонларининг тангрига таваккул этиб, саъй-ҳаракат (жаҳду жадал)ни тўхтатдик, деганлари”, “Арслоннинг ҳайвонларга жавоб бериб, жаҳду жадалнинг фойдаси ҳақида сўйлагани”, “Ҳайвонларнинг таваккулни жаҳду жадалдан устун қўйганлари баёни”, “Арслоннинг жаҳду жадални таваккул ва таслимдан устун қўйгани баёни”, “Худхуд ва Сулаймон алайҳиссалом қиссаси, қазо етганида кўзларнинг кўрмас бўлиб қолиши баёнида” ва ҳоказолар бунга ёрқин мисолдир. Жумладан, қуйидаги байтларда шер таваккул ҳақида сўз юритади ва унинг Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннати эканлигини таъкидлайдики, шоир-таржимон Жамол Камол байтни аслиятдагидек ўтирган: мазмун ва шаклни сақлаш

билан бирга, интоқ намуналарини ҳам ўз ўрнида келтиришга муваффақ бўлган:

Аслиятда:

Гуфт: *“Оре, гар таваккул раҳбар аст,
Ин сабаб ҳам суннати пайгамбар аст”*. (1, 39)

Таржимада:

Деди шер: *“Балли, таваккул раҳбарим,
Раҳбарим, бас, суннати Пайгамбарим”*. (1, 35)

Баъзан аслиятдаги мазмун алоҳида байтларда тўлиқ ифодасини топмайди. Лекин таржима қилинган ҳикоянинг тўлиқ маъносига эътибор берсангиз, аслиятдаги мазмун берилганига гувоҳ бўласиз. Юқоридаги байтнинг аслиятида “шер” ҳайвон номи келтирмаган. Аммо таржимада “деди шер” тарзида бериши таржиманинг мукаммаллигини таъминланган, десак хато қилмаймиз.

Аслиятда:

Гуфт: *“Баргӯ, то кадом аст он ҳунар?”*

Гуфт: *“Ман он гаҳ ки бошам авҷ-бар”*... (1, 47)

Таржимада:

Шоҳ Сулаймон сўрди ундан: *“Не ҳунар?”*

Худхуд айтди: *“Ташласам кўкдин назар”*. (1, 44)

Юқоридаги байтда Сулаймон пайгамбар ва қуш худхуднинг суҳбати бадиий ифодасини топган. Аслиятда “Сулаймон” пайгамбар ва “худхуд” сўзлари келтирилмаган бўлса ҳам, мутаржим форс-тожик тилидаги байт ўзбек китобхонига тушунарли бўлиши учун зикри ўтган сўзларни келтириб уларга урғу беришга муваффақ бўлган.

Кейинги байтнинг аслият билан таржимасини қиёслар эканмиз, Жамол Камол ҳар бир сўз ва иборани, мисра, байтдаги шакл ва мазмуни сақлаган ҳолда ўзбекчалаштирганига гувоҳ бўлдик:

Аслиятда:

Гуфт тўтӣ: *“Армуғони банда ку?”*

Он чи дидй в-он чи гуфтй, боз гӯ". (1, 58)

Таржимада:

Деди Тўти: "Армуғоним қайдадир?

Ҳар неким кўрдинг-кечирдинг, сўйлагил". (1, 57)

Куйида келтирилган байтда "эшак" сўзи келтирилган. Аслиятдаги "хар" таржимада ифодасини топмаган. Лекин форс-тожик тилидаги байтда "эшак" тушиб қолганлиги боис таржимада байт ифодасини топмагандек туюлади, аслида эса юқорида таъкидлаганимиздек, умумий маънода ҳеч қандай салбий таъсир қилмаган:

Аслиятда:

Гуфт хар: "Гар дар ғамам, гар дар Ирам,

Қисматам Ҳақ кард, ман з-он шокирам". (5, 506)

Таржимада:

Деди: "Қисмат гоҳи ғам, гоҳи Эрам,

Қисматим Ҳақ берди, мен шукр айларам". (5, 577)

Келтирилган шеърӣй парчаларнинг таҳлилидан ва таржимани аслият билан қиёсий ўрганишдан маълум бўлдики, аслиятдаги интоқ шеърӣй санъати таржимада тўлиқ бадиӣй ифодасини топган.

ИШТИҚОҚ. Иштиқоқ (арабча, сўздан сўзни ажратмоқ, бир сўздан бошқа сўз олиш) – шеър мисраларида ўзақдош сўзларни қўллаш орқали вужудга келадиган санъат. Форсийда яратилган "Маснавий"да арабча ўзақдош сўзлардан фойдаланиш асосида юзага келган иштиқоқ намуналари жуда кўп. Уларнинг аксарияти таржимон томонидан сақлаб қолинган:

Аслиятда:

Ту забуниву забунгир, эй ачаб,

Ҳам ту сайду сайдгир андар талаб. (5, 462)

Таржимада:

Ҳам забунсен, ҳам забунгарсен, ажаб,

Сайд бўлиб, сайёдлик этгайсен талаб. (5, 527)

Аслиятда:

Гуфт ў: “Баҳри *фаноят* рехтам”,

Гуфт: “Ман ҳам *дар фано* бигрехтам”. (5, 460)

Таржимада:

Ул дегай: қуйдим *фанойинг* деб сени,

Бул дегай: топил *фанойимдин* мени. (5, 525)

Аслиятда:

Ончунон абре набошад *пардабанд*,

Пардадар бошад ба маънӣ судманд. (5, 461)

Таржимада:

Бир булутдир улки, бўлмас *пардабанд*,

Маъни ичра *парда йиртгай*, судманд. (5, 526)

Аслиятда:

З-он ки ту ҳам *луқмаи*, ҳам *луқмахор*,

Оқилу маъқулӣ, эй жон, хуш дор. (5, 461)

Таржимада:

Луқма ҳам сен, *луқмахӯр* ҳам сен ўзинг,

Оқилу маъқуд ўзингсен, оч кўзинг. (5, 526)

САВОЛУ ЖАВОБ. Номланишидан кўриниб турганидек, бу санъат савол-жавобга асосланади. Шеърда қаҳрамонлар ўртасидаги савол-жавобни акс этириш саволу жавоб санъатини келтириб чиқаради. Бу санъат қўлланган шеърларда ҳам “*деди*”, “*дедиким*”, “*айтди*”, “*айтдиким*” каби сўзлар кенг ишлатилади. “Маснавий”да саволу жавоб имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилган:

Аслиятда:

Гуфт: “Номат чист? Баргӯ бе даҳон”,

Гуфт: “Харруб аст, эй шоҳи ҷаҳон!”

Гуфт: “Андар ту чӣ хосият бувад?”

Гуфт: “Ман рустам, макон вайрон шавад”. (4, 377)

Таржимада:

Дедиким: “Номингни айттил бедахон”,

Деди: “Харрубмен, аё шоҳи жаҳон”.

Сўрди: “Сенда не эмиш хосият ул?”

Деди: “Мен ўсган макон вайрон бўлур”. (4, 428)

Юқоридаги байтда ҳам, қуйидаги байтда ҳам аслиятдаги саволу жавоб санъати тўлиқ бадий ифодасини топган. Аммо қуйидаги байтнинг биринчи мисрасида “гуфт шаҳ” деса “сўрди подшоҳ” тарзида таржима амалга оширилган. Лекин “гуфт шаҳ”нинг ўзбекча муқобили бизнингча “айтди шоҳ” ё “шоҳ деди” шаклида бўлиши керак. “Сўрди подшоҳ” ҳам байтнинг мазмунига ҳеч қандай салбий таъсир қилмаган десак бўлади:

Аслиятда:

Гуфт шаҳ: “Ҳай-ҳай, чй кардй? Чист ин?”

Гуфт: “Шаҳ, шаҳ, шаҳ, шаҳ, эй шоҳи гузин!” (5, 537)

Таржимада:

Сўрди подшо: “Ҳай, надир бу қилганинг?”

Дедиким: “Шаҳ-шаҳ бу, шоҳим, билганинг”. (5, 614)

Қуйидаги байт ҳам Жамол Камол томонидан маромига етказиб ўзбекчалаштирган:

Аслиятда:

Кард марде аз суҳандоне суол:

“Ҳаққу ботил чист, эй некӯмақол?”

Гўшро бигрифту гуфт: “Ин ботил аст,

Чашм ҳаққ асту яқинаш ҳосил аст” (5, 548)

Таржимада:

Бир киши сўрди билимдондин чунон:

“Ҳаққу ботил не эмиш, эй нуктадон?”

Ул қулоғини тутди, бул ботил, деди,

Кўз билан ҳаққу яқин ҳосил, деди. (5, 626)

“Маснавий маънавий”ни мутолаа қилар эканмиз, Жалолиддин Румий ҳаётдан олинган тажрибасини ва кузатган турли хил ҳодиса воқеаларни бадиий тасвирлаш орқали китобхонга етказишга муваффақ бўлганига амин бўламиз. Биламизки, савол жавоб шеърий санъати орқали ижод қилган байтлар ўқитувчига эстетик завқ бағишлайди. Шунингдек, анча вақтгача ҳикояларнинг мазмуни хотирасига муҳрланиб қолади. Шу боис буюк мутафаккир ўз манзумасига зикри ўтган шеърий санъатлардан унумли фойдаланган. Севимли таржимонимиз Жамол Камол эса ўзбек тилининг бойлигидан унумли фойдаланган ҳолда, “Маснавий”нинг тўлиқ таржимасини амалга оширди.

КИТОБАТ. Китобат – инсоннинг турли ҳолатлари ва тана аъзоларини араб ёзувидаги ҳарфлар шаклига қийслаб тасвирлаш санъати. Шеърятда тик қоматнинг “алиф” ҳарфига, эгилган қоматнинг “дол” ҳарфига, ёр зулфининг “жим” ҳарфига, ёр қошининг “нун” ёки “йо” ҳарфига ўхшатилиши кузатилади. Мавлоно Румий бу санъат имкониятларидан ҳам кенг фойдаланган. Таржимон-шоир китобат мавжуд байтлар таржимасига алоҳида эътибор билан ёндашган:

Аслиятда:

“Нун”-и абрӯ, “сод”-и чашму “чим”-гӯш,
Барнавиштӣ фитнаи сад ақду хуш. (5, 451)

Таржимада:

“Нун”у “сод”у “жим”ни чекдинг, эй киром,
Фитна тушди ақду хушларга тамом. (5, 514)

Аслиятда:

“Чим”-и гҳшу “айн”-и чашму “мим”-и фам,
Чун бувад бе котибе? Эй муттаҳам! (6, 568)

Таржимада:

“Жим” – қулоғу “айн” – кўзу “мим” – оғиз,
Ёзмаса котиб, ёзилгайму нафис? (6, 650)

“Маснавий” да китобат шеърӣй санъати ҳам кенг қўлланган бўлиб, асар таъсирчанлигини таъминланган. Таржимаси ҳам аъло даражада бадиӣй ифодасини топган.

ТАКРИР. Такрир (арабча, такрорлаш) – шеърдаги бирор сўз ёки бирикмани, баъзан бирор мисрани бир неча марта такрорлаш санъати. “Маснавий” да такрир санъати ҳам кўп ва хўп қўлланган:

Аслиятда:

Банда гўяд: “Он чӣ фармудӣ баён,
Сад чунонам, сад чунонам, сад чунон.

Таржимада:

Кул деди: ҳой, ҳар неким этдинг баён,
Юз чунонмен, юз чунонмен, юз чунон.

Аслиятда:

Бандафармонам, ки амр аст аз Худо,
Ки гадо бошам, гадо бошам, гадо. (5, 515)

Таржимада:

Бандадирмен, менга бул амри Худо,
Мен гадодирмен, гадодирмен, гадо. (5, 588)

Аслиятда:

Эй қароре дода рахро гом-гом,
Хоми хомӣ, хоми хомӣ, хоми хом. (5, 521)

Таржимада:

Эйки йўлда талпиниб, ургувчи гом,
Хому хомсен, хому хомсен, хому хом. (5, 595)

Аслиятда:

Гуфт: “Тавба кардам аз жабр, эй аёр,
Ихтиёр аст, ихтиёр аст, ихтиёр.

Ихтиёрот ихтиёраш ҳаст кард,
Ихтиёраш чун саворе зери гард.

*Ихтиёраш ихтиёри мо кунад,
Амр шуд бар ихтиёри мустанад. (5, 526)*

Таржимада:

Деди ўғри: тавба қилдим, эй аёр,
Ихтиёр бордир жаҳонда, ихтиёр.

Ихтиёри ихтиёринг келтирур,
Бир суворийдирки, тўзон ичра ул.

Ихтиёрин ихтиёринг айлагай,
Амрини кўнгилга бундоқ жойлагай. (5, 601)

Аслиятда:

Подшоҳи кун, бибахшаш, эй раҳим,
Эй карим, ибнулкарим, ибнулкарим. (5, 539)

Таржимада:

Подшоҳлик айла бир бор, эй раҳим,
Эй карим, ибн ал-карим ибн-ал карим. (5, 616)

“Маснавийи маънавий” яратилганидан бери қарийб саккиз аср ўтган бўлса-да, мазкур нодир дурдонага бўлган қизиқиш ва муҳаббат ошгандан ошиб бормоқда. Асарнинг умрбоқий қудратини таъмин этган илмий-ирфоний, ижтимоий-фалсафий, адабий-маърифий омиллар талайгина. Ўтмиш алломалари, шунингдек, замондош олимлар бу омиллар сирасида, энг аввало, Мавлононинг илоҳий илмларни пухта эгаллаган беқиёс қувваи ҳофиза соҳиби бўлганлигини алоҳида эътироф этадилар. Ва ўз фикрларини асослаш мақсадида Абдураҳмон Жомийнинг халқона ҳикматга айланиб кетган машҳур байти – “Маснавийи маънави”и Мавлавий – Ҳаст Қуръон дар забони паҳлавий” (Мавлононинг “Маснавийи маънавий”си форсий тилдаги Қуръондир)ни эсга оладилар. Жомий эътирофномасидаги мана бу сатрлар эса ўта самимий,

бинобарин, Мавлоно Румий манзумасига берилган энг адолатли ва холисона баҳодир:

*Ман чи гўям васфи он олийжаноб,
Нест Пайгамбар, вале дорад китоб.*

Мазмуни: “Мен ул олижаноб зот васфида нима ҳам дейишим мумкин? Ул зот Пайгамбар эмас, аммо китоби бор”.¹

Яратганнинг марҳаматига эришмоқ умидида ўзини поклаш, ўзлигини англаш риёзатларини чин мўминлик ила қарши олган беназир шайх ва шоир Мавлоно Румий ҳаргиз пайгамбарлик ёки валийлик даъво қилган эмас. Аммо у ўзи бино этган улкан обида – “Маснавийи маънавий”нинг қадри нечоғлиқ улугъ эканлигини, ўзининг бу ғайрати ҳаммага ҳам ёқавермаслигини яхши билар эди. Бундай таъна-маломат эгаларининг ўз саволларига “Маснавий”дан жавоб олишлари зарурлигини яхши англаган шоир асарнинг учинчи китобида “Қосир ақли туфайли “Маснавий”га тош отувчиларга жавоб” бобига ўрин ажратган.

Бобда Аллоҳнинг буюк китобига самимий эҳтиром ифода топган. Шу билан бирга, улугъ шайх ўз асарини Қуръони каримнинг мавзун шарҳи ўлароқ таништирар экан, “Маснавий”га таъна қилиш Қуръони каримга таъна қилиш билан баробар эканлигини таъкидлайди:

*Эй саги тоъин! Ту ав-ав мекунӣ,
Таъни Қуръонро буруншав мекунӣ.*

*Ин на он шер аст, к-аз вай чон барӣ,
Ё зи панҷай қаҳри ў имон барӣ. (3, 325)*

Таржимаси:

Бас, етар, кўппак, ҳадеб вовуллама,

¹ Қаранг: Усмон О. Маънавият денгизи. Китобда: Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. Биринчи китоб. Тошкент: “Фан”, 2005. 12-бет.

*Отма тош Қуръонга, бундоқ увлама.
Бўйла шердин топмагай жонинг омон,
Панжасидин – дину иймонинг омон. (3, 369)*

Бироқ буюк шайх ва шоир ўзига (ёки асарига) маломат қилган ғофиллар каби танбеҳ йўлидан бормайди. Қуръони карим нутқида ифода топган мулойим оҳанг орқали “рақиб”ларини-да ҳидоятга чорлаш пайида бўлади. Инчунин, Қуръонни таниганлар Ҳақни танийдилар. Ҳақни таниганлар эса мангу тириклик неъматидан баҳраманддирлар:

*Нури хуршедам фитода бар шумо,
Лек аз хуршед ногашта чудо».*

*Нак манам янбўъи он оби ҳаёт,
То раҳонам ошиқонро аз мамот.*

*Гар чунон ганд озатон нангехтӣ,
Чуръае бар гӯратон Ҳақ рехтӣ. (3, 325)*

Таржимаси:

*Мен – қуёшнинг нуридирман, тоза, нек,
Ул қуёшдин айру тушмасман валеқ.*

*Баски, мен битмас, буюк оби ҳаёт,
Мендин ичганларга не эрмиш мамот?*

*Ёнмасангиз ҳирс ила нетгай эди,
Қатрайи Ҳақ сизга ҳам етгай эди... (3, 370)*

Хуллас, “Маснавий” ана шундай пок ният, нек назар билан суғорилган нодир илоҳий-ирфоний дурдонадир. Асар мутолааси нафақат маънавий оламимизни бойитади, балки сўз санъати ҳақидаги назарий билимларимизни ҳам оширади. “Маснавий” шундай чексиз уммонки, юқорида назардан ўтказилган шеърӣи санъатлар намуналари бу

уммондан бир томчи, холос. Бу улуғ маърифат уммонидан такрор-такрор баҳраманд бўлиш ва ўзгаларни ҳам баҳраманд қилиш бизнинг-да эзгу орзумиздир.

Хулоса, мумтоз салафларимиз шеърий меросига хос услуб жилolari ва улар таржимасига оид жиҳатлар ҳақида сўз борганда анъанавий тасвирий воситалар масаласига мурожаат қилиш ғоят табиийдир. Зеро, зиддиятлар ва қарама-қаршиликларга тўла ҳаёт тасвири жараёнида таъсир кучини ошириш мақсадида бадиий санъатлардан самарали фойдаланиш барча даврлар адабиётига хос муштарак жиҳатдир.

Бадиий тасвир воситаларининг муҳим хусусиятларидан яна бири уларнинг ижодкор услубини белгилашдаги мавқеида кўринади. Зотан, кўпдан кўп қалам соҳиблари томонидан истифода этилиши анъанага айланганлигига қарамасдан, ҳар бир бадиий санъат алоҳида ижод соҳиблари асарларида алоҳида шакл ва мазмун хосликларини намоён этади. Бу эса, ўз навбатида, ижодкорнинг индивидуал услубини, унинг ўзигагина хос тасвир тамойилларини белгилаб олиш имконини беради.

Шеърий асар жозибаси ташбеҳ, мажоз, тажнис, истиора, тарсеъ, китобат, тавсиф, талмеҳ, тафсир, ирсоли масал, тамсил сингари образли тасвирий ифодаларга, шунингдек, асар оҳанги, ички олами, қаҳрамонлар ҳаракати ва руҳий кечинмаларини тасвирловчи киноя, муболаға, тазод, ружуъ, лирик чекиниш, нидо, такрор, савол-жавоб, қайтиш каби воситаларга чамбарчас боғлиқдирки, муҳим шеърий унсурлар сифатида асар композицияси ва лирик сюжетининг шаклланишига ҳисса қўшадиган бу каби воситаларсиз асарнинг асл матни ҳам, шу матн таржимаси ҳам мукамал бўла олмайди. Юксак маҳорат билан яратилган асар таржимаси катта меҳнат ва машаққат талаб этганидек, бадиий маҳорат қирралари яққол намоён бўлмаган асар таржимаси унинг мутаржимига ҳам шухрат келтириши

мушкул. Таржима асарнинг ўз халқи маънавий мулкига айланишини орзу қилган мутаржимлар айти шу зарурат тақозоси ўлароқ манба танлаш ҳамда унинг таржимасини амалга ошириш жараёнига ҳолат талабчанлик билан муносабатда бўладилар.

FOR AUTHOR USE ONLY

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдулризо Сайф. “Маснавий” да Исо Масих сиймоси. – “Сино”, 2001, 3-сон. – 22-27-бетлар.
2. Алимбеков А. Авлиёлар халқнинг ҳужжатидир. Китобда: Радий Фиш. Жалолиддин Румий. Тарихий-биографик роман. 2-нашр. Русчадан Жамол Камол таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – 228-237-бетлар.
3. Алимбеков А. Ўзликни англаш моҳияти. Китобда: Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 64-67-бетлар.
4. Алибек Рустамов. Сўз хусусида сўз. Т.: “EXTREMUM PRESS”. 2010. – 82-83 бетлар.
5. Андарзномаи Мавлоно Чалолуддини Румӣ. Д.: “Маориф ва фарӯан”. 2007. – 168 саҳ.
6. Аҳмад Нафисӣ. Ҳикоёти “Маснавии маънавий” –и Мавлоно Чалолуддин Муҳаммад Балхӣи Румӣ. Д.: “Паёми ошно”. 2007. 2007. – 415 саҳ.
7. Биҳиштий Муртазо. Покиза “Маснавий” га бир назар. Китобда: Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. I китоб. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 1999. – 14-15-бетлар.
8. Болтабоев Ҳ. “Маснавийи шариф” маънавияти. – “Жаҳон адабиёти”, 2001, 12-сон. – 162-167-бетлар.
9. Дармоной Ёраева. Қаҳрамон Тўхсанов. Мақолларни “Синквейн” усулида ўргатиш. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2015.- 62 бет.
10. Жалолиддин Румий. Китобда: Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. – 208-210-бетлар.
11. Жалолиддин Румий. Учмоққа қанот йўқ вале учгайман... Ривоятлар ва рубоийлар. Жамол Камол таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.- 45 бет.
12. Жалолиддин Румий. Ғазаллар. Рубоийлар. “Маснавий” дан парчалар. Ш.Шомухамедов таржималари. Китобда: Инжулар уммони. – Т., 1988.
13. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 1999.

14. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Фалсафий-маърифий рисола. Улуғбек Ҳамдам таржимаси. – Т.: “Меҳнат” нашриёти, 2001.

15. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Жамол Камол таржимаси. Биринчи китоб. – Т.: “Фан”, 2005.368-бет; Иккинчи китоб. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.335-бет; Учинчи китоб. – Тошкент – Техрон: ЎзР ФА “Фан” нашриёти, Эрон Ислоҳ Республикаси “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2003.431-бет; Тўртинчи китоб. – Тошкент – Техрон: ЎзР ФА “Фан” нашриёти, Эрон Ислоҳ Республикаси “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2003. 350-бет; Бешинчи китоб. – Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2004. 400-бет; Олтинчи китоб. – Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2004.455-бет. Жалолиддин Румий. Рубоийлар. Эргаш Очилов таржимаси. Китобда: Муҳаббат тароналари. – Т.: 2005. – 211-243-бетлар.

16. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Иккинчи китоб. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.

17. Мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.- Т.: “Фан” нашриёти, 2007.- 187 бет.

18. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. “Шарқ”. Т.: 2008. -270 бет.

19. Жалолиддин Румий. “Маснавий”дан ибратли ҳикоялар. -Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2008.- 69 бет.

20. Жалолиддин Румий. Офтоб далили-офтоб. Маснавий ҳикматлари. -Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2009. -47 бет.

22. Жалолиддин Румий. Қалб кўзингни оч... Таржимон ва нашрга тайёрловчи Сабоҳат Бозорова.- Т.: “Санно-стандарт” нашриёти, 2010.- 157 бет.

23. Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларидан дарслар. 40 ҳикояга 40 шарҳ. Биринчи китоб. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Абдумурод Тилавов. -Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2010.- 102 бет.

24. Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларидан дарслар. 40 ҳикояга 40 шарҳ. Иккинчи китоб. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Абдумурод Ҳолмурод. -Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2010. -75 бет.

25.Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий шарҳи. Насрий баён ва шарҳ муаллифи Карим Замоний. – Т.: “Movarounnahr”, 2011.- 271 бет.

26. Жалолиддин Румий. Най ноласи. Ҳикматлар. – Т.: “Yurist-media markazi” нашриёти, 2011. 119 бет.

27.Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларига шарҳлар. Найнома. Маснавий ҳикматлари.Нашрга тайёрловчи А.Тилавов. – Т.: “Muharrir” nashriyoti, 2011. - 404 бет.

28. Жалолиддин Румий. Етти мажлис. (Мажолиси сабъа). Таржимон Раъно Ҳакимжонова. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”. 2014. – 135 бет.

29. Жалолиддин Румий. Етти мажлис. “Янги аср авлоди”. Т.: 2018. – 189 бет.

30. Жалолиддин Румий. Эпласанг, қочгил ўлимдин... Ҳикматлар. Т.: 2009. -78 бет.

31.Жалолиддин Румий. Оқибат тупроқ бўлурмиз...”Маснавийи маънавий” ҳикматларидан. Т.: “Муҳаррир”. 2010. -43 бет.

32. Jaloliddin Rumiy. Muhabbat mavjisi. Ruboiylar (Fors-tojik tilidan E.Ochilov tarjiması). – Toshkent: “O‘zbekiston”, 2016. – 248 bet.

33.Жалолиддин Румий. Ҳикматлар (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов). – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 272 бет.

34. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Очилов). – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2013. – 248 бет.

35. Жалолиддин Румий асарлари ўзбек тилида \ \ “Адабиёт кўзгуси” (Мақолалар тўплами), № 10. – Тошкент, 2010, 80–90-бетлар.

36.Жамол Камолнинг таржимонлик маҳорати // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2009, 4-сон, 25–34-бетлар.

37.Жаҳон адабиётининг муаззам сиймоси // Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2008. 3-19-бетлар.

38.Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий.Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол камол таржимаси. Т.: MERIYUS,2010. 864-бет.

39.Жалолиддин Румий. Биринчи дафтар, иккинчи дафтар, учинчи дафтар. Таҳрир ҳайъати.Т.:–“Adabiyot uchqunlari”,2014,448 б.

40.Жалолиддин Румий. “Маснавий”дан ибратли ҳикоялар. “Адабиёт учқунлари”. Т.: 2015. – 79 бет.

41. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Камолиддин Хусайн Хоразмий, Карим Замоний, Таржимон Рустамжон Раҳматуллохзода. Мукаммал шарҳ. 1 китоб. 3 жуз. "HILOL – NASHR". 2017. -264 бет.
42. Жалолиддин Румий. Муҳаббат маъвоси. Т.: "O'ZBEKISTON" 2013. – 248 бет.
43. Жаҳон Ёкуюжи. Ичимиздаги Мавлоно. Т.: "Chashma Print". 2011.-148 бет.
44. Ҷалолиддин Румӣ. Ҳикоятҳои халқии "Маснави" . Нашриёти давлатии Тоҷикистон. Д.: 1963. - 278 саҳ.
45. Жамол Камол. Аср билан видолашув. Сайланма. Биринчи жилд. Шеърлар, дostonлар. –Т.: "Фан" нашриёти. 2007. - 335 бет.
46. Жумаев Р. Румий ва Машраб. Китобда: Мумтоз адабиёт масалалари. 1-китоб. – Т., 2006. – 73-82-бетлар.
47. Жумаев Р. Мавлоно Жалолиддин Румий. – "ЎТА", 2007, 3-сон. – 42-48-бетлар.
48. Жумаев Р. "Маснавий" да устоз ва шогирд муносабати талқини. Китобда: Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 67-78-бетлар.
49. Жумаев Рашид. Мавлоно Жалолиддин Румий. Т.: "Янги аср авлоди". 2003. -62 бет.
50. Имомназаров М. Дилдаги нур. Китобда: Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 15-22-бетлар. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Султон Валад. Орифона ғоялар кўзгуси. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: "Маънавият", 1997. – 81-108-бетлар.
51. Истеъломий Муҳаммад. Илоҳий ишқ куйчиси. Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Техрон, 2001. – 88 бет.
52. Комилов Н. Румийни англаш иштиёқи. Китобда: Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: "Шарқ", 1999. – 5-13-бетлар.
53. Комилов Н. Румий, Навоий ва Боккаччо. Китобда: Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. –Т.: "Маънавият", 1999. – 150-156-бетлар.

54. Комилов Н. Муҳим тадқиқот. Китобда: Муҳаммад Ёстеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Техрон, 2001. – 3-4-бетлар.

55. Комилов Н. Тафаккур хазинаси. Китобда: Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Т.: “Меҳнат” нашриёти, 2001. – 3-5-бетлар.

56. Комилов Н. Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асаридан ҳикоятлар. Китобда: Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 35-48-бетлар.

57. Кўзни юмгил, кўзга айлансин қўнгил... (Мавлоно Румий “Маснавий”сида Қалб-Қўнгил)“Noshirlik yog’dusi”. Т.: 2011.71- бет.

58. Маҳкам Асқар. Шамс ва Мавлоно. – “Сино”, 2003, 12-сон. – 17-19-бетлар.

59. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. 864 бет.

60. Мавлоно Ҷалолуддин Муҳаммади Балхӣ. Маснавийи маънавий. Бар асоси матни Р. Николсон ва муқобил бо нусхаҳои дигар.- Техрон. Нашри замон. 2001. Саҳ 727.

61. Мавлоно Ҷалолуддини Балхӣ. Мунтахаби осор. Д.: “Дониш”. 2007. – 306 саҳ.

62. Мавлоно Ҷалолуддин Балхӣ. Мунтахаби осор. Д.: “Дониш”. 2007. - 306 саҳ.

63. Мавлоно Ҷалолуддин Муҳаммади Балхӣ. Маснавийи маънавий: Дафтари аввал ва дувум. Д.: “Адиб”. 2013. – 480 саҳ.

64. Мавлоно Ҷалолуддин Муҳаммади Балхӣ. Маснавийи маънавий: Дафтари севум ва чорум. Д.: “Адиб”, 2013. – 480 саҳ.

65. Мавлоно Ҷалолуддин Муҳаммади Балхӣ. Маснавийи маънавий: Дафтари панҷум ва шашум. Д.: “Адиб”, 2013. – 480 саҳ.

66. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи дафтар, Иккинчи дафтар, Учинчи дафтар. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тузатилган учинчи наشري. –Т.: “Adabiyot uchqunlari”, 2014. 448 бет.

67. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Тўртинчи дафтар, Бешинчи дафтар, Олтинчи дафтар. Форсийдан

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тузатилган учинчи нашри. – Т.: “Adabiyot uchqunlari”, 2014. 448 бет.

68. “Маснавийи маънавий” таржимасида шакл ва мазмун бирлиги // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2010, 6-сон, 41–51-бетлар.

69. Маснавийдан ибратли ҳикоялар. Таржимон: Абдуллоҳ Раҳимбоев. Т.: “Наврўз”. 2015. – 64 бет.

70. Навоий Алишер. Мавлоно Жалолуддин Муҳаммад Балхий Румий қ.с. Китобда: Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд. “Насойим ул-муҳаббат”. – Т.: “Фан”, 2001. – 325-329-бетлар.

71. Очилов Э. Жалолиддин Румий. Китобда: Ишқ дафтари. Рубоийлар. Форс тилидан Э.Очилов таржимаси. – Т.: “Маънавият”, 2000. – 45-бет.

72. Очилов Э. “Маснавийи маънавий” тақдимоти. – ЎТА, 2002, 6-сон. – 95-96-бетлар.

73. Очилов Э. Форсийдан ўзбекчага шеърий таржима муаммолари. – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2013. – 236 бет.

74. Очилов Э. Жалолдин Румий \ \ Нафис мажлислар (Илмий-оммабоп рисоалар). 2 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: “Info Capital Group”, 2018, 109–134-бетлар.

74. Очилов Э. Жалолиддин Румий. (рисола) Т.: ABU MATBUOT-KONSALT. 2014. 25 - бет.

76. Пурномдориён Тақий. “Маснавий”ни дунё ўқиб-ўрганмоқда. Китобда: Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: “Фан” нашриёти, 2005. – 355-359-бетлар.

77. Румий (Ҳаммуаллифликда) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 7-жилд. – Тошкент, 2004, 385–386-бетлар.

78. Рустамов А. “Маснавийи маънавий”даги “най”у “найистон”га Жомийнинг шарҳи. Китобда: Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 13-15-бетлар.

79. Саидов У. Саидов Э. Ўзбекистонда румийшунослик. – “Сино”, 2006, 22-сон. – 24-27-бетлар.

80. Сатторий Ҳ. Румий ўтган йўллар. – “Жаҳон адабиёти”, 2007 йил октябрь. – 135-147-бетлар.

81. Тошхўжа қизи Раъно. Адабиёт – туганмас хазина. – “Жаннатмакон”, Декабрь-январь. – 74-78-бетлар.
82. Турар Усмон. Мавлавия тариқати. Китобда: Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиқлол”, 1999. – 114-115-бетлар.
83. Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавий” сабоқлари.-Т.: “Фан” нашриёти, 2008.- 50 бет.
84. Тўхсанов Қаҳрамон. Шеърӣ санъатлар ва адабий таржима. – Б.: “Бухоро” нашриёти, 2010.- 40 бет.
85. Тўхсанов Қаҳрамон. Жалолӣддин Румӣ ҳаёти ва ижодини коллежда ўргатиш. – Т.: “Navro‘z” nashriyoti, 2016.- 46 бет.
- 86.Тўхсанов Қаҳрамон. Румӣ “Найнама”сининг ўзбекча таржималари. Вухого. “Durdona” nashriyoti. 2018. 60-bet.
87. Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавий”да халқ мақоллари ва уларнинг таржимадаги ифодаси. Монография. Т.: “Наврўз”. 2019. 124-бет.
88. Тўхсанов Қаҳрамон. Ж.Румӣ “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбекча таржимаси. GlobeEdit. 2019. -150 бет.
89. Усмон Нурий Тўпбош. Бир кўза сув. Туркчадан Сайфиддин Сайфуллоҳ таржимаси. – Т.: “Фан” нашриёти. 2007. – 200 бет.
90. Усмон О. Мавлавия тариқати. – “Шарқ машъали”, 1998, 3-4-сонлар. – 62-67-бетлар.
91. Усмон О. Маънавийат денгизи. Китобда: Мавлоно Жалолӣддин Румӣ. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. Форсӣдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: “Фан” нашриёти, 2005. – 5-13-бетлар.
92. 333 рубоӣ. Форсӣдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: “Мушиқа” нашриёти, 2007. – 68 бет.
93. Фиш Радӣ. Жалолӣддин Румӣ. Тарихӣ-биографик роман. Иккинчи нашр. Русчадан Жамол Камол таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – 248 бет.
94. Қаҳҳор Т. Рухоният шоири. Китобда: Жалолӣддин Румӣ. Учмоққа қанот йўқ вале учгайман. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 35-47-бетлар.
95. Қуронбеков А. Румӣ наздида ишқ талқини. – “Шарқ машъали”, 1998, 3-4-сонлар. – 68-73-бетлар.
96. Қуронбеков А. Мавлоно Жалолӣддин Румӣнинг авлодларга мангу маънавий мероси. Китобда: Жалолӣддин Румӣнинг мангу

маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 9-12-бетлар.

97. Қуронбеков А. Инсон Яратганнинг устурлобидир. Китобда: Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 22-28-бетлар.

98. Ғаниева С. Жалолиддин Румий Навоий нигоҳида. Китобда: Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 32-35-бетлар.

99. Ҳамроева Д. Ўлмайдиган кўнгил асари. “Маснавийи маънавий”нинг илк туркий шарҳлари хусусида. – “Ўз АС”, 2008 йил 30 октябрь.

100. Ҳасаний М. Улуғ китобнинг улуғ шарҳи. Китобда: Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор (“Маснавийи маънавий” тафсири). Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: “Муסיқа” нашриёти, 2006. – 4-9-бетлар.

101. Ҳасаний М. Одина Эшон ва унинг “Маснавий”га ёзган шарҳи. Китобда: Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т., 2007. – 29-31-бетлар.

102. Ҳаққул И. Башарият шоири. – “Шарқ машъали”, 1998, 3-4-сонлар. – 74-76-бетлар.

103. Ҳаққулов И. “Миллати ишқ барча динлардин жудо...” Китобда: Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Олтинчи китоб. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2004. – 441-446-бетлар.

104. Ҳаққул И. Руҳи хур, ирфони хур шоир. Китобда: Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 49-65-бетлар.

105. Ҳаққул И. Ҳикмат – кўнгил чироғи. Китобда: Мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: “Фан”, 2007. – 3-8-бетлар.

106. Ҳаққул И. Қалб кўзаси. Китобда: Усмон Нурий Тўпбош. Бир кўза сув. – Т.: “Фан” нашриёти. 2007. – 3-7-бетлар.

107. Ҳаққул И. Шарқ шеърятининг воҳид қуёши. Китобда: 333 рубоий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: “Муסיқа” нашриёти, 2007. – 3-5-бетлар.

108. Ҳожи Исмадуллоҳ Абдуллоҳ. Бобораҳим Машраб ва унинг “Мабдаи нур” асари. Китобда: Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Т.: “Фан” нашриёти, 1994. – 3-35-бетлар.

109. Ҳомидий Ҳ. Маънавият пешвоси. Китобда: Ҳамиджон Ҳомидий. Кўҳна Шарқ дарғалари. Бадиий-илмий лавҳалар. – Т.: “Шарқ”, 1999. – 105-109-бетлар.

110. Ҳомидий Ҳ. Умр ёдгорлиги. Китобда: Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. II китоб. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. – 5-7-бетлар.

FOR AUTHOR USE ONLY

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Мавлонолар мавлоноси	7
Жамол Камол – моҳир таржимон	28
Жалолиддин Румий асарлари – ўзбек тилида	33
“Маснавий”нинг исломий сарчашмалари	38
Ҳадислар мазмуни ва таржима жозибаси	48
Халқ ижоди – илҳом манбаи	57
“Маснавийи маънавий”да туркий сўзлар	85
Тил бирликлари ва таржимон маҳорати	89
Икки бошланма байт таржимаси	93
Бир ҳикоятнинг бир неча талқини	101
Таржимада шакл ва мазмун бирлиги	109
Таржима – ўзгача санъат намунаси	117
Таржима аслиятни қайта яратиш санъатидир	122
Ҳикмат таржимасининг ўзига хос хусусиятлари	128
“Маснавий” таржимасида қофия ва радиф	134
Шеърӣ санъатлар таржимасида таржимон маҳорати	142
Фойдаланилган адабиётлар	192

FOR AUTHOR USE ONLY

**More
Books!**



yes
I want morebooks!

Buy your books fast and straightforward online - at one of world's fastest growing online book stores! Environmentally sound due to Print-on-Demand technologies.

Buy your books online at
www.morebooks.shop

Kaufen Sie Ihre Bücher schnell und unkompliziert online – auf einer der am schnellsten wachsenden Buchhandelsplattformen weltweit! Dank Print-On-Demand umwelt- und ressourcenschonend produziert.

Bücher schneller online kaufen
www.morebooks.shop

KS OmniScriptum Publishing
Brīvības gatve 197
LV-1039 Rīga, Latvia
Telefax: +371 686 204 55

info@omniscryptum.com
www.omniscryptum.com

OMNIScriptum



FOR AUTHOR USE ONLY